

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

А.А. АБДИБОСИТОВ

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ МАЪМУРИЙ
ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЎРИТИШ ФАОЛИЯТИ**

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ - 2023

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти
Илмий кенгашида маъқулланган.*

Муаллиф:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси ўқитувчиси, катта лейтенант **А.А. Абдибоситов**

Масъул мухаррир:

Юридик фанлари номзоди, доцент **М.И. Суванкулов**

Тақризчилар:

ИИВ Малака ошириш институти Юридик тайёргарлик кафедраси доценти, юфн, доцент, подполковник **Ж.С. Мухторов;**

Тошкент шахар Бектемир тумани бўйича ИИО ФМБ бошлиги, подполковник **Э.У. Эргашев.**

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг профилактика А-13 инспекторлари фаолиятидаги ўрни. Ўқув қўлланма – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти 2023. – 157 б.

Ўқув қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг ИИО профилактика инспекторлари фаолиятидаги ўрни, улар томонидан маъмурий хуқуқ нормаларини қўллаш тартиби ва хуқуқий асослари ёритилган.

Ўқув қўлланма Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқотчилари, ички ишлар органлари профилактика инспекторларини тайёрлаш, бошланғич касбий тайёрлаш, мавжуд ходимларни малакасини ошириш, қайта тайёрлаш курслари тингловчи ва курсантлари, шунингдек, амалиёт ходимлари учун мўлжалланган.

УДК 34.(575.1)
ВВК 67.9. А-13

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ МОИ, 2023

Сўзбоши

Замонавий Ўзбекистоннинг ҳуқуқий модернизацияси, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш, давлат аппарати тузилмасини ислоҳ қилиш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш ва мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш шароитида ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг касбий-ҳуқуқий онги даражасига қўйиладиган талаблар сезиларли даражада ошмоқда.

Касбий-ҳуқуқий онг ички ишлар органлари ходимининг, айниқса ёш ходимларнинг кейинги касбий малакасини, унинг ҳуқуқий дунёқарашини, расмий ваколат чегарасини, мотивларини белгиловчи асос ва касбий ижодий бошланиш ҳисобланади.

Маъмурий ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишига ваколати бўлган органлар ичида ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари салмоқли ўрин тутади. Чунки профилактика инспекторлари давлат, жамият ва инсон ҳукуқларини таъминлаш, ҳукуқбузарликларни олдини олиш, уларга қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш каби вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган, давлат томонидан ўрнатилган маъмурий-ҳуқуқий нормалар билан мустаҳкамланган бир қатор маъмурий ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши ваколати берилган.

Хозирги вақтда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 248-моддасига асосан профилактика инспекторлари томонидан 24 та модда (27 та маъмурий ҳукуқбузарлик) бўйича маъмурий ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар кўриб чиқиши ваколати берилган. Албатта, бир тарафдан қонун чиқарувчи томонидан профилактика инспекторларига ишонч билдириб бундай ваколат берилиши ИИОлари учун қувонарли ҳолат, аммо, бошқа тарафдан бу уларга юксак масъулият юклайди. Бир инсонни айбдор деб топиш ва унга нисбатан адолатли қарор чиқариш учун профилактика инспекторлари маъмурий ҳуқуқий ва бошқа ҳуқуқ соҳаларини чуқур ўзлаштирган бўлишлари лозим.

Бугунги кунда ички ишлар органлари профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши ва ушбу турдаги ишларни юритишни таъминлаш чораларини қўллаш фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасида, шунингдек, бу фаолият учун малакали кадрлар тайёрлаш ва мавжуд кадрларни малакасини оширишда етарли даражада ўкув қўлланмалар билан таъминлаш зарурати мавжуд. Шу мақсадда тайёрланган ўкув қўлланма маъмурий жавобгарликка оид қонунчиликнинг маъмурий

хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва уларни юритиш билан боғлиқ жиҳатларни ёритиш билан бир қаторда ички ишлар органларига етук маъмурий хуқуқий билимларга эга профилактика инспекторларини тайёрлаш, мавжуд ходимларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, ходимларнинг мустақил равишда хуқуқий билимларини мустаҳкамлашларида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси асосида тайёрланган бўлиб унда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва унинг тузилиши, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликнинг умумий қоидалари, маъмурий хуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик, профилактика инспекторлари томонидан маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишнинг ўзига хос ҳусусиятлари, профилактика инспекторлари томонидан кўриб чиқилиб маъмурий жазо қўлланиладиган хуқуқбузарликларнинг маъмурий хуқуқий тавсифи, айрим турдаги маъмурий хуқуқбузарликларнинг маъмурий хуқуқий тавсифи кенг ёритилган.

Ўқув қўлланма Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқотчилари, ички ишлар органлари профилактика инспекторларини тайёрлаш, бошлангич касбий тайёрлаш, мавжуд ходимларни малакасини ошириш, қайта тайёрлаш курслари тингловчи ва курсантлари, шунингдек, амалиёт ходимлари учун мўлжалланган.

Мазкур ўқув қўлланма мамлакатимизда хуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш ҳамда профилактика инспекторларининг маъмурий жавобгарлик соҳасидаги билимларини юксалтиришга хизмат қиласи деган умиддамиз.

I боб. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва унинг тузилиши. Умумий қоидалар

1.1. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс

“Маъмурий” атамаси арабча “маъмур” ёки лотинча “administratio” сўзидан олинган бўлиб, бошқарув деган маънони англатади. Бевосита норматив-ҳукуқий ҳужжатнинг маҳмун-моҳиятини очиб беришдан аввал, “Бошқарув”, “Давлат бошқаруви” тушунчаларини англаб олиш лозим.

Бошқарув давлат пайдо бўлмасдан олдин вужудга келган бўлиб, кимни, нимани ёки қандайдир фаолиятни “йўналтириш, унга раҳбарлик қилиш” маъносини англатади¹.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (бундан буён матнда МЖтК) 1994 йил 22 сентябрь куни қабул қилинган, 1995 йил 1 апрель кунидан кучга кирган. Кодекс икки қисмдан иборат бўлиб улар умумий ва маҳсус қисмлардир.




Умумий қисм ўз ўрнида бўлимлар кўринишида икки қисмга ажратилган бўлиб, биринчи бўлим маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликнинг вазифалари, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик соҳасида Ўзбекистон Республикасининг ваколатлари, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик соҳасида Қорақалпоғистон Республикасининг ваколатлари, маъмурий хукуқбузарликларнинг олдини олиш, маъмурий хукуқбузарлик учун таъсир кўрсатиш чораларини қўлланиш вақтида қонунийликни таъминлаш ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликнинг амал қилиши каби умумий қоидалардан иборат. Иккинчи бўлим маъмурий хукуқбузарлик ва унинг оқибатида келиб чиқадиган маъмурий жавобгарлик тўғрисидадир.

Маҳсус қисмнинг ўзи тўрт қисмга бўлинib, улар қуйидагилардан иборат:

- маҳсус қисмнинг биринчи қисмида хукуқбузарликларнинг турлари боблар ва моддаларга ажратилган бўлиб, ушбу қисм 40-моддадан 241¹-моддагача бўлган хукуқ нормаларини ўз ичига олади. Маҳсус қисмнинг ушбу қисмида қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар маъмурий хукуқбузарлик эканлиги ҳамда ушбу хукуқбузарликларни содир этган шахсларга қўлланилиши мумкин бўлган маъмурий жазо чоралари белгиланган;
- маҳсус қисмнинг иккинчи қисми маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишига ваколати бўлган органлар (мансадор шахслар), яъни маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг тааллуқлилиги тўғрисида;

¹ Икрамов Ш.Т., Хамедов И.А. Маъмурий хукук. – Т., 2016. – Б. 6.

- навбатдаги қисм маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби тўғрисида;
- тўртинчи қисми маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорларни ижро этиш тўғрисидадир (1-расм).



1. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тузилиши

1.2. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг умумий қоидалари

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик МЖТК 1-моддасининг биринчи қисм^{*} ида келтирилган бўлиб, улар:

- Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс;
- Ўзбекистон Республикаси қонунлари;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари;
- Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ва Вазирлар Кенгашининг қарорлари;
- ҳалқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорларидан иборатdir.

Юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг вазифаларига тўхталадиган бўлсак улар ўз олдига *инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ*

* Модданинг қисми – модданинг бош ҳарфдан бошланган ҳар бир янги хатбошиси (модданинг тартиб рақами ва номидан ташқари).

ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишини, ижтимоийadolат ва қонунийликни таъминлашини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва обьектив кўриб чиқилишини, шунингдек бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишини, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиши руҳида тарбиялашини вазифа қилиб қўяди. Бу вазифаларни амалга ошириш учун МЖТК қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланишини, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан қайси орган (мансадор шахс) томонидан қай тартибда қанақа маъмурий жазо қўлланилиши ва ижро этилишини белгилайди (МЖТК 2-модда). Ушбу модданинг иккинчи қисмини таҳлил қиласиз эканмиз айтишимиз мумкинки, МЖТК:

- қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланишини;
- маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан қанақа маъмурий жазо қўлланилишини ва уни ижро этилишини;
- маъмурий ҳуқуқбузарликни кўриб чиқувчи орган (мансадор шахс)ларни;
- маъмурий ҳуқуқбузарликни кўриб чиқиш ва жазо чорасини қўллаш тартибини белгилаб беради.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик принципларининг моҳияти. Дастрлаб “Принцип” сўзининг маъносига эътиборимизни қаратишимиз лозим, принцип раҳбарий ғоя ёки тамойил деган маъноларни англатади². Ҳамма соҳанинг раҳбарий ғояси ёки принципи мавжуд бўлгани сингари маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликнинг ҳам ўзига хос принциплари мавжуд. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликнинг принциплари қонунчиликнинг шаклланиши жараёни, ривожланиши ва ҳаракатланишининг асосини ташкил этувчи раҳбарий ғоялардир. Принциплар маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликнинг шаклланишида йўналиш берувчи мўлжал, мезон вазифасини ўтайди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликнинг принциплари МЖТКнинг 3-моддасида келтирилган бўлиб, куйидагилардан иборат:

қонунийлик принципи - содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ҳукуқса ҳилофлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик билан белгиланади;

фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи – маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий

² Юридик тайёргарлик. – Т., ИИВ Академия, 2016. – Б. 42.

келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, қонун олдида тенгдирлар;

демократизм принципи - жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки жамоалар маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ахлоқини тузатиш ишига қонунда назарда тутилган ҳолларда жалб қилинишлари мумкин;

инсонпарварлик принципи – маъмурий жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди;

одиллик принципи – маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбордor бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни маъмурий ҳуқуқбузарликнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак;

айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи - шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган қилмишлари учунгина жавобгар бўлади. Қилмишида маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт.

Қонунийлик принципига МЖтКнинг 8-моддасида алоҳида тўхталиб ўтилиб унда **маъмурий ҳуқуқбузарлик учун таъсир кўрсатиш чораларини қўлланиш вақтида қонунийликни таъминлашнинг** моҳияти келтирилган. Унга кўра:

- маъмурий ҳуқуқбузарлик учун ҳеч ким қонунчиликда белгиланган асослар ва тартибдан бошқача тарзда таъсир кўрсатиш чорасига тортилиши мумкин эмас;
- маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш қонунийликка риоя қилиш асосида олиб борилади;
- тегишли ваколат берилган органлар ва мансабдор шахслар маъмурий таъсир кўрсатиш чораларини ўз ваколатлари доирасида қўллайдилар;
- маъмурий ҳуқуқбузарлик учун таъсир кўрсатиш чораларини қўлланиш чоғида қонунчилик талабларига риоя этилиши ваколатли юқори турувчи органлар ва мансабдор шахслар томонидан мунтазам равишда назорат қилиб турилиши билан, прокурор назорати билан, шикоят бериш ҳуқуқи билан таъминланади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масаласига МЖтКнинг 7-моддасида алоҳида тўхталиб ўтилган бўлиб, унга кўра, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига олиб келувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга, фуқароларни онгли, интизомли бўлиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя

қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган тадбирлар ишлаб чиқадилар ва уларни амалга оширадилар.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида эса Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига ҳам мувофиқ қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъмин эта бориб, ўз ҳудудларида барча давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишларини мувофиқлаштириб турадилар, ички ишлар органлари, Болалар масалалари бўйича комиссиялар ҳамда уларга ҳисобдор маъмурий ҳуқуқбузарлик билан кураш олиб борувчи бошқа органлар фаолиятига раҳбарлик қиласидилар.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликнинг амал қилиши. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ушбу ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойда амал қилиб турувчи қонунчилик асосида жавобгарликка тортилади. Ўзбекистон Республикасининг байроғи остидаги ёки Ўзбекистон Республикасининг портида рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида очик ҳаво ёки сув бўшлиғида бўлган кемада маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, МЖТКга мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки бекор қилувчи ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эгадир, яъни ушбу ҳужжатлар чиққунга қадар содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолларига ҳам тааллуқлидир. Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни белгиловчи ёки жавобгарликни кучайтирувчи ҳужжатлар эса орқага қайтиш кучига эга бўлмайди. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш қўрилаётган вақт ва жойда амал қилиб турган қонунчилик асосида юритилади (МЖТК 9-модда).

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. *Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари?*
2. *Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг принциплари?*
3. *Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тузилиши?*
4. *Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг умумий қисмига изоҳ беринг.*
5. *Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг маҳсус қисмига изоҳ беринг.*
6. *Маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олии деганда нимани тушунасиз?*

П боб. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик

2.1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари

Ҳуқуқ назариясига кўра, ҳар қандай юридик жавобгарликнинг асосини қонунга хилоф, айбли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик), яъни ҳуқуқбузарлик ташкил этади. Ҳуқуқбузарлик ҳуқуқ субъектининг айбли, ҳуқуққа зид, давлат ва шахс манфаатларига заарар келтирувчи қилмишидир. Ҳуқуқбузарлик қонун билан қўриқланадиган ҳар қандай манфаатларга заарар етказади ва шу сабабли жамият учун хавфли деб баҳоланади. Айрим юридик манбаларда ҳуқуқбузарлик ижтимоий хавфлилилк даражасига кўра, жиноят ва ножўя ҳаракатга бўлинади.

Жиноят – давлат, жамият ва шахс манфаатларига заарар етказувчи ижтимоий хавфли қилмишдир. Жиноят ҳуқуқбузарликларнинг энг оғир тури ҳисобланади.

Ножўя ҳаракат – жиноят сингари заарар етказмаслиги ва ижтимоий хавфлилилк даражасининг камлиги билан фарқланади.

Ножўя ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг турлари қўйидагилардан иборат:

1) **фуқаровий ҳуқуқбузарлик** – бунда ҳуқуқбузарлик натижаси шахснинг номулкий манфаатлари, шаъни ва қадр-қимматига заарар етказиш ҳамда моддий жавобгарлик билан белгиланади (Фуқаролик кодекси бўйича);

2) **маъмурий ҳуқуқбузарлик** – қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий мухитга тажовуз қилувчи ҳуқуққа зид, айбли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;

3) **интизомий ҳуқуқбузарлик** – корхона раҳбарияти томонидан ўрнатилган юриш-туриш қоидаларини бузишнинг оқибатида келиб чиқади ва интизомий жавобгарликка сабаб бўлади³.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 15 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасига кўра, **ҳуқуқбузарлик** – содир этилганлиги учун **маъмурий ёки жиноий жавобгарлик** назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) деб белгиланган.



Бевосита **маъмурий ҳуқуқбузарлик** тушунчаси Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 10-моддасида белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра **маъмурий ҳуқуқбузарлик** деганда, қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий мухитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

³ Юридик тайёргарлик. – Т., ИИВ Академия, 2016. – Б. 80-83.

Айрим ҳолларда, маъмурий хуқуқбузарлик маъмурий – хуқуқий нормаларни бузиш маъносида талқин қилинади. Лекин шу нарсага алоҳида эътибор бериш керакки, маъмурий-хуқуқий нормалар турли кўринишга эга, масалан, намунали хулқ-атвор қоидаларини ўрнатувчи тартибга солувчи маъмурий-хуқуқий нормалар ва бу қоидаларнинг бузилиши учун жавобгарликни ўрнатувчи, муҳофаза этувчи маъмурий-хуқуқий нормалар.

Хуқуқбузарликнинг барча хусусиятлари ҳисобга олиниб, уни амалдаги қонунларга биноан жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас, деб ҳисобланган тақдирда, бу хуқуқбузарликка нисбатан маъмурий жавобгарлик амалга оширилади. Жавобгарликка тортиш – хуқуқбузарликнинг асосий хусусиятларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси МЖТК 10-моддасининг иккинчи қисмига биноан маъмурий хуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик, башарти бу хуқуқбузарлик ўз хусусиятига кўра жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаган тақдирда, амалга оширилади. Лекин жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўладиган ҳолатлар мазкур кодексда назарда тутилмаган. Фақатгина, МЖТКнинг 271-моддаси 8-бандида маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс хусусида шу факт юзасидан жиноий иш қўзғатилган бўлса, маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритишни бошлаш мумкин эмаслиги, бошланган иш эса тугатилиши лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКда маъмурий хуқуқбузарликлар тажовуз қиласидаги ижтимоий муносабатлар доираси атрофлича тавсифлаб берилган. Уларга, маъмурий хуқуқбузарликлар аҳолининг соғлиғига қарши қаратилган, мулкка тажовуз қилувчи хуқуқбузарликлар, табиий мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги, саноат, қурилиш, иссиқлик ва электр энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги, савдо ва молия каби соҳалардаги хуқуқбузарликлар киради.

Маъмурий хуқуқбузарликнинг ўзига хос хусусиятлари. Юқорида кўриб чиққанимиздек, давлатнинг хуқуқий тизими, одатда уч гуруҳ: жиноий, маъмурий ва интизомий жазо санкциялари билан муҳофаза қилинади. Жумладан, аниқ ҳолатларга қараб сайлов хукуқини, мулкчиликни, меҳнат, санитария, экология қоидаларини бузиш учун жиноий ёки маъмурий ёхуд интизомий жавобгарлик қўлланилиши мумкин. Ушбу жавобгарликларнинг биринчи ўхшашлик томони шундан иборатки, улар хуқуқий тартиботни муҳофаза қиласиди; иккинчидан, бу жавобгарлик санкциялари қонунлар билан ўрнатилган; учинчидан, улар хуқуққа хилоф айбли қилмиш (хуқуқбузарликлар) учун қўлланилади; тўртинчидан, қонун хужжатларида жавобгарликларни қўллаш жараёни ва жавобгарликни қўлловчи органларнинг ваколатлари кўрсатиб ўтилган; бешинчидан, уларни қўллаш айбдор шахсга нисбатан «нохуши» оқибатларни, шунингдек, маълум бир муддатда

жавобгарликка тортилганликни (масалан, жиноятда судланганлик, маъмурий ва интизомийда бир йиллик муддат) олиб келади.

Демак, жиноий, маъмурий ва интизомий жавобгарлик кўпгина ўхшаш томонларга эгадир. Лекин қонунийлик тартибини таъминлашда хукуқбузарликни таснифлаш, айбор шахсни қонуний ва асослантирилган жазога тортиш мақсадида, хукуқбузарлик кўринишларини фарқлаш лозим бўлади.

Жиноят маъмурий ва интизомий хукуқбузарликлардан бир қатор хусусиятлари билан фарқланади. Бу биринчи навбатда, хукуққа хилоф қилмишнинг ижтимоий хавфи ва тури. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14-моддасига биноан Ушбу кодекс билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳди迪 билан *жиноят* деб топилади. Жиноят кодекси билан қўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфни келтириб чиқарадиган қилмиш – *ижтимоий хавфли қилмиш* деб топилади.

Маъмурий хукуқбузарликлар ўртасида жиноятларга туташиб кетадиганлари ва уларга яқин турадиганлари ҳам мавжуд бўлиб, улар ўртасидаги чегарани аниқлаш муаммоси вужудга келади. Ўзбекистон Республикасининг МЖТК Махсус қисмининг кўпгина ифодалари маъмурий хукуқбузарликлар билан уларга яқин жиноятлар ўртасидаги аниқ чегарага эга эмас ёки ана шундай чегаралар ҳамма вақт ҳам кўзга ташланавермайди. Улар фақат Жиноят кодекси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддалари қиёслангандан намоён бўлиши мумкин.

Айрим ҳолларда маъмурий хукуқбузарлик билан жиноятлар ўртасидаги фарқловчи хусусиятлар (чегара чизиқлари) сифатида: *биринчидан*, оғир оқибатларнинг мавжудлиги, ана шундай оқибатларнинг рўй бериши мумкинлиги; *иккинчидан*, хукуқбузарлик оқибатида етказилган заарнинг миқдори; *учинчидан*, маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг такроран хукуқбузарликни содир этиш ва бошқалар кўрсатиб ўтилади.

Қилмиш жиноят ёки маъмурий хукуқбузарлик сифатида таснифлангандан сўнг, жавобгарликка тортиш тартиби, жазо чораси ва бошқаларда намоён бўлувчи *иккинчи дараҷали хусусиятлар* вужудга келади. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга биноан 16 ёшга тўлган фуқаролар (МЖТК 13-модда), Жиноят кодексига биноан эса жавобгарликнинг умумий ёши 16 ёш, аммо айрим жиноятлар учун 14 ёшга тўлган фуқаролар жавобгарликка тортилади (ЖК 17-модда).

Маъмурий жавобгарликда уни қўллаш жараёни соддалаштирилган (масалан, маъмурий хукуқбузарликни содир этган шахсга баённомани тузиш орқали маъмурий жазони қўллаш мумкин), жиноятда эса, жиноят-процессуал

қонунчилигига назарда тутилган процессуал ҳаракатларни амалга ошириш лозим; маъмурий жавобгарлик суд ва бошқа давлат органлари томонидан, жиноий жавобгарлик эса фақатгина суд органлари томонидан қўлланиши мумкин ва ҳ.к.

2.2. Маъмурий хуқуқбузарликнинг таркиби ва маъмурий жавобгарлик

Маъмурий жавобгарлик – юридик жавобгарликнинг алоҳида тури ҳисобланиб, бир вақтнинг ўзида маъмурий жавобгарликнинг маъмурий мажбурлашнинг бир тури ҳамдир. Маъмурий жавобгарлик – бу маъмурий хуқуқ нормалари билан тартибга солинган, айбдор шахсга нисбатан ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан маъмурий-процессуал тартибда маъмурий жазони қўллашдир.

Маъмурий жавобгарлик қўйидаги хусусиятларга эга:

- бу давлат мажбурлови бўлиб, давлат фаолиятининг ҳар хил соҳаларида содир этилган маъмурий хуқуқбузарликлар учун қўлланади;
- қонунлар ва норматив-хуқуқий хужжатлари асосида ваколатли органлар, мансабдор шахслар томонидан айбдор шахслар жавобгарликка тортилади;
- маъмурий жавобгарликка тортилганлар судланган ҳисобланмайди;
- енгил жазо берилади ва жазо муддати қисқа белгиланади;
- моддий жавобгарлик моддий заарар етказилгандагина қўлланади, маъмурий жавобгарликка моддий заарар етказилмаган бўлса ҳам тортиш мумкин⁴.

Умуман олганда хуқуқбузарлик юридик факт бўлиб ҳисобланади, у ўз навбатида, қўриқловчи ҳарактерга эга бўлган хуқуқий муносабатларни юзага келтиради. Хуқуқбузарликнинг таркиби муайян хуқуқ нормаларини шарҳлашда, унинг мазмунини очиб беришда ҳамда дунёқараш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эгадир. У ўз ичига тўртта элементни қамраб олади: хуқуқбузарликнинг *объекти, объектив томони, субъектив томони*⁵.



Маъмурий хуқуқбузарлик таркиби бу – маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликда аниқ бир қилмишни маъмурий хуқуқбузарлик деб таърифловчи энг кам ва етарли объектив ва субъектив белгилар йиғиндисидир. Яъни, шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш учун исботланиши лозим бўлган ҳолатлар йиғиндисига маъмурий хуқуқбузарлик таркиби дейилади.

Маъмурий хуқуқбузарлик таркибининг мавжуд эмаслиги маъмурий хуқуқбузарлик ҳодисаси ёки аломати юз бермаганлигини билдиради ва ушбу ҳолатларда маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса тутатилиши лозим (МЖТК 271-моддаси 1-қисм, 1-банди).

⁴ Икрамов Ш.Т., Хамедов И.А. Маъмурий хуқуқ. – Т., 2016. – Б. 209.

⁵ Давлат ва хуқуқ назарияси. – Т., ИИВ Академия, 2018. – Б. 182.



2. Хукуқбузарлик таркиби

Маъмурий хукуқбузарликнинг обьекти – хукуқбузарлик оқибатида бузилган ёки бузилиши мумкин бўлган ижтимоий муносабатлар (хуқук, тартиб, қоида ва бошқалар). Масалан, тухмат хукуқбузарлиги деганда била туриб ёлғон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатиш тушунилса, ушбу хукуқбузарликнинг обьекти шу хукуқбузарлик оқибатида бузилган ёки бузилиши мумкин бўлган ижтимоий муносабат, яъни шахснинг қадр-қиммати ҳисобланади.

Маъмурий хукуқбузарликнинг обьектив томони – хукуқбузарликнинг қандай тарзда ёки қандай шарт-шароитларда содир этилганлиги. Объектив томоннинг асосий белгилари ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир.

Ҳаракат – маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликка асосан амалга оширилиши тақиқланган ҳаракатларни амалга ошириш. Масалан, тухмат қилиш, ҳақорат қилиш ва бошқалар.

Ҳаракатсизлик - маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликка асосан амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатларни амалга оширмаслик. Масалан, ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик ва бошқалар.

Маъмурий хукуқбузарликнинг обьектив томонининг таркибий қисмларига, хукуққа хилоф қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ва вужудга келган зарарли оқибатдан ташқари, *садир этилган қилмиши ва ундан келиб чиқадиган зарарли оқибат ўртасидаги сабабий боғланиши ҳам киради*. Бундай боғланишни аниқлаш –

зарарли оқибатларнинг келиб чиқиши шароитларини, зарарли оқибатларнинг айнан мана шу ёки бошқа қилмиш оқибатида вужудга келганлигини, қилмишнинг вужудга келган оқибатларга қай даражада таъсир этганлигини ва бошқаларни аниқлашга хизмат қиласди. Лекин маъмурий ҳуқуқбузарликда сабабий боғланишни аниқлашга ҳожат йўқ, чунки қоида бўйича вужудга келган зарарли оқибатлар *номоддий* ва одатда *ижтимоий зарар* ёки *ижтимоий хавфли* кўринишларда бўлади. Шу сабабли, ҳуқуққа хилоф қилмиш билан унинг оқибати ўртасида сабабий боғланишнинг мавжудлигига шубҳа туғилмайди.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар икки кўринишга: формал ёки моддий таркибли ҳуқуқбузарликларга бўлинади.

Моддий зарар келиб чиқишини назарда тутмайдиган маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби – формал таркибли маъмурий ҳуқуқбузарлик деб аталади. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар, жиноятлардан фарқли равиша, аксарият ҳолларда формал таркибда бўлиб, уни содир этиш натижасида моддий зарар келиб чиқиши ёки келиб чиқмаслигидан қатъи назар, жавобгарлик назарда тутилади. Масалан, транспорт воситаси ҳайдовчиси томонидан харакат тезлигини ошириш натижасида ҳеч қандай моддий зарар келиб чиқмаган бўлиши мумкин, лекин бу харакатни содир этиш маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланиб, унга нисбатан маъмурий жавобгарлик қўлланилади.

Формал таркибли маъмурий ҳуқуқбузарликлардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси МЖТКда бир неча моддий таркибли ҳуқуқбузарликлар ҳам назарда тутилган. Бундай ҳуқуқбузарликларни содир этиш натижасида моддий зарар келиб чиқсан бўлиши керак. Масалан, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотларнинг мол-мulkини ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан оз миқдорда талон-торож қилиш – моддий таркибли ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

Бундан ташқари объектив томоннинг қўшимча белгилари ҳам мавжуд бўлиб, улар маъмурий ҳуқуқбузарликнинг содир этилиш вақти, жойи, усули ва такроранлигидир. Қўшимча белгилар фақатгина айrim ҳуқуқбузарликлар учун аҳамиятга эга. Масалан, майший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш (МЖТК 192-модда) ҳуқуқбузарлигини олсак, унга кўра “Тунги вақтда — соат 23.00 дан 06.00 гача — фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузиш” тақиқлаб қўйилган, яъни ушбу ҳуқуқбузарликни кўриб чиқиш жараёнида содир этилиш вақтига эътибор қаратиш лозим.

Айrim турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун содир этилиш жойи аҳамиятга эга, масалан, жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш (МЖТК 56¹-модда) ҳуқубузарлигига шахс айнан иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнғин чиқиш хавфи бўлган жойларда, шу жумладан автомобилларга ёқилғи қуиши шохобчаларида ва бошқа

жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиши лозим, аммо, ушбу ҳуқуқбузарлик тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш учун маҳсус ажратилган жойларда ва (ёки) хоналарда истеъмол қилиниши жавобгарликни келтириб чиқармайди.

“Жамоат жойилари”га қонун ҳужжатларида аниқ таъриф ва ягона ёндашув бўлмаганлиги сабабли мутахассислар бу борада мунозара қилиб келадилар. Адлия вазирлигининг “Ҳуқуқий ахборот” каналида маълум қилинишича, қонунчиликка мувофиқ қўйидагилар жамоат жойлари ҳисобланади:

- стационар савдо обьектлари, умумий овқатланиш корхоналари;
- кинотеатрлар, театрлар, цирклар, концерт, кўрик ва кўргазма заллари ҳамда оммавий дам олиш учун ёпиқ иншоотлар;
- клублар, дискотекалар, компьютер заллари, Интернет хизматлари кўрсатиш учун жиҳозланган хоналар ёхуд бошқа кўнгилочар жойлар;
- музейлар, ахборот-кутубхона муассасалари ва маърузахоналар;
- маҳаллий ва узоққа қатнайдиган поездлар, шаҳар атрофига қатнайдиган поездларнинг вагонлари, дарё кемалари, шаҳар, шаҳар атрофига, шаҳарлараро ва халқаро қатнайдиган автобуслар, таксилар, йўналишли таксилар ҳамда шаҳар электр транспорти, ҳаво кемалари;
- ер ости ўтиш жойлари, транспорт бекатлари ва автотранспорт воситаларини вақтинчалик сақлаш жойлари;
- аэропортларнинг, темир йўл, автомобиль вокзалларининг ва сув транспорти бекатларининг бинолари;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг бинолари;
- соғлиқни сақлаш тизими муассасалари ва ташкилотлари, таълим муассасалари, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари;
- иш жойлари бўлган хоналар;
- кўп квартирали уйларнинг йўлаклари, шунингдек уйлар олди худудида жойлашган болалар ва спорт майдончалари;
- хиёбонлар, боғлар, кўчалар ва бошқа жойлар.

Умуман олганда **жамоат жойи** деганда, икки ва ундан ортиқ шахслар ийғилиши мумкин бўлган жойлар тушунилиши мумкин. Демак, икки ва ундан ортиқ шахсларнинг у ерда бўлиши шарт эмас, *муайян жойини жамоат жойи деб топиш* учун реал вақтда ушбу жойда икки ва ундан ортиқ шахсларнинг мавжуд бўлиш эҳтимолининг мавжуд эканлиги асос бўлади.

Мисол тариқасида, “Кўйлиқ” дехқон бозори одамлар тўпланиб савдо-сотик ишлари амалга ошириладиган (кун чиққандан то кун боткунга қадар) вақтда жамоат жойи ҳисобланади. Аммо, хафтанинг душанба куни ёки тунги вақтда

одамларнинг тўпланиш эҳтимоли деярли йўқлиги туфайли жамоат жойи ҳисобланмаслиги мумкин.

Хуқубузарликнинг содир этилиш усулига МЖтКнинг 183-моддасида белгиланган “Майдабезорилик” хуқубузарлигини мисол қилиб оладиган бўлсак, унга кўра *майдабезорилик* - жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимаслик деб белгиланган, ушбу хуқубузарликнинг содир этилиш усули қасдан менсимасликда ифодаланади.

Такроранлиги каби қўшимча белги эса айrim хуқубузарликлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин бир йил давомида такроран содир этилиши:

1) жиноий жавобгарликни келтириб чиқариши мумкин: жиноят кодексининг 140-моддасига биноан - ҳақорат қилиши, яъни шахснинг шаъни ва қадр-қимматини беодоблик билан қасдан таҳқирлаш, башарти, *шундай ҳаракатлар* учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилиши ҳисобланади;

2) маъмурий жазо чорасининг оғирлашишига олиб келиши мумкин: МЖтКнинг 190-моддасига биноан фохишалик билан шуғулланиш базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлса, маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин йил давомида такроран содир этилиши базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади;

3) маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин йил давомида бир неча маротаба такроран содир этилишига қарамасдан **муайян модданинг тегишли қисми билан чегараланади: МЖтКнинг 52-моддаси 1-қисмига биноан Эҳтиётсизлик орқасида енгил тан жароҳати етказиш базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.**

Маъмурий хуқубузарликнинг субъектив томонига хуқубузарлик содир этган шахснинг ўз ҳаракатларига руҳий муносабати ҳисобланади. Субъектив томоннинг зарурий белгиси **айб** ҳисбланиб, айб ўз ўрнида қасд ёки эҳтиётсизлик кўринишларида бўлиши мумкин.

Маъмурий хуқубузарликни қасдан содир этиш МЖтКнинг 11-моддасида келтирилган бўлиб, унга кўра башарти маъмурий хуқубузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ғайрихукукий эканлигини билган бўлса, унинг зарарли оқибатларига кўзи етган, юз беришини истаган бўлса ёки бу

оқибатларнинг келиб чиқишига онгли равища йўл қўйган бўлса, бундай маъмурий хуқуқбузарлик қасдан содир этилган деб ҳисобланади.

Маъмурий хуқуқбузарликни эҳтиётсизлик орқасида содир этиш МЖтКнинг 12-моддасида келтирилган бўлиб, унга кўра башарти маъмурий хуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги зарарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан кўра билган бўлса ҳам, лекин калтабинлик билан уларнинг олдини олиш мумкин деб ўйлаган бўлса, ёхуд бундай оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўриши лозим ва мумкин бўлгани ҳолда олдиндан кўра билмаган бўлса, бундай маъмурий хуқуқбузарлик эҳтиётсизлик орқасида содир этилган деб ҳисобланади.

Маъмурий хуқуқбузарликни қасдан содир этиши икки кўринишда бўлиши мумкин:

а) тўғри қасд, яъни маъмурий хуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ғайриҳуқуқий эканлигини билади, унинг зарарли оқибатларига қўзи етади ва унинг юз беришини истайди;

б) эгри қасд, яъни маъмурий хуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ғайриҳуқуқий эканлигини билади, унинг зарарли оқибатларига қўзи етади ва бу оқибатларнинг келиб чиқишига онгли равища йўл қўяди.

Маъмурий хуқуқбузарликни эҳтиётсизлик натижасида содир этишдан айбсиз зарап келтиришини фарқлаш лозим. Айбсиз зарап келтириш жавобгарликни келтириб чиқармайди.

Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг аксарият моддаларида айб шакллари тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилмаган ҳамда маъмурий жавобгарлик айб шаклидан қатъи назар вужудга келади. Масалан, МЖтК 88-моддасига биноан қурилиш ишларини ва бошқа ишларни бажариш чоғида ёнилғи моддалар ва бинокорлик материалларини тўплаш, маҳсус техник қурилмаларсиз очик аланга олдириб уларни ёқиши, битум эритишда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик қасдан содир этилганми ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилганми, маъмурий жавобгарликка асос бўлади.

МЖтКнинг айрим моддаларида қасд тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилмаган бўлса ҳам, унинг қасдан содир этилганлиги қилмишнинг хусусиятидан келиб чиқади. Масалан, 188-моддага биноан вояга етмаган шахсни тиламчиликка, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёҳвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига, иродасига таъсир қиладиган моддалар ёки воситаларни истеъмол этишга жалб қилиш – фақат қасдан содир этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг айрим моддаларида эса айб шакллари аниқ кўрсатиб ўтилади. Масалан, 52-модданинг биринчи қисмида эҳтиётсизлик орқасида енгил тан жароҳати етказиш, иккинчи қисмида эса, қасдан енгил тан жароҳати етказиш учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

МЖтКда маъмурий хуқуқбузарликнинг *мақсад* ва *мотив* сингари факультатив белгилари ҳам назарда тутилган бўлиши мумкин. Масалан, 141-моддага биноан ҳайдовчиларнинг корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қарашли транспорт воситаларидан шахсий бойлик орттириш *мақсадида* фойдаланиши, маъмурий жавобгарликни вужудга келтиради. Бундай мақсаднинг бўлмаганлиги эса, жавобгарликка олиб келмайди. Ва аксинча, масалан, МЖтКнинг 56-моддасига биноан гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни ўтказиш *мақсадини кўзламай* оз миқдорда ғайриқонуний тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиб ёки жўнатиш – маъмурий жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Шундай қилиб, шахснинг содир этган қилмишини маъмурий хуқуқбузарлик сифатида таснифлаш учун *биринчидан*, маъмурий хуқуқбузарликнинг юридик хусусиятлари – хуқуққа хилофлилик, айбнинг мавжудлиги, жазога сазоворлиги ва иккинчидан, юридик таркиби – маъмурий хуқуқбузарликнинг обьекти ва обьектив томони, субъекти ва субъектив томони мавжуд бўлиши керак.

Маъмурий хуқуқбузарликнинг субъектини бир қанча турларга ажратиш мумкин:

- умумий субъект - жавобгарлик ёшига етган, ақли расо жисмоний шахслар;
- маҳсус субъект - мансабдор шахслар;
- алоҳида субъект - ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органларининг оддий ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар бўлиши мумкин.

Маъмурий жавобгарликка тортилиш ёши МЖтКнинг 13-моддасида 16 ёш деб белгиланган. Бундан тушунишимиз лозимки, маъмурий хуқуқбузарликни кўриб чиқаётган мансабдор шахс маъмурий хуқуқбузарлик содир этган шахс айнан 16 ёшга тўлган-тўлмаганлигини исботлаши лозим, акс ҳолда, яъни шахс 16 ёшга тўлмаган ҳолларда маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса тугатилиши лозим (МЖтК 271-моддаси 1-қисм, 2-банди). Аммо, вояга етмаган шахс деганда 18 ёшга тўлмаган шахслар тушунилади⁶. Юқоридаги қоидага қўра маъмурий жавобгарлик қонунчилигига биноан вояга етмаганлар икки турга бўлинади: маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар ва маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган 16 ёшгача

⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-263-сонли конуни – Тошкент ш., 2010 й. 29 сентябрь

бўлган вояга етмаганлар. Ҳар икки ҳолатда ҳам вояга етмаганларнинг **отаоналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар** улар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши (МЖтК 47-модда) маъмурий ҳуқуқбузарлигини содир этганликлари учун жавобгар бўладилар. Демак, 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар содир этган ҳуқуқбузарликлари учун МЖтКнинг тегишли моддаси билан, уларнинг отаоналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар эса МЖтКнинг 47-моддаси билан жавобгарликка тортиладилар. 16 ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг маъмурий жавобгарлиги мавжуд эмас, лекин уларнинг отаоналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар МЖтКнинг 47-моддаси билан жавобгарликка тортиладилар.

Шунингдек, 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг маъмурий ҳуқуқбузарликларини кўриб чиқувчи органлар бирмунча фарқ қиласди. МЖтКнинг 14-моддасида вояга етмаганларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлиги келтирилган. Ушбу модданинг биринчи қисмида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан Болалар масалалари бўйича комиссиялар тўғрисидаги низомда назарда тутилган чоралар қўлланилиши белгилаб қўйилган. 14-модданинг иккинчи қисмида вояга етмаганлар МЖтКнинг [61](#), [116¹](#), [116²](#), [116³](#), [125](#), [125¹](#), [126](#), [127](#), [128](#), [128¹](#), [128²](#), [128³](#), [128⁴](#), [128⁵](#), [128⁶](#), [129](#), [130](#), [131](#), [132](#), [133](#), [134](#), [135](#), [135¹](#), [136](#), [138](#), [183](#), [185](#), [185¹](#), [185²](#), [185³](#), [194](#), [194¹](#), [196¹](#), [209¹](#), [218](#), [220](#), [221](#)-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган тақдирда, улар умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортилади (1-жадвал). Содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусиятини ва ҳуқуқбузарнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда мазкур шахсларга нисбатан (МЖтКнинг 194, [194¹](#) ва [196¹-моддаларида](#) назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этган шахслар бундан мустасно) ишлар болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссиялари ихтиёрига берилиши мумкин, МЖтКнинг [61-моддасида](#) назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларнинг ишлари эса шу комиссияларга берилиши лозим.

1-жадвал

№	Модданинг рақами	Модданинг номи
1.	61	Оз миқдорда талон-торож қилиш
2.	116 ¹	Ҳаво кемасидан фойдаланиш вақтида лазер нурини йўналтириш орқали халақит бериш
3.	116 ²	Ўзбекистон Республикасининг самовий ҳудудидан қонунга хилоф равишда (руҳсатсиз) фойдаланиш
4.	116 ³	Авиация хавфсизлигини таъминлашга доир талабларни бузиш
5.	125	Транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш
6.	125 ¹	Юқ ташиш қоидаларини, шатакка олиш қоидаларини бузиш

7.	126	Кўзгусимон ва (ёки) туси ўзгартирилган (корайтирилган) ойнали, шунингдек теварак-атрофни кўришни чеклайдиган қопламали транспорт воситаларидан фойдаланиш
8.	127	Транспорт воситаларининг товуш чиқарувчи, ёритувчи ва бошқа қурилмаларидан фойдаланиш, уларни ўрнатиш қоидаларини бузиш
9.	128	Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини пиёдалар йўлкаларидан юргизиши, йўл белгилари ва йўл ҳаракатининг бошқа қоидалари талабларига риоя этмаслиги
10.	128 ¹	Транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланиши
11.	128 ²	Транспорт воситасини бошқариш вақтида теле-, видеодастурларни томоша қилиш мақсадида монитордан (дисплейдан) фойдаланиши
12.	128 ³	Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юбориши
13.	128 ⁴	Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг светофорнинг тақиқловчи сигналига ёки йўл ҳаракатини тартибга солувчининг тақиқловчи ишорасига бўйсунмасдан тўхташ чизигини босиб кириши ва ўтиши
14.	128 ⁵	Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг халақит бериши ёки авария ҳолатини юзага келтириши, йўлнинг қарама-қарши ҳаракатланиш учун мўлжалланган томонига ёки бўллагига чиқиши
15.	128 ⁶	Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузиши
16.	129	Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишда қатнашиши
17.	130	Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг темир йўлнинг ўтиш жойларидан ўтиш қоидаларини бузиши
18.	131	Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш
19.	132	Кема ҳайдовчиларининг кичик ҳажмли кемаларни маст ҳолда бошқариши
20.	133	Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки анча миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келиши
21.	134	Ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши транспорт воситаларининг ёки бошқа мол-мулкнинг шикастланишига олиб келиши
22.	135	Йўл ҳаракати қоидаларида назарда тутилган хужжатлари бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқариши
23.	135 ¹	Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг талабларини бузиши
24.	136	Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг мастилиги ёки маст эмаслигини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаши
25.	138	Пиёдалар ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши
26.	183	Майда безорилик
27.	185	Куролдан белгиланган тартибни бузган ҳолда фойдаланиш

28.	185 ¹	Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи
29.	185 ²	Совук қуролни ёки совук қурол сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёларни олиб юриш
30.	185 ³	Ўзбекистон Республикаси худудида фуқаровий ва хизмат куроли сифатида муомалада бўлиши тақиқланган ашёларнинг қонунга хилоф равища муомалада бўлиши
31.	194	Ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик
32.	194 ¹	Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчисининг (ходимининг) қонуний талабларини бажармаслик
33.	196 ¹	Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчисининг қонуний талабларини бажармаслик
34.	209 ¹	Вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар ходимларининг формали кийим-бошини қонунга хилоф равища кийиб юриш
35.	218	Оммавий ахборот воситалари маҳсулотларини қонунга хилоф равища тайёрлаш ва тарқатиш
36.	220	Қуролнинг ва унинг ўқ-дориларининг муомалада бўлиши қоидаларини бузиш
37.	221	Қуролни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) қоидаларини ёки унинг муомаласи соҳасидаги руҳсатномаларнинг амал қилиш муддатини узайтириш қоидаларини бузиш

Шахснинг маъмурий ҳуқуқбузарлик субъекти бўлиши учун исботланиши лозим бўлган ҳолатларнинг навбатдагиси бу **ақли расолик**дир. Агарда ҳолат юзасидан шахснинг ақли норасолиги аниқланган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса тугатилиши лозим (МЖтК 271-моддаси 1-қисм, 3-банди). МЖтКда ақли расолик таъриф берилмаган, аммо *ақли норасолик* - ғайрихуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этган вақтида ақли норасолик ҳолатида бўлган шахс, яъни руҳий ҳолатининг сурункали ёки вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёхуд бошқа хил касаллик оқибатида ўз ҳаракатининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини идрок эта олмаслик ёки бошқара олмаслик тушунилади (МЖтК 20-модда). Ушбу таърифдан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш вақтида ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини англаган ва уларни бошқара олган шахс ақли расо шахсадир.

Жисмоний шахс тушунчасига тўхталадиган бўлсак, ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиси бўлган алоҳида фуқаро (чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар)ни ифодаловчи тушунча. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги кодекснинг 17-моддасида ёритилган бўлиб, унга кўра: “Ўзбекистон Республикаси худудида бўлган ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортилишлари лозим.

Иммунитетга эга бўлган шахсларга нисбатан МЖтКнинг Ўзбекистон Республикаси қатнашчи бўлган халқаро шартномалар ва битимларга зид бўлмаган қисми қўлланилади”.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун хужжатларида хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги ҳам назарда тутилган. Бу тоифадаги шахслар маъмурий ҳуқуқбузарлик субъектларининг қайси гуруҳига киради, деган савол вужудга келиши мумкин. Агар, хорижий фуқаролар дипломатик иммунитет ҳуқуқидан фойдаланмаса, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сингари умумий асосларда жавобгарликка тортилади. Агар, бундай ҳуқуққа эга бўлса, уларнинг жавобгарлик масаласи халқаро шартномаларда (ёки давлатлар ўртасида тузилган халқаро битимларда) назарда тутилган тартибда ҳал қилинади. Демак, улар маъмурий ҳуқуқбузарликнинг ҳам умумий субъекти, ҳам маҳсус субъекти сифатида намоён бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун хужжатлари хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга қаратилган жавобгарликни назарда тутган бўлиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 225-моддасида Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш, яъни Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшashi, вақтинча ёки доимий рўйхатга туриш, кўчиш ёки турар жой танлаш юзасидан белгиланган тартибга риоя этмаслиги, бўлиш муддати тугагач чиқиб кетишдан бўйин товлаши, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ҳудуди орқали транзит тарзда ўтиш тартибига риоя қилмаслиги учун хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги назарда тутилган.

Мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги МЖтКнинг 15-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра *mansabdar shahslar* бошқарув тартибини, давлат ва жамоат тартибини сақлаш, табиий муҳитни, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида белгиланган қоидаларга ва бажарилишини таъминлаш ўз хизмат вазифаларига кирадиган бошқа қоидаларга риоя этмаганлик билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилишлари лозим. Мансабдор шахс тушунчasi эса - доимий, вақтинча ёки маҳсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахсадир.

Ҳарбий хизматчилар ва интизом уставлари татбиқ этиладиган бошқа шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги МЖтКнинг 16-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар, шунингдек ички ишлар органларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар маъмурий ҳуқуқбузарлик учун интизом уставларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Юқорида келтирилган шахслар қўйидаги турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганликлари учун умумий асосларда (жисмоний шахс сифатида) жавобгар бўладилар:

1. ижро ҳужжатини ижро этмаслик (МЖтК 198¹-моддаси);
2. суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш (МЖтК 198²-моддаси);
3. йўл ҳаракати қоидаларини бузиш (МЖтК 123-142-моддаси);
4. ов қилиш қоидаларини бузиш (МЖтК 90-моддаси);
5. балиқ тутиш қоидаларини бузиш (МЖтК 90-моддаси);
6. балиқ захираларини сақлаш қоидаларини бузиш (МЖтК 90-моддаси);
7. божхона қоидаларини бузиш (МЖтК 227-227²⁷-моддаси).

Юқорида кўрсатилган шахсларга нисбатан маъмурий қамоқقا олиш чоралари қўлланилиши мумкин эмас. Муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчиларига эса *жарима солинии* мумкин эмас.

Ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар, шунингдек ички ишлар органларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига кирмайдиган, интизом уставлари ёки интизом тўғрисидаги маҳсус қоидалар татбиқ этиладиган бошқа шахслар, ана шу устав ёки қоидаларда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳолларда, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун интизомий жавобгар бўладилар, бошқа ҳолларда эса умумий асосларда маъмурий жавобгар бўладилар.

2.3. Маъмурий жавобгарликни истисно этувчи ҳолатлар

Маъмурий жавобгарликни истисно этувчи ҳолатлар деганда, шахс ҳаракатларида МЖтКда назарда тутилган аломатлар расмий жиҳатдан мавжуд бўлса-да, лекин уларнинг ғайриҳуқуқий ёки айбли бўлмаслиги тушунилади.

Қонун чиқарувчи кодекс умумий қисмида маъмурий жавобгарликни истисно этувчи ҳолатларнинг қўйидаги турларини белгилайди:

1. зарурий мудофаа (МЖтК 18-модда);
2. охирги зарурат (МЖтК 19-модда);
3. ақли норасолик (МЖтК 20-модда);

4. ҳуқуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли маъмурий жавобгарликдан озод қилиш (МЖтК 21-модда);

5. жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш (МЖтК 21¹-модда);

6. ярашилганлиги муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод қилиш (МЖтК 21²-модда).

Зарурый мудофаа деганда, МЖтКда ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик белгиловчи бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган, лекин шахсни ёки мудофааланувчининг ёхуд бошқа шахснинг ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини ғайриҳуқуқий тажовузлардан шундай тажовуз қилаётган шахсга зарар етказиш йўли билан ҳимоя қилиш вақтида, башарти бунда зарурый мудофаа чегарасидан чиқиб кетилишига йўл қўйилмаган бўлса, содир этилган ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 2-моддасида белгиланишига кўра, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, шунингдек бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 59-моддасида «Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар» дейилади. Зарурый мудофаа ҳолатида қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга қилинган тажовузлардан уларни ҳимоя қилиш фуқароларнинг бурчидир. Шунингдек, Конституциянинг 31-моддасида ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оиласвий сирга эга бўлиш, ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланади. Шунга кўра, мудофааланувчининг ёки бошқа кишининг шахси ёки ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини зарурый мудофаа ҳолатида ҳимоя қилиш чоғида тажовузчига зарар етказилса, агар мудофааланувчи зарурый мудофаа чегарасидан чиқмаган бўлса маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланмайди.

Зарурый мудофаа ҳуқуқи барчага бирдай тегишлидир. Ҳар бир шахс у ким бўлиши, қандай вазифани бажариши, қандай мансабни эгаллаб турганлигидан қатъи назар, ўзини, бошқа кишининг шахси ёки ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини қонунга хилоф тажовузлардан зарурый мудофаа актини қўллаб ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадир. Шунга кўра, зарурый мудофаа ҳуқуқи ички ишлар органлари ходимларига, жазони ижро этиш муассасаларининг ходимларига,

ҳарбий хизматчиларга ва бошқа махсус вазифаларни бажарувчи шахсларга ҳам тегишилдири.

Ижтимоий хавфли тажовуз жиной ҳаракат бўлиши ёки жиноят ҳисобланмаган ижтимоий хавфли қилмиш бўлиши мумкин. Ақли норасо ёки жиноят субъекти ёшига етмаган шахсларнинг тажовузи ижтимоий хавфли ҳисобланади, аммо жиноят ҳисобланмайди. Уларнинг ижтимоий хавфли қилмишларига ҳам зарурий мудофаа актини қўллаш мумкин.

Охирги зарурат деганда, МЖТКда ёки бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган, хуқуqlарга ҳамда қонун билан ҳимоя этиладиган манфаатларга зарар етказган, охирги зарурат ҳолатида, яъни шахсга ёки мазкур шахснинг ёхуд бошқа шахснинг хуқуqlарига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид этаётган хавфни, башарти бу хавфни ўша ҳолатда бошқача чоралар билан бартараф этиб бўлмаса ҳамда етказилган зарар олди олинган зааррга қараганда камроқ бўлса, бартараф этиш учун содир этилган ҳаракатлар маъмурий хуқуқбузарлик деб ҳисобланмайди. Охирги заруратда шахс аниқ содир бўлган хавфни бартараф қилиш учун қонун билан қўриқланадиган бошқа ижтимоий муносабатга зарар етказади.

Масалан, кўп қаватли уйнинг хоналаридан бирида ёнгин содир бўлиб, ушбу ёнгинни ўчириш учун қўшни оиланинг балконидаги деразани синдириб кириб ўчириш имконияти бўлганлиги учун, ўт ўчирувчилар ёнгин содир бўлган оиланинг қўшнисининг балкони деразасини синдириб кирадилар ва ёнгиннинг бошқа хоналарга ҳам тарқалиб кетишининг олди олинади. Бундай ҳолда зарар ёнгин содир бўлган оиласа эмас, балки қўшнисининг мулкига зарар етказилди, яъни учинчи шахснинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига зарар етказилди.

Охирги заруратни қўллаш асослари. Ҳар қандай хавф, табиий оғат (ёнгин, сел, ер қимирилаш), ишлаб турган машина ва механизmlар, турли қурилмалар, қисқаси ҳар қандай хавф манбаи, инсонлар ҳаёти, соғлиғи, хуқуqlарига, жамият ва давлат манфаатларига хавф туғдириб туради. Ана шундай хавф аниқ юз беганда, бу хавфни бартараф қилиш учун зарурий чора сифатида охирги зарурат чораси қўлланиши мумкин. Хавф манбаи очлик, ташналик, қаттиқ совуқ, оғир касаллик ва ҳоказолар ҳам бўлиши мумкин.

Ғайрихуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этган вақтида *ақли норасолик* ҳолатида бўлган шахс, яъни руҳий ҳолатининг сурункали ёки вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёхуд бошқа хил касаллик оқибатида ўз ҳаракатининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини идрок эта олмаган ёки бошқара олмаган шахс маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.



Содир этилган маъмурий хукуқбузарлик **кам аҳамиятли** бўлган тақдирда, суд хукуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, уни **огоҳлантириши** билан кифояланиши мумкин. Демак, **огоҳлантириш қўллаш фақатгина суднинг вақолат доирасида**, бошқа барча органлар (профилактика инспекторлари ҳам) огоҳлантириш қўллаш ваколатига эга эмас. Агар профилактика инспектори содир этилган маъмурий хукуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги ҳақида хulosага келса, иш хукуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги масалани ҳал этиш учун МЖтКнинг 308¹-моддасида белгиланган тартибда маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги иш хукуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги сабабли хукуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги тақдимнома билан судга юборилади.

Жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд шундай мажбурлашни қўллаш билан қўрқитиш натижасида МЖтК билан қўриқланадиган ҳукуқ ва манфаатларга зарар етказган шахс, агар бундай мажбурлаш ёки қўрқитиш натижасида шахс ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) бошқара олмаган бўлса, маъмурий жавобгарликка тортилмайди.

МЖтК билан қўриқланадиган ҳукуқ ва манфаатларга жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд шундай мажбурлашни қўллаш билан қўрқитиш натижасида зарар етказганлик учун маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги масала, агар бундай мажбурлаш ёки қўрқитиш оқибатида шахс ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) бошқариш имкониятини сақлаб қолган бўлса, охирги зарурат қоидалари инобатга олинган ҳолда ҳал этилади.

Маъмурий ярашув. МЖтКнинг 40-моддасида (туҳмат), 41-моддасида (ҳақорат қилиш), 45-моддасида (фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш), 46-моддасида (фуқарога маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш), 46¹-моддасида (шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш), 52-моддасида (енгил тан жароҳати етказиш), 61²-моддасида (мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш), 104-моддасида (экинзорларни пайхон қилиш, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказиш ёки уни йўқ қилиб юбориш, қўчатларга шикаст етказиш), 133-моддасида (транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки анча микдорда моддий зарар етказилишига олиб келиши), 134-моддасида (ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши транспорт воситаларининг ёки бошқа мол-мулкнинг шикастланишига олиб келиши), 183-моддасида (майда безорилик) ҳамда 200-моддасида (ўзбошимчалик) назарда тутилган маъмурий хукуқбузарликларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва

етказилган заарни бартараф этса, маъмурий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўриб чиқувчи орган (мансадор шахс) тарафларнинг ярашуви муносабати билан ишни судга юбориш тўғрисида қарор чиқаради ва маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги масалани ҳал этиш учун иш материалларини МЖтКнинг 313¹-моддасида белгиланган тартибда судга юборади.

Юқорида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни бир йил ичida такроран содир этган шахс томонларнинг ярашуви муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод қилинмайди.

2.4. Маъмурий жазо чоралари

Маъмурий жазо – мақсадига кўра маъмурий мажбуров чораларининг бир тури ҳисобланади. Маъмурий жазо – маъмурий мажбуровнинг бошқа чораларидан фарқли равишда ҳуқуқбузар томонидан маъмурий қонун ҳужжатлари билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга тажовуз қилинганда, яъни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилгандагина қўлланиладиган ўзига хос мақсадга эга бўлган жазо санкциялари бўлиб, маъмурий-процессуал тартибда амалга оширилади.

Маъмурий жазо – Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, маъмурий мажбуровнинг бошқа чоралари эса турли меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 22-моддасида маъмурий жазонинг мақсади тўлиқ ўз ифодасини топган ва унга кўра маъмурий жазо жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Шу боис жазолаш – маъмурий жазонинг асосий мақсади эмас, балки ҳуқуқбузарликни содир этган шахсни Конституция ва қонунларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, ушбу шахснинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуққа хилоф қилмишларнинг содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Шу билан бирга, маъмурий жазо, маълум бир мънода, жиноятларнинг профилактикасига ҳам хизмат қиласди.

Маъмурий жазо – маъмурий қонунчиликка асосан, ҳуқуқбузарлик содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан ваколатли орган

мансадбор шахс томонидан қўлланадиган ва хукуқбузарни қонунда назарда тутилган муайян хукуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни вақтинча чеклашдан иборат мажбуров чораси бўлса-да хукуқбузарни қийноққа солиш, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазиикқа дучор этиш мақсадини кўзламайди.

Маъмурий хукуқбузарлик содир этганлик учун МЖтКнинг 23 моддасига асосан қуидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

- 1) жарима;
- 2) маъмурий хукуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш;
- 3) маъмурий хукуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;
- 4) муайян шахсни унга берилган маҳсус хукуқдан (транспорт воситасини бошқариш хукуқидан, ов қилиш хукуқидан) маҳрум этиш;
- 5) ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равища жалб этиш;
- 6) маъмурий қамоққа олиш;
- 7) чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси худудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш.

T/p	Асосий маъмурий жазо чоралари	Ҳам асосий ҳам қўшимча маъмурий жазо чоралари
1.	жарима	ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш
2.	ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равища жалб этиш	мусодара қилиш
3.	маъмурий қамоққа олиш	маҳсус хукуқдан маҳрум этиш
4.	чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси худудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш	

Конун чиқарувчи маъмурий жазо чораларини икки турга бўлиб, юқоридаги жадвалнинг биринчи устунида келтирилганлар фақат асосий жазо сифатида қўлланилиши мумкин, иккинчи устунда келтирилган маъмурий жазолар эса ҳам асосий ҳам қўшимча жазо сифатида қўлланилиши мумкин. Яъни, ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш, мусодара қилиш, маҳсус хукуқдан маҳрум этиш каби

жазолар асосий жазо сифатида якка ўзи қўлланилиши ҳам мумкин, қўшимча жазо сифатида бошқа жазоларга қўшимча сифатида қўлланилиши мумкин.

Юқорида санаб ўтилган маъмурий жазо чораларидан фақатгина жарима профилактика инспекторлари томонидан қўлланилиши мумкин. Умуман олганда қолган барча жазолар (жаримани инобатга олган ҳолда)ни қўллаш ваколати судга берилган. Қонун чиқарувчи жаримага қўйидагича таъриф беради:



Жарима маъмурий ҳукуқбузарлик содир этишда айбордor шахсдан давлат ҳисобига пул ундиришdir (*МЖтК 25-моддаси*).

Жариманинг миқдори маъмурий ҳукуқбузарлик содир этилган вақтдаги, давом этаётган маъмурий ҳукуқбузарлик учун эса бу ҳукуқбузарлик аниқланган вақтдаги белгилаб қўйилган базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Базавий ҳисоблаш миқдори (2019 йилгача — Иш ҳақи минимуми, базавий ҳисоблаш миқдори) — мулкчилик шаклларидан қатъи назар мамлакатдаги барча корхоналар, ташкилотларда меҳнатга тўланадиган ҳақнинг давлат томонидан расмий белгиланган энг кам миқдори. Ойлик иш ҳақи минимуми ставкалари ёки соатбай ҳақ шаклларида жорий этилади. Ўзининг иқтисодий-ижтимоий мазмунига кўра, Иш ҳақи минимуми инсоннинг муносиб турмуш даражасининг энг қўйи чегарасини белгилайди⁷.

Жарима солиш обьектларига кўра, 2 турга бўлинади: фуқароларга (жисмоний шахсларга) ва мансабдор шахсларга солинадиган жарималар, улар миқдорига кўра фарқланади.

Фуқароларга солинадиган жариманинг энг кам миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг элликдан бир қисмидан, мансабдор шахсларга эса — ўндан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак. Кодекс махсус қисмида келтирилган маъмурий ҳукуқбузарликларнинг санкциясида базавий ҳисоблаш миқдорининг элликдан бир варавари миқдоридаги жарима мавжуд эмас. Умуман олганда энг кам жарима миқдори йигирмадан бир баравар бўлиб, ушбу жарима “Темир йўлларни белгиланмаган жойлардан кесиб ўтиш (МЖтК 113-моддаси 4-қисми)” учун қўлланилиши белгиланган.

Жариманинг энг кам миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг элликдан бир қисми МЖтКнинг 33-моддасида келтирилган қўйидаги қоидага кўра фақат суд томонидан қўлланилиши мумкин:

Суд маъмурий жазо чорасини қўллаётганда жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳукуқбузарнинг моддий ахволини инобатга олган ҳолда сабаблар ва асосларни албатта кўрсатиб, МЖтКнинг Махсус

⁷ https://uz.wikipedia.org/wiki/Bazaviy_hisoblash_miqdori

қисмидаги моддаларнинг санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жазо ёки ушбу моддада назарда тутилмаган бошқа янада енгил жазо чорасини қўллаши мумкин. Бу ҳақда кейинги параграфда батафсил ёритилади.

МЖтКнинг 25-моддаси 4-қисмига асосан фуқаро ва хизматчиларга солинадиган жариманинг энг қўп миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ошмаслиги керак. Баъзи ҳуқуқбузарликлар учун яъни “Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш (189-модда)” ва “Тазиёкни, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш (189¹-модда)” каби ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз эллик бараваригача миқдорда жарима солиниши мумкин.

Агар фуқаро ўзи содир этган ҳуқуқбузарлик фактига эътиroz билдиrmаса ҳамда унга жойнинг ўзида солинадиган жариманинг миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг иккidan бир қисми (яъни базавий ҳисоблаш миқдорининг teng ярми)дан ошмаса маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмайди (МЖтК 283-моддаси). Ушбу қоида йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши тўғрисидаги ишлар юзасидан фақат МЖтК 138-моддасининг қўйидаги қисмларида назарда тутилган ҳолларда татбиқ этилади:

биринчи қисми, пиёдаларнинг йўл ҳаракатини тартибга соловчи сигналларга бўйсунмаслиги, уларнинг йўлнинг ҳаракат қисмини белгиланмаган жойлардан кесиб ўтиши, пиёдалар йўлнинг қатнов қисмida, шу жумладан пиёдалар ўтиш жойида ҳаракатланаётганда телефондан фойдаланиши, китобларни ёки даврий нашрларни ўқиши, видеоматериалларни томоша қилиши ҳамда аудиоматериалларни эшлиши, шунингдек эътиборни чалғитадиган бошқа электрон воситалардан фойдаланиши, шунингдек мопед ва велосипед ҳайдовчиларининг, уловли аравани бошқариб борувчи ва йўлдан фойдаланувчи бошқа шахсларнинг йўл ҳаракатини тартибга соловчи сигналларга бўйсунмаслиги, устунлик берувчи, тақиқловчи ёки кўрсатма берувчи йўл белгилари талабларига риоя этмаслиги;

иккинчи қисми, ҳайдовчиларга ҳар хил хизмат қўрсатиш мақсадида йўлнинг қатнов қисмida фуқароларнинг туриши, йўлларга ажратилган минтақа теграсида мол боқиши;

учинчи қисми, биринчи ёки иккинчи қисмida кўрсатилган шахсларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши авария ҳолатини вужудга келтирса.

Демак, қўйидаги асослар мавжуд бўлганда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмайди:

1. фуқаро ўзи содир этган ҳуқуқбузарлик фактига эътиroz билдиrmас;

2. унга жойнинг ўзида солинадиган жариманинг миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг иккidan бир қисми (яъни базавий ҳисоблаш миқдорининг тенг ярми)дан ошмаса.

Профилактика инспекторлари ваколатига кирувчи маъмурий хуқуқбузарликлардан қуидагиларига ушбу қоида тадбиқ этилиши мумкин:

№	Хуқуқ нормасининг рақами	Хуқуқ нормасининг номи
1.	56 ¹ -модда	Жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш (базавий ҳисоблаш миқдорининг учдан бир қисми миқдорида)
2.	110-модда 1-қисми	Ит ва мушук боқиши қоидаларини бузиш (фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўндан бир қисмидан иккidan бир қисмигача)
3.	113-моддаси 2-қисми	Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш (базавий ҳисоблаш миқдорининг бешдан бир қисмидан иккidan бир қисмигача миқдорда)
4.	113-моддаси 4-қисми	Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш (базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирмадан бир қисми миқдорида)
5.	122-моддаси 1-қисми	Тамаки маҳсулотини транспортда белгиланмаган жойларда истеъмол қилиш (базавий ҳисоблаш миқдорининг учдан бир қисми миқдорида)
6.	123-модда	Транспорт воситаларидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш (базавий ҳисоблаш миқдорининг иккidan бир қисми миқдорида)
7.	148-модда	Темир йўллар ва автомобиль йўллари учун ажратилган минтақаларни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш - ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёққанлик, тахта тўшамали кўприкларда чекканлик учун (фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг тўртдан бир қисмидан иккidan бир қисмигача)
8.	187-модда 1-қисми	Жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш (базавий ҳисоблаш миқдорининг иккidan бир қисми миқдорида)
9.	192-модда 1-қисми	Маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш (фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг учдан бир қисми)
10.	221-модда	Куролни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) қоидаларини ёки унинг муомаласи соҳасидаги руҳсатномаларнинг амал қилиш муддатини узайтириш қоидаларини бузиш (базавий ҳисоблаш миқдорининг ўндан бир қисмидан иккidan бир қисмигача миқдорда)

Жарима тўлаганлиги тўғрисида айбдорга белгиланган шаклдаги **квитанция** берилиши лозим.

Башарти фуқаро ўзига солинадиган жаримага эътиroz билдиrsa, у ҳолда МЖТКнинг 279-моддасига мувофиқ маъмурий хуқуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисидаги баённома ваколатли мансабдор шахс томонидан тузилади.

2.5. Маъмурий жазонинг қўлланилиши

Маъмурий ҳукуқбузарлик учун жазо МЖТК ва бошқа норматив ҳужжатларда белгилаб кўйилган доирада ва тартибда қўлланилади (МЖТК 30-модда).

Профилактика инспекторлари томонидан ваколат доирасидаги маъмурий ҳукуқбузарликлар бўйича жазо қўллаш чоғида қўйидагиларни ҳисобга олишлари лозим:

- содир этилган ҳукуқбузарлик хусусияти;
- ҳукуқбузарнинг шахси, унинг айборлик даражаси, мулкий аҳволи;
- жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар.

Кодекснинг 31-моддасига асосан маъмурий жавобгарликни **енгиллаштирувчи** ҳолатларга қўйидагилар киради:

- 1) айборнинг ўз қилмишидан чин қўнгилдан пушаймон бўлиши;
- 2) айборнинг ҳукуқбузарликнинг заарли оқибатлари олдини олиши, етказилган зиённи ихтиёрий равишда тўлаши ёки келтирилган заарни бартараф қилиши;
- 3) ҳукуқбузарликнинг кучли руҳий ҳаяжон таъсири остида ёки оғир шахсий, оиласиий ёхуд бошқа шароитлар юзага келганлиги оқибатида содир этилиши;
- 4) ҳукуқбузарликнинг таҳдид ёки мажбурлов таъсирида ёхуд хизмат юзасидан, моддий ёки бошқа жихатдан қарамлиги таъсири остида содир этилиши;
- 5) ҳукуқбузарликнинг вояга етмаган (18 ёшга тўлмаган) шахс томонидан содир этилиши;
- 6) ҳукуқбузарликнинг ҳомиладор аёл ёки ўн тўрт ёшгача бўлган боласини якка ўзи тарбиялаётган шахс томонидан содир этилиши.

Профилактика инспекторлари маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўриб чиқиши чоғида бошқа ҳолатларни ҳам жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин.

Маъмурий жавобгарликни **оғирлаштирувчи** ҳолатлар жумласига эса қўйидагилар киради (МЖТКнинг 32-моддаси):

- 1) ғайриҳукуқий ҳаракатларни тўхтатиш ваколати бор шахслар томонидан кўйилган талабга қарамай, бундай ҳаракатларни давом эттириш;
- 2) маъмурий жазо чорасига тортилган шахснинг бир йил мобайнида яна ўша хилдаги ҳукуқбузарликни содир этиши, худди шунингдек ҳукуқбузарликнинг илгари судланган шахс томонидан содир этилиши;

- 3) вояга етмаган шахсни хуқуқбузарликка жалб этиш;
- 4) хуқуқбузарликнинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиши;
- 5) хуқуқбузарликнинг табиий оғат шароитида ёки бошқа фавқулодда ҳолатларда содир этилиши;
- 6) хуқуқбузарликнинг маст ҳолда содир этилиши.

Профилактика инспекторлари маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиши чоғида содир этилган маъмурий хуқуқбузарликнинг хусусиятига қараб мазкур ҳолатни айни оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги мумкин. Бундан ташқари юқорида келтирилган ҳолатлардан бошқа ҳолатларни оғирлаштирувчи ҳолат деб топиш мумкин эмас.

Мисол тариқасида МЖТКнинг 47-моддаси биринчи қисмида белгиланган “Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик” маъмурий хуқуқбузарлигини олайлик унга кўра:

“Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан вояга етмаган болаларнинг маъмурий хуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши — базавий ҳисоблаш миқдорининг **бир бараваридан беш бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади”.

Ушбу хуқуқбузарлик профилактика инспекторлари ваколатига кирувчи маъмурий хуқуқбузарликлар қаторига киради (МЖТК 248-моддаси 2-к., 4-б.). Унинг санкция қисмида белгиланган жазо чораси миқдорига эътиборимизни қаратсан профилактика инспекторлари жаримани базавий ҳисоблаш миқдорининг **бир бараваридан беш баравари** оралиғидаги ҳар қандай жарима миқдорини қўллашлари мумкин. Жарима жазосини қўллашда адолатли қарор қабул қилиш учун эса юқоридаги оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар инобатга олинниши лозим.

Албатта, хуқуқ нормасининг санкциясида **назарда тутилган жазодан ҳам енгилроқ жазо қўлланилиши мумкин, аммо, ушбу ваколат фақатгина судга берилган** бўлиб, профилактика инспекторлари жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва хуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда, енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун ишни МЖТКнинг 308¹-моддасида белгиланган тартибда маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва хуқуқбузарнинг моддий аҳволини инобатга олган ҳолда енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимнома билан судга юборилади.

Хуқуқбузарликнинг енгиллаштирувчи ҳолатларни ва хуқуқбузарнинг моддий ахволини инобатга олган ҳолда енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги тақдимномада шахснинг маъмурий жавобгарликдан озод қилиниши ёки унга нисбатан енгилроқ маъмурий жазо чораси қўллаш кераклигининг сабаблари ва асослари баён этилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 34-моддасида бир неча хуқуқбузарликни содир этганлик учун маъмурий жазо қўлланилиши тартиби белгиланган бўлиб, ушбу модданинг биринчи қисми асосан:

“Битта шахс икки ёки ундан ортиқ маъмурий хуқуқбузарлик содир этган тақдирда, маъмурий жазо ҳар бир хуқуқбузарлик учун алоҳида-алоҳида қўлланилади”.

Аммо ушбу модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмунга эга:


“Башарти шахс бир неча маъмурий хуқуқбузарлик содир этган бўлиб, шу ҳақдаги ишлар бир вақтнинг ўзида айни бир орган (мансадбор шахс) томонидан кўриб чиқилаётган бўлса, бу шахсга нисбатан қўлланиладиган узил-кесил жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санкция доирасида қўлланилади”.

Демак, бир шахс томонидан -

1. Жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш (базавий ҳисоблаш миқдорининг учдан бир қисми миқдорида жарима);

2. Шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш (фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача);

3. Жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш (базавий ҳисоблаш миқдорининг иккidan бир қисми миқдорида жарима) каби хуқуқбузарликлар содир этилган бўлса ҳамда ушбу хуқуқбузарликлар бир вақтнинг ўзида *профилактика инспектори* томонидан кўриб чиқилаётган бўлса, у ҳолда шахсга нисбатан қўлланиладиган узил-кесил жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санкция, яъни шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш маъмурий хуқуқбузарлиги учун белгиланган жазо базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача жарима миқдорида қўлланилади.



161-модда (базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача жарима)

Бунда маъмурий баённома (электрон планшет)га ҳар бир маъмурий хуқуқбузарлик кетма-кет, бирга жазоси оғиридан енгилига қараб киритилади, жазо тайинлашда эса оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи маъмурий хуқуқбузарлик учун белгиланган жарима тайинланади (электрон планшет

автоматик тарзда биринчи киритилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун белгиланган жаримани тайинлайди).

МЖтК 34-моддасининг 3-қисмига асосан башарти шахс МЖтКнинг Махсус қисмидаги бир неча модда билан маъмурий жавобгарлик белгиланган ва улар тўғрисидаги ишларни ҳар хил орган (мансабдор шахс) кўрадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этган бўлса, унга нисбатан жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санкция доирасида қўлланилади.

Демак, бир шахс томонидан:

1. Профилактика инспекторининг тўғридан-тўғри ваколатига кирувчи “Жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш” (базавий ҳисоблаш миқдорининг иккidan бир қисми миқдорида жарима);

2. Суднинг ваколатига тегишли бўлган “Майда безорилик” (базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоқ) каби ҳуқуқбузарликлар содир этилган бўлса ҳамда ушбу ҳуқуқбузарликлар бир вақтнинг ўзида содир этилган бўлса, у ҳолда профилактика инспектори “Майда безорилик” учун юритиладиган йиғма жилдида ўз ваколатига кирувчи ҳуқуқбузарликини ҳам кўшиб юритиб кўриб чиқиб жазо қўллаш учун судга тақдим этади, **суд** эса шахсга нисбатан қўлланиладиган узил-кесил жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санкция, яъни *майда безорилик* маъмурий ҳуқуқбузарлиги учун белгиланган жазо базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоқ қўллайди.

Башарти шахс МЖтКнинг Махсус қисмидаги тегишли модда билан маъмурий жавобгарлик назарда тутилган ҳаракатни (ҳаракатсизликни) вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилган ҳолда (МЖтКнинг 188¹-моддаси) содир этган бўлса, иш материаллари кўриб чиқиш учун судга топширилади (МЖтК 34-м. 4-қ.). Ушбу ҳуқуқ нормаси мазмунидан келиб чиқиб, хulosha қилишимиз мумкинки, шахс томонидан профилактика инспекторлари ваколатига кирувчи ҳуқуқбузарликларни ёки бошқа ҳуқуқбузарликларни ҳам вояга етмаган шахсни жалб қилган ҳолда содир этилса профилактика инспектори томонидан тегишли ҳуқуқбузарлик ва “Вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилиш” ҳуқуқбузарлиги бўйича йиғма жилд юритилади ҳамда тўпланган иш материаллари кўриб чиқиб жазо қўллаш учун судга юборилади.

Маъмурий жазо қўллаш муддатлари деганда, МЖтКнинг 36-моддасига асосан маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса, ҳуқуқбузарлик аникланган кундан бошлаб *бир йилдан кечиктирмай* қўлланилиши мумкин. Афсуски, “Жазо қўллаш” тушунчаси ҳар ким томонидан ҳар хил талқин қилинмоқда. Айрим фуқаролар

жазо қўллаш учун белгиланган бир йил муддатни “агар бир йил ичида белгиланган жаримани тўламаса демак умуман тўламаса ҳам бўлаверади” деб талқин қилишмоқда. Ушбу ҳуқуқ нормасида белгиланган “бир йилдан кечикирмай қўлланилиши мумкин” дегани бу маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган қундан бошлаб ҳуқуқбузарликни қўриб чиқувчи мансабдор шахс ҳуқуқбузарга бир йил ичида жазо тайинлаши лозимлигини анлатади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тугатилган бўлса-ю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида, агар юқорида назарда тутилган бир йиллик муддат ўтмаган бўлса, қарор қабул қилинган қундан эътиборан бир ойдан кечикирмай қўлланилиши мумкин эканлиги белгиланган.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс иш қўриб чиқилиб жазо қўллангандан сўнг МЖтКнинг муайян моддаси бўйича судланган (жавобгарликка тортилган ҳисобланади) бу эса ўз ўрнида навбатдаги ҳуқуқбузарликни содир этган тақдирда оғирлиштирувчи ҳолат бўлиши каби ҳуқуқий оқибатни келтириб чиқаради. Хўш ушбу ҳолат бутунлайми ёки муайян вақт билан чегараланганди?

МЖтКнинг 37-моддасига асосан башарти маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган қундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади. Демак шахс қўлланилган жазони амалда ўтаб бўлганидан сўнг (жарима тўлангандан, маъмурий қамоқ муддатини ўтаб чиққандан сўнг) бир йил давомида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаса у маъмурий жазога тортилмаган ҳисобланади. Аммо, шахс бир йил давомида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этса, муддатлар ўтиши узилади ва янги ҳуқуқбузарлик учун тайинланган жазони ўтаб бўлгандан сўнг янгитдан бир йиллик муддат қайта тикланади.

Етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини юклаш (МЖтК 38-модда). Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида келтирилган зарарни қоплаши шарт.

Башарти маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш оқибатида жисмоний шахсга, корхона, муассаса, ташкилотга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки давлатга етказилган мулкий зарар белгилаб қўйилган базавий ҳисоблаш миқдоридан кўп бўлмаса, орган (mansabдор шахс) жазо қўлланиш пайтида айбдор бу зарарни қоплаши тўғрисидаги масалани ҳам ҳал этишга ҳақлидир, жиноят ишлари бўйича суд эса — бу масалани етказилган зарар миқдоридан қатъи назар ҳал қиласкеради.

Бошқа ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган мулкий зарарни қоплаш фуқаролик-хуқуқий тартибида ҳал қилинади.

Назорат учун савол ва топширикълар

1. *Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда нимани тушунасиз?*
2. *Маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби ва унинг элементлари?*
3. *Жамоат жойлари деганда нимани тушунасиз ва у ерга қаерлар киради?*
4. *Вояга етмаган шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги?*
5. *Ҳарбий хизматчилар ва интизом уставлари татбиқ этиладиган бошқа шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги?*
6. *Маъмурий жавобгарликни истисно этувчи ҳолатлар тушунчаси ва турлари?*
7. *Маъмурий жазо тушунчаси ва турлари?*
8. *Маъмурий жазонинг қўлланилиши, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар?*

III боб. Профилактика инспекторлари томонидан маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишнинг ўзига хос ҳусусиятлари

3.1. Умумий қоидалар

Маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш вазифалари МЖТКнинг 269-моддасида белгиланган бўлиб, улар қуидагилардан иборат:

- ҳар бир ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама, тўла ва объектив равиша аниқлаб чиқиш;
- бу ишни қонунчиликка мувофиқ ҳолда ҳал этиш;
- чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлаш;
- маъмурий хуқуқбузарлик содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни аниқлаш;
- хуқуқбузарликларнинг олдини олиш;
- фуқароларни Ўзбекистон Республикаси **Конституцияси** ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялаш;
- қонунийликни мустаҳкамлаш.

Маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ишда иштирок этувчи шахслар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар, ишни кўриб чиқиш жараёнида орган (мансабдор шахс) томонидан талаб қилиб олинган ҳужжатлар, шунингдек қоғозда расмийлаштирилган ҳужжатлар асосида шакллантирилади. Маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар электрон шаклда шакллантирилиши мумкин. Маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар электрон шаклда шакллантирилганда ишда иштирок этувчи шахслар органга (мансабдор шахсга) ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этишга ҳақли. Ишлар электрон шаклда шакллантирилганда ишда иштирок этувчи шахслар томонидан судга тақдим этилган ёзма ҳужжатлар ишга электрон шаклда қўшиб қўйилади, шундан сўнг ёзма ҳужжатлар уларни тақдим этган шахсларга қайтарилади.

Маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар электрон шаклда шакллантирилган тақдирда, орган (мансабдор шахс) томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар тегишинча органнинг мажлисида раислик қилувчининг ва котибнинг ёки ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади. Маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни электрон шаклда бошқа органга топшириш ахборот тизими орқали амалга оширилади. Маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги электрон шаклда шакллантирилган ишларнинг қоғоздаги кўчирма нусхалари бўлиши мумкин.

МЖТКга мувофиқ хуқуқбузар тўғрисидаги маълумотлар планшет орқали хуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида ёки компьютерда реал вақт режимида «E-muriy ish» тизимидан фойдаланган ҳолда маъмурий баённома

ёки маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорга киритилади. Маъмурий ишларни электрон юритиш Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ва бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 июлдаги 431-сон қарорига асосан қабул қилинган “Маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисида ягона электрон иш юритув тизими орқали маъмурий хуқуқбузарликка оид ишларни юритиш тартиби ҳақида”ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишида иштирок этувчи шахслар МЖтКда белгиланган тартибда ва муддатларда маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан мурожаат қилишга ҳақли. Мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар судга электрон ҳужжат шаклида юборилиши мумкин. Иш ҳолатлари ҳужжатларнинг фақат асл нусхалари билан тасдиқланиши лозим бўлганда, шунингдек бошқа зарур ҳолларда маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган органнинг (мансадбор шахснинг) талаби билан ҳужжатларнинг асл нусхалари тақдим этилади.

Профилактика инспекторлари ёдда тутишлари лозимки маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиши тартиби МЖтК ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади (МЖтК 270-модда). Яъни маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни қўзғатиш, кўриб чиқиш, кўриб чиқишини рад этиш ва бошқа барча ҳаракатлар МЖтК ва унга асосан қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан амалга оширилади.

Қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса тутатилиши лозим (МЖтК 271-модда):

1) *маъмурий хуқуқбузарлик ҳодисаси ёки аломати йўқ бўлса, яъни маъмурий хуқуқбузарликнинг обьект, обьектив томон, субъектив томон ва субъект каби таркибий элементларининг мавжуд эмаслиги (хуқуқбузарлик таркиби тўғрисида ушбу қўлланманинг 2-боб 2.2-параграфида батафсил ёритилган);*

2) *маъмурий хуқуқбузарликни содир этиши пайтида шахс ўн олти ёшга тўлмаган бўлса, шахсни маъмурий жавобгарлик субъекти деб тан олиш учун у хуқуқбузарлик содир этган вақтда 16 ёшга тўлган бўлиши лозим (вояга етмаганларнинг жавобгарлиги тўғрисида ушбу қўлланманинг 2-боб 2.2-параграфида батафсил ёритилган);*

3) *гайрихуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этган шахс ақли норасо бўлса, маъмурий хуқуқбузарлик содир этиши вақтида шахс ўз ҳаракатларини бошқара олган ва уларни ижтимоий хавфлилигини англаган бўлиши лозим;*

4) *шахс ҳаракатни зарурий мудофаа ҳолатида ёки охирги зарурат ҳолатида қилган бўлса, яъни МЖтКда ёки маъмурий хуқуқбузарлик учун*

маъмурий жавобгарлик белгиловчи бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган, лекин **зарурий мудофаа** - шахсни ёки мудофаалувчининг ёхуд бошқа шахснинг ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини ғайрихуқуқий тажовузлардан шундай тажовуз қилаётган шахсга зарар етказиш йўли билан ҳимоя қилиш вақтида, башарти бунда зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб кетилишига йўл қўйилмаган бўлса, шунингдек **охирги зарурат** - шахсга ёки мазкур шахснинг ёхуд бошқа шахснинг ҳуқуқларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид этаётган хавфни, башарти бу хавфни ўша ҳолатда бошқача чоралар билан бартараф этиб бўлмаса ҳамда етказилган зарар олди олинган зарарга қараганда камроқ бўлса, бартараф этиш учун содир этилган ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик деб хисобланмайди;

4¹) *шахс ҳаракатни жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиши натижасида қилган бўлса, яъни жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд шундай мажбурлашни қўллаш билан қўрқитиши натижасида МЖтК билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказган шахс, агар бундай мажбурлаш ёки қўрқитиши натижасида шахс ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) бошқара олмаган бўлса, маъмурий жавобгарликка тортилмайди;*

5) *амнистия акти чиқиши, агар у маъмурий жазо чорасини қўлланишини бекор қиласа, амнистия акти кечиришнинг бир кўриниши бўлиб, Президентнинг тақдимномаси асосида Олий Мажлис Сенати томонидан маълум турдаги ҳуқуқбузарликлар учун қоида тариқасида йилига бир марта маълум бир сана муносабати билан жазодан тўлиқ ёки қисман озод қилишгacha даражада ялпи жорий этиладиган енгиллик бериш орқали кечириш тушунилади;*

6) *маъмурий жавобгарликни белгиловчи ҳужжат бекор қилинган бўлса, яъни ишни кўриб чиқиш вақтига келиб қонун чиқарувчи томонидан жавобгарликни белгиловчи ҳуқуқ нормаси бекор қилиниши, масалан МЖтК 128²-модда 2-қисмига асосан транспорт воситаси салонининг олд қисмига ўзбошимчалик билан монитор (дисплей) ўрнатиш учун жавобгарлик мавжуд эди, аммо, 2021-йил 30-ноябрь кунидан ушбу ҳаракат учун жавобгарлик бекор қилинди;*

7) *маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишини кўриб чиқиши пайтига келиб МЖтКнинг 36-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетган бўлса, яъни юқоридаги моддага асосан маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса, ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб бир йилдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин, шунингдек, жиноят ишини қўзғатиш рад этилган ёки жиноят иши тугатилган бўлса-ю, лекин ҳуқуқбузарнинг ҳаракатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд бўлса, маъмурий жазо чораси жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида, агар ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган муддатлар ўтмаган бўлса, қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин;*

8) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс хусусида шу факт юзасидан маъмурий жазо қўлланиши тўғрисида ваколатли орган (мансабдор шахс) қарор чиқарган бўлса ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни тугатиш тўғрисида чиқарилган қарор бекор қилинмаган бўлса, шунингдек мазкур факт юзасидан жиноят тўғрисидаги иш қўзгатилган бўлса, яъни муайян маъмурий ҳуқуқбузарлик юзарсидан ҳабар келиб тушган бўлиб, уни қўриб чиқиш давомида юқоридаги ҳолатлар аниқланганда профилактика инспекторлари томонидан ишни кўриб чиқишни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилиниб бу ҳақда мурожаатчига шахсан ёки почта орқали ҳабар қилинади:

9) шахс иши юритила бошланган пайтда вафот этган бўлса;

10) ҳуқуқбузарликнинг оқибатлари бартараф этилган тақдирда шахсни жавобгарликдан озод этиши МЖтКнинг тегишили моддасида назарда тутилган бўлса, масалан, 47⁴-моддада келтирилган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш маъмурий ҳуқуқбузарлигини биринчи марта содир этган шахс, агар у маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш жараёнида алимент мажбуриятлари бўйича қарздорликни ихтиёрий равишда тўлаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади (МЖтК 47⁴-м. 2-қ.);

10¹) ҳуқуқбузар МЖтКнинг 21²-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича жабрланувчи билан ярашган бўлса, яъни МЖтКнинг 21²-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича тарафлар ярашувга келган тақдирда профилактика инспекторлари тарафларнинг ярашуви муносабати билан ишни судга юбориш тўғрисида қарор чиқаради ва маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги масалани ҳал этиш учун иш материаларини МЖтКнинг 313¹-моддасида белгиланган тартибда судга юборади;

11) агар МЖтК 164-моддаси (Савдо ёки хизмат қўрсатиш қоидаларини бузиш)нинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 165-моддаси (Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш)нинг биринчи қисмида, 166-моддаси (Товарларни (маҳсулотларни) уларнинг сифатини тасдиқлайдиган ҳужжатларсиз сотиш ёки мажбурий равишида рақамли маркировкалаш қоидаларини бузиш)нинг биринчи ва учинчи қисмларида, 167-моддаси (Видеоёзуви кассеталарни сотиш ва видео муассасаларнинг ишлаш қоидаларини бузиш)нинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 168-моддаси (Бозорларда савдо қилиш қоидаларини бузиш)да, 171-моддаси (Валюта ва экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш тартибини бузиш)нинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида, 172 (Ёнилғи-мойлаш материаларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, олиш қоидаларини бузиш), 173-модда (Техник регламентларга жавоб бермайдиган ёнилғи-мойлаш материаларини реализация қилиш)ларида, 174-моддаси (Солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш)нинг биринчи ва иккинчи қисмларида, 174¹-моддаси (Қимматли қофозлар бозори тўғрисидаги қонунчиликни бузиш)нинг биринчи — саккизинчи қисмларида, 175-моддаси (Солиқ солиш объектларининг

ҳисобини ва ҳисоботини юритишнинг белгиланган тартибини, шунингдек тўлов интизомини бузиш)нинг биринчи, иккинчи ва бешинчи қисмларида, 175¹-моддаси (Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликни бузиш)нинг биринчи қисмида, 175³ (Солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамларини қўлланиш тартибини бузиш), 175⁴-моддалари (Иш ҳақини тақиқланган шаклларда тўлаш)да, 175⁵-моддаси (Ходимлар сонини яшириш)нинг биринчи қисмида, 176² (Хўжалик юритувчи субъектнинг манзили, банк реквизитлари ўзгарганлиги ёки қайта рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаслик ёки ёлғон маълумотларни тақдим этиш), 176³ (Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиш), 176⁴-моддаси (Таксиларни ягона таниш белгилари билан жиҳозлашга доир талабларни бузиш)да, 177-моддаси (Ўзганинг товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан, товар келиб чиқкан жой номидан ёки фирма номидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш)нинг биринчи қисмида, 177¹-моддаси (Муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳукуқларни бузиш)нинг биринчи қисмида, 177²-моддаси (Ихтирога, фойдали моделга ва саноат намунасига бўлган ҳукуқларни бузиш)нинг биринчи қисмида, 178-моддаси (Рақобат тўғрисидаги қонунчиликни ва истеъмолчиларнинг ҳукуқлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш)нинг биринчи, учинчи — саккизинчи қисмларида, 178¹-моддаси (Реклама тўғрисидаги қонунчиликни бузиш)нинг биринчи ва иккинчи қисмларида, 179²-моддаси (Фуқароларнинг жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунчиликни бузиш)нинг биринчи ва иккинчи қисмларида, 179⁴-моддаси (Биржа фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни бузиш)нинг биринчи қисмида, 179⁵-моддаси (Қасдан банкротликка олиб келиш)да, 215-моддаси (Давлат статистик ҳисботларини тақдим этиш тартибини бузиш)нинг биринчи қисмида, 215¹-моддаси (Корхонанинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги материалларни тақдим этиш тартибини бузиш)нинг биринчи қисмида, 227⁸-моддаси (Божхона расмийлаштируви тугалланмаган товарлар ва транспорт воситалари билан ғайриқонуний операциялар, шунингдек божхона органининг рухсатисиз юқ операциялари ва бошқа операциялар ўтказиш)нинг биринчи, учинчива бешинчи қисмларида, 227¹⁴-моддаси (Товарларни қайта ишлаш тартибини бузиш)нинг биринчи ва учинчи қисмларида, 227¹⁵-моддаси (Эркин божхона зоналари ва эркин омборларда ишлаб чиқариш, тижорат ҳамда бошқа фаолиятни амалга ошириш тартибини бузиш)нинг биринчи қисмида, 227¹⁶-моддаси (Товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқмаслик ёки уларни ушбу ҳудудга қайтариб олиб кирмаслик)нинг биринчи ва тўртинчи қисмларида, 227¹⁸-моддаси (Муайян божхона режимига жойлаштирилган товарлар ва транспорт воситалари билан ғайриқонуний операцияларни амалга оширганлик)нинг биринчи ва учинчи қисмларида, 227¹⁹-моддаси (Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтишда иқтисодий сиёsat чоралари ва бошқа чекловларни қўлланиш тартибига риоя қилмаслик)нинг биринчи қисмида, 227²¹-моддаси (Товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган тартибни бузган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб ўтиш)да, 227²²-моддаси

(Товарларни декларацияламаслик ёки нотўғри декларациялаш)нинг биринчи қисмида, 227²³-моддаси (Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига божхона қоидаларини бузган ҳолда олиб кирилган товарлар ва транспорт воситаларини ташиш, сақлаш, сотиб олиш, улардан фойдаланиш ёки уларни тасарруф этиш)нинг биринчи қисмида, 227²⁴ (Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар берилган, шартли равишда чиқарилган товарлар ва транспорт воситаларидан фойдаланиш ҳамда уларни тасарруф этиш тартибини бузиш), 227²⁵ (Божхона тўловларидан ғайриқонуний озод қилишга, уларни камайтиришга, тўланган божхона тўловларини қайтариб олиш, тўловлар ва бошқа ҳақни олишга ёхуд етарли асосларсиз уларни қайтармасликка қаратилган хатти-ҳаракатлар) ва 227²⁶-моддаси (Божхона тўловларини тўлаш муддатларини бузиш)да, 227²⁷-моддаси (Божхона брокери ёки божхона ташувчиси сифатидаги фаолият шартларини бузиш)нинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни биринчи марта содир этган тадбиркорлик субъектининг мансабдор шахслари ёки ходимлари ёхуд тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар йўл қўйилган бузилишларни ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтдан эътиборан ўттиз кунлик муддатда ихтиёрий равишда бартараф этган ва (ёки) етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, бундан фуқароларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига зарар етказилган ҳоллар мустасно.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш барча фуқароларнинг жинси, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеи, ирқи, миллати, тили, дини ва эътиқодидан қатъи назар, қонун олдида ва шу ишни кўриб чиқувчи профилактика инспекторлари олдида тенглиги асосида кўриб чиқилади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда юритилади. Иш юритилаётган тилни билмайдиган иш иштирокчиларига таржимон орқали иш материаллари билан тўлиқ танишиш ва ишни моҳияти бўйича кўриб чиқиши чоғида қатнашиш ҳуқуқи, шунингдек ўз она тилида сўзлаш ҳуқуқи ишни кўриб чиқаётган профилактика инспектори томонидан таъминланади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш очик кўрилади. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишининг тарбиявий ва огоҳлантирувчи ролини ошириш мақсадида бундай ишлар ҳуқуқбузарнинг иш, ўқиши жойидаги жамоаларида ёки яшаш жойида кўриб чиқилиши мумкин.

Прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиши чоғида қонунларнинг ижроси устидан назоратни амалга оширад экан:

- маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатишига;
- иш материаллари билан танишиб чиқишига;
- иш юритиши вақтида органлар (mansabдор шахслар)нинг ҳаракатлари қонунийлигини текширишига;
- ишни кўриб чиқишида қатнашишига;
- ишни кўриб чиқиши вақтида вужудга келган масалалар хусусида илтимосини баён этишига, хulosалар беришга;

- маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун тегишли органлар (мансабдор шахслар) таъсир кўрсатиш чораларини тўғри қўлланганлигини текширишга;
- маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қабул қилинган қарорга ёки шикоят юзасидан чиқарилган қарорга протест келтиришга;
- қонунда назарда тутилган бошқа ҳаракатлар қилишга ҳақлидир.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид далиллар ҳар қандай фактик маълумотлардан иборат бўлиб, профилактика инспекторлари шу маълумотларга асосланиб маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати юз берган ёки бермаганлигини, муайян шахснинг уни содир этишда айбдорлигини ва ишни тўғри кўриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқлайди.

Юқоридаги маълумотлар қўйидаги воситалар билан белгиланади:

- маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома;
- маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтиришлари;
- жабрланувчининг, гувоҳларнинг кўрсатувлари;
- эксперт хulosаси;
- мутахассис маслаҳати (тушунтиришлари);
- ашёвий далиллар;
- ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисидаги баённома;
- аудио-, видеоёзувлардан ва фотосуратлардан иборат материаллар, шунингдек бошқа материаллар.

Орган (мансабдор шахс) далилларга ишнинг ҳамма ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва объектив жамлаб текширишга асосланган ўзининг ички ишончи билан қонунга амал қилган ҳолда баҳо беради.

Башарти ишни кўриб чиқиш пайтида орган (мансабдор шахс) ҳуқуқбузарлик ҳолатида жиноят аломатлари бор деган хulosага келса, материалларни прокурорга топширади.

3.2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисидаги баённома ваколатли мансабдор шахс томонидан тузилади. Агар фуқаро ўзи содир этган ҳуқуқбузарлик фактига эътиroz билдиrmаса ҳамда унга жойнинг ўзида солинадиган жариманинг миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг иккidan бир қисмидан ошмаса маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмайди (бу ҳақда ушбу қўлланманинг 2-боб 2.4. параграфида батафсил ёритилган).

Умуман олганда МЖТК 280-моддасига асосан бузилиши маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган қоидаларга риоя этилишини текшириш ва (ёки) назорат қилиш қонунчилик билан зиммасига юқлатилган тегишли органнинг ваколатли мансабдор шахси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани тузиши белгиланган. Яъни профилактика инспекторларининг текшириш

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомада қуидагилар кўрсатилган бўлиши лозим:

- шу баённома тузилган сана ва жой;
- баённомани тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми;
- ҳуқуқбузарнинг шахсига оид маълумотлар;
- маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва бу ҳуқуқбузарликнинг моҳияти, ана шундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат;
- агар гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлса, уларнинг фамилиялари ва яшаш манзиллари;
- ҳуқуқбузарнинг тушунтириши;
- ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар;
- ҳуқуқбузарлик туфайли етказилган моддий зарар, агар етказилган бўлса.

Баённома уни тузган шахс ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан имзоланади; гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлган тақдирда эса — баённома мазкур шахслар томонидан ҳам имзоланади.

Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, баённомага бу ҳақда ёзиб қўйилади. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённоманинг мазмуни юзасидан баённомага илова қилинадиган тушунтириш ва мулоҳазаларини беришга, шунингдек мазкур баённомага имзо чекишдан бош тортиш сабабларини баён этишга ҳақлидир.

Баённомани тузиш вақтида ҳуқуқбузарга МЖтКнинг 294-моддасида назарда тутилган унинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади ва бу хусусда баённомага ёзиб қўйилади. Унга кўра маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс қуидагиларга ҳақлидир:

- иш материаллари билан танишиб чиқиш;
- изоҳлар бериш;
- далиллар келтириш;
- ўз илтимосини баён этиш;
- ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш;
- ўз она тилида сўзлашга ва таржимоннинг хизматларидан фойдаланиш;
- иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят бериш.

Баённома бошқа ҳужжатлар ва иш бўйича ашёвий далиллар билан бирга ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки аниқланган пайтдан бошлаб **бир суткадан кечиктирмай** маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган орган (мансабдор шахс)га юборилади (МЖтК 282-модда).

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага қуидагилар илова қилинади:

- 1) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг шахсини тасдиқловчи хужжатнинг кўчирма нусхаси;
- 2) ички ишлар органларининг маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг илгари маъмурий жавобгарликка тортилганлиги факти мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаси;
- 3) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтириши;
- 4) жабрланувчининг, гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертнинг хulosаси, агар улар мавжуд бўлса;
- 5) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги фактини тасдиқловчи бошқа материаллар.

МЖтКнинг 52-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага юқорида кўрсатилган хужжатлардан ташқари қўйидагилар илова қилинади:

- 1) жабрланувчининг аризаси;
- 2) судга қадар тиббий экспертиза тайинланганлиги ҳақидаги қарор ва эксперталарнинг хulosаси;
- 3) жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарор.

Агар профилактика инспекторлари ваколатига кирувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича фуқаро ўзи содир этган ҳуқуқбузарлик фактига эътиroz билдирамаса ҳамда унга жойнинг ўзида солинадиган жариманинг микдори базавий ҳисоблаш микдорининг иккidan бир қисмидан ошмаса маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилмайди (*бу тўғрисида уибу қўлланманинг 2-боб 2.4. параграфида батофсил келтирилган*).

МЖтКнинг 284-моддасига асосан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш мақсадида, агар баённома тузиш шарт бўлиб, уни жойнинг ўзида тузишнинг имкони бўлмаса, ички ишлар органи ходими ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузишга ваколатли бошқа шахс ҳуқуқбузарни ички ишлар органига ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига келтириши мумкинлиги белгиланган. Демак шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туришнинг ягона мақсади бу баённома тузишdir. Бежизга ушлаб туришнинг муддати кўпидан деб белгиланмаган.

Транспорт воситаларидан фойдаланиш, ҳаракат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш, транспортда юкларни бут сақлашни таъминлаш борасидаги қоидалар, транспортда ёнғиндан сақлаш қоидалари, санитария-гигиена ва эпидемияга қарши кураш-санитария қоидалари бузилган тақдирда ҳуқуқбузар, агар унда шахсини тасдиқловчи хужжатлар ва у ҳақда зарур маълумотлар бериши мумкин бўлган гувоҳлар бўлмаса, ваколатли шахс томонидан ички ишлар органларига ушлаб келтирилиши мумкин.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчилик бузилганда баённома тузиш мақсадида, башарти ҳуқуқбузарнинг шахсини ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида аниқлаш мумкин бўлмаса, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш ва ундан фойдаланиш устидан назорат олиб борувчи органларнинг ходимлари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг мансабдор шахслари, шунингдек ички ишлар органлари ходимлари шундай ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ички ишлар органларига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига ушлаб келтиришлари мумкин. Ҳуқуқбузар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш жамоатчи инспекторлари, овчилик жамоатчи инспекторлари, балиқларни муҳофаза қилиш жамоатчи инспекторлари ва ўрмонларнинг жамоатчи инспекторлари томонидан ҳам ушлаб келтирилиши мумкин.

Юридик шахсларнинг қўриқланадиган обьектларига, бошқа мол-мулкига тажовуз қилиш билан боғлик ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда ҳуқуқбузар Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ходимлари ёки ҳарбийлаштирилган соқчилик ходимлари томонидан ҳуқуқбузарликка барҳам бериш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш ва ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш учун Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органига, ҳарбийлаштирилган соқчилик хизмати биносига ёки ички ишлар органларига ушлаб келтирилиши мумкин.

Ҳуқуқбузарни олиб келиш иложи борича қисқа муддатда амалга оширилиши лозим. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига олиб келинган шахс бу ерда **бир соатдан ортиқ** ушлаб турилиши мумкин эмас.

3.2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари

Бошқа таъсир кўрсатиш чоралари қўлланиб бўлинганидан кейин маъмурий ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш, башарти баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида тузиш имкони бўлмаган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш, ишларнинг ўз вақтида ва тўғри қўриб чиқилишини таъминлаш ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида мазкур шахсни маъмурий йўл билан ушлаб туришга, шахсан кўрикдан ўтказишга, унинг ашёлари, транспорт воситаларини кўздан кечиришга ва ашё ҳамда ҳужжатларни олиб қўйишга йўл қўйилади (МЖтК 285-модда).

Демак маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари юқоридаги ҳуқуқ нормасига мувофиқ қўйидагилардан иборат:

- маъмурий йўл билан ушлаб туриш;
- шахсан кўрикдан ўтказиш;
- ашёлар, транспорт воситаларини кўздан кечириш;
- ашё ҳамда ҳужжатларни олиб қўйиш.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чораларини қўллаш тартиби МЖТК ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилиги билан белгиланади.



Маъмурий йўл билан ушлаб туриши – ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш, маъмурий баённома тузиш ва ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлашга қаратилган, шахснинг қисқа муддатга эркинлигини чеклашдан иборат мажбурий маъмурий таъсир чоралардан биридир.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисида баённома тузилиб, унда: баённома тузилган сана ва жой, баённома тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми; ушлаб турилган шахс ҳақидаги маълумотлар; уни ушлаб туриш вақти, жойи ва унинг асослари кўрсатилади.

Баённома уни тузган мансабдор шахс ва ушлаб турилган шахс томонидан имзоланади. Ушлаб турилган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, баённомага шу ҳақда ёзиб қўйилади. Демак, шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда ҳеч қандай ҳолис талаб қилинмайди, профилактика инспекторининг баённомага “шахс баённомани имзолашдан бош тортди” деб ёзиб қўйишининг ўзи кифоя. Аммо, бундай вазиятларда ҳолиснинг иштироки зарар қилмайди.

Ушлаб турилган шахснинг илтимосига кўра, у ушлаб турилган жой ҳақида унинг қариндош-уруглари, адвокат, иш ёки ўқиши жойидаги маъмурият хабардор қилиб қўйилади.



Вояга етмаган шахс ушлаб турилгани ҳақида унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар албатта хабардор қилинади.

МЖТКнинг 287-моддасида маъмурий йўл билан ушлаб туриш ваколат бериб қўйилган бир қанча органлар (mansabdar shahslar) томонидангина келтирилган, чунончи:

- ички ишлар органлари;
- чегара қўшинлари;
- ҳарбий соқчиликнинг катта мансабдор шахси;
- ҳарбий автомобиль инспекциясининг мансабдор шахслари;
- Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг мансабдор шахслари;
- Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси органларининг мансабдор шахслари;
- божхона органлари ходимлари;
- ҳарбий патруль;
- давлат солик органлари;

- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг мансабдор;

- Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг мансабдор шахслари.

Ички ишлар органлари қўйидаги жадвалда назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда ушлаб туриш ваколатига эга:

№	Модданинг рақами	Модданинг номи
1.	47 ⁴	Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш
2.	47 ⁵	Ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш
3.	51 ²	Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг, сайлов комиссияларининг, референдум ўтказувчи комиссияларининг фаолиятига аралашиб
4.	51 ⁸	Сайловни ёки референдумни молиялаштириш тартибини бузиш
5.	51 ⁹	Жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов ёки референдум натижалари тахминларини чоп этиш (эълон қилиш) тартибини бузиш
6.	54	Эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш
7.	56	Гиёхвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш
8.	57	Таносил касаллиги ёки ОИВ касаллиги/ОИТС юқадиган манбани яшириш
9.	58	Таносил касаллигига ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга учраган шахсларнинг текширишдан бўйин товлаши
10.	61	Оз миқдорда талон-торож қилиш
11.	61 ¹ -м., 1-қ.	Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш
12.	70 ¹	Дарёларнинг ўзанларини тозалашга ва қирғоқларини мустаҳкамлашга доир ишларни амалга ошириш тартибини бузиш
13.	90	Ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишининг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш
14.	90 ¹	Ов қилиш ва балиқ овлашнинг тақиқланган қуролларини ёки воситаларини тайёрлаш, олиб кириш, сақлаш, ташиш ёки юбориш, олиш ёхуд сотиши
15.	91	Саноат чиқиндиларини, майший чиқиндиларни ва бошқа чиқиндиларни тўплаш, ташиш, жойлаштириш, заарсизлантириш, сақлаш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, реализация қилиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш
16.	92	Ҳайвонлар яшайдиган муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларини, зоологик ва ботаник коллекцияларни вужудга келтириш ва улар билан савдо қилиш қоидаларини бузиш, худди шунингдек ҳайвонларни ўзбошимчалик билан бошқа жойга кўчириш, иқлимлаштириш ёки чатиштириш
17.	94	Ноёб ёки йўқ бўлиб кетиши хавфида турган ҳайвонларни йўқ қилиб юбориш, ўлжа қилиш ёхуд шундай ҳайвонларнинг қирилиб

		кетишига, соғи камайиб кетишига ёки яшаш мұхити бузилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган бошқа ҳаракатлар содир этиш
18.	113	Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш
19.	114	Темир йўл транспорти воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш
20.	115	Метрополитендан фойдаланиш қоидаларини бузиш
21.	116	Учиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш
22.	<u>116¹</u>	Ҳаво кемасидан фойдаланиш вақтида лазер нурини йўналтириш орқали халақит бериш
23.	<u>116²</u>	Ўзбекистон Республикасининг самовий худудидан қонунга хилоф равишда (руҳсатсиз) фойдаланиш
24.	<u>116³</u>	Авиация хавфсизлигини таъминлашга доир талабларни бузиш
25.	117	Ҳаво кемасида юриш-туриш қоидаларини бузиш
26.	118-м., 3-қ.	Сув транспортида ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш
27.	121	Транспорт воситаларининг ички жиҳозларига шикаст етказиш
28.	122	Тамаки маҳсулотини транспортдага белгиланмаган жойларда истеъмол қилиш
29.	123	Транспорт воситаларидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориши
30.	<u>125</u>	Транспорт воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш
31.	<u>125¹</u>	Юқ ташиш қоидаларини, шатакка олиш қоидаларини бузиш
32.	<u>126</u>	Кўзгусимон ва (ёки) туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали, шунингдек теварак-атрофни кўришни чеклайдиган қопламали транспорт воситаларидан фойдаланиш
33.	<u>127</u>	Транспорт воситаларининг товуш чиқарувчи, ёритувчи ва бошқа қурилмаларидан фойдаланиш, уларни ўрнатиш қоидаларини бузиш
34.	<u>128</u>	Хайдовчиларнинг транспорт воситаларини пиёдалар йўлкаларидан юргизиши, йўл белгилари ва йўл ҳаракатининг бошқа қоидалари талабларига риоя этмаслиги
35.	<u>128¹</u>	Транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларнинг телефондан фойдаланиши
36.	<u>128²</u>	Транспорт воситасини бошқариш вақтида теле-, видеодастурларни томоша қилиш мақсадида монитордан (дисплейдан) фойдаланиш
37.	<u>128³</u>	Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юбориши
38.	<u>128⁴</u>	Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг светофорнинг тақиқловчи сигналига ёки йўл ҳаракатини тартибга солувчининг тақиқловчи ишорасига бўйсунмасдан тўхташ чизигини босиб кириши ва ўтиши
39.	<u>128⁵</u>	Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг халақит бериши ёки авария ҳолатини юзага келтириши, йўлнинг қарама-қарши ҳаракатланиш учун мўлжалланган томонига ёки бўлагига чиқиши
40.	<u>128⁶</u>	Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузиши
41.	<u>129</u>	Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишда қатнашиши
42.	<u>130</u>	Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг темир йўлнинг ўтиш

		жойларидан ўтиш қоидаларини бузиши
43.	131	Транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш
44.	133	Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши жабрланувчига енгил тан жароҳати ёки анча миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келиши
45.	134	Ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши транспорт воситаларининг ёки бошқа мол-мулкнинг шикастланишига олиб келиши
46.	135	Йўл ҳаракати қоидаларида назарда тутилган ҳужжатлари бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқариши
47.	135 ¹	Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг талабларини бузиши
48.	136	Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг мастилиги ёки маст эмаслигини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаши
49.	137	
50.	138	Пиёдалар ва йўл ҳаракати бошқа иштирокчиларининг йўл ҳаракати қоидаларини бузиши
51.	141	Транспорт воситаларидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш
52.	142	Хавфли моддалар ва ашёларни транспортда ташиш қоидаларини бузиш
53.	144-м., 3-қ.	Транспортда чиптасиз юриш
54.	146	Ҳаво, темир йўл, сув ва автомобиль транспортида юкларнинг сақланишини таъминлаш қоидаларини бузиш
55.	147-м., 1-қ.	Йўлларга, йўл иншоотларига, йўл ҳаракатини тартибга солиб турувчи техник воситаларга шикаст етказиш, уларни сақлаш қоидаларини бузиш
56.	152-м., 2-3-қ.	Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланиш тартибини бузиш
57.	154	Алоқа йўллари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш
58.	156	Автомат телефонларни шикастлантириш
59.	164-м., 4-қ.	Савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш
60.	170	Валюта бойликларини қонунга хилоф равища олиш ёки ўтказиш
61.	176-м., 1-3-қ.	Ноқонуний тадбиркорлик фаолияти
62.	176 ³	Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиш
63.	176 ⁴ -м., 2-қ	Таксиларни ягона таниш белгилари билан жиҳозлашга доир талабларни бузиш
64.	183	Майда безорилик
65.	184 ¹	Фуқароларнинг жамоат жойларида ибодат либосларида юриши
66.	184 ²	Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равища тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш
67.	184 ³	Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш
68.	185	Қуролдан белгиланган тартибни бузган ҳолда фойдаланиш
69.	185 ¹	Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи
70.	185 ²	Совуқ куролни ёки совуқ курол сифатида фойдаланиши

		мумкин бўлган ашёларни олиб юриш
71.	185 ³	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фуқаровий ва хизмат қуроли сифатида муомалада бўлиши тақиқланган ашёларнинг қонунга хилоф равища муомалада бўлиши
72.	186	Фуқароларнинг хонаки усулда ҳозирланадиган ўткир спиртли ичимликларни сотиш мақсадида тайёрлаши ёки сотиши
73.	187	Жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш
74.	188	Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш
75.	188 ³	Тиланчилик қилиш
76.	189	Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш
77.	189 ¹	Тазиикни, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш
78.	190	Фоҳишалик билан шуғулланиш
79.	191	Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар
80.	192	Маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш
81.	194	Ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик
82.	195	Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчисининг қонуний талабларини бажармаслик
83.	198	Ҳокимият вакилининг қонуний талабларини бажармаслик ёки хизмат вазифаларини бажаришига тўқсینлик қилиш
84.	199	Махсус хизматларни қасдан алдаб чақирганлик
85.	201	Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш
86.	202 ¹	Ғайриқонуний нодавлат нотижорат ташкилотлари, оқимлар, секталарнинг фаолиятида қатнашишга ундаш
87.	203	Байроқлар ва вимпеллардан ғайриқонуний фойдаланиш, плакатлар, эмблемалар ва рамзларни тайёрлаш, тарқатиш ёки тақиб юриш
88.	204	Фавқулодда ҳолат тартибининг талабларини бузиш
89.	205	Фавқулодда ҳолат тартиби шароитида жамоат тартибига тажовуз қилиш
90.	209	Давлат мукофотларига нисбатан қонунга хилоф ҳаракатлар қилиш
91.	209 ¹	Вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар ходимларининг формали кийим-бошини қонунга хилоф равища кийиб юриш
92.	210	Қамоқда сақлаш жойларида, жазони ижро этиш муассасаларида, махсус даволаш-олдини олиш ёки махсус ўқуттарбия муассасаларида сақланаётган шахсларга тақиқланган нарсаларни бериш
93.	218	Оммавий ахборот воситалари маҳсулотларини қонунга хилоф равища тайёрлаш ва тарқатиш
94.	220	Қуролнинг ва унинг ўқ-дориларининг муомалада бўлиши қоидаларини бузиш
95.	224	Чегара зонасига, шунингдек фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларга кириш ҳамда уларда яшаш қоидаларини бузиш

96.	225-м., 1-3 к.	Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш
97.	225 ¹	Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси худудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш тўғрисидаги суд қарорини бажармаслик
98.	228	Муҳрлар (пломбалар)ни қасдан бузиш ёки юлиб олиш
99.	239	Нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятни амалга ошириш тартибини бузиши
100.	240	Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш
101.	241	Диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш уч соатдан ортиқ давом этиши мумкин эмас. Айрим ҳолларда алоҳида зарурат муносабати билан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида маъмурий йўл билан ушлаб туришнинг бошқача муддатлари белгиланиши мумкин.

Чегара тартибини ёки Ўзбекистон Республикаси давлат чегараси орқали ўтиш пунктларида тартиби бузган шахслар баённома тузиш учун уч соатгача муддатга ушлаб турилиши мумкин, ҳуқуқбузарнинг шахсини ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш учун зарур бўлган ҳолларда эса — ушлаш пайтидан бошлаб йигирма тўрт соат ичida прокурорга ёзма тарзда маълум қилиб, уч суткагача ёки ҳуқуқбузарда ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаса, прокурорнинг санкцияси билан ўн суткагача муддатга ушлаб турилиши мумкин.



Маъмурий йўл билан ушлаб туриш муддати ҳуқуқбузарни баённома тузиш учун олиб келиш пайтидан бошланади, маст ҳолдаги шахслар учун эса — улар *ҳушёёр тортган вақтдан* бошланади.

МЖТКнинг 54 (Эпидемияларга қарши қураш қоидаларини бузиш), 56 (Гиёхвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний равища тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш), 57 (Таносил касаллиги ёки ОИВ касаллиги/ОИТС юқадиган манбани яшириш), 58 (Таносил касаллигига ёки ОИВ касаллиги/ОИТСга учраган шахсларнинг текширишдан бўйин товлаши), 61 (Оз миқдорда талон-торож қилиш), 90 (Ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш), 164-моддаси (Савдо ёки хизмат қўрсатиш қоидаларини бузиш)нинг тўртинчи қисмида, 170 (Валюта бойликларини қонунга хилоф равища олиш ёки ўтказиш), 183 (Майда безорилик), 184² (Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равища тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш), 184³ (Миллий, ирқий, этник ёки диний адсоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш), 191 (Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар), 194 (Ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик), 194¹ (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчисининг (ходимининг) қонуний талабларини бажармаслик), 195 (Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчисининг қонуний талабларини бажармаслик), 195¹

(Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчиларининг (ходимларининг) ўз хизмат бурчларини бажаришларига қаршилик кўрсатиш), 201 (Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш), 204 (Фавқулодда ҳолат тартибининг талабларини бузиш), 205 (Фавқулодда ҳолат тартиби шароитида жамоат тартибига тажовуз қилиш), 206 (Маъмурий назорат қоидаларини бузиш), 210 (Қамоқда сақлаш жойларида, жазони ижро этиш муассасаларида, маҳсус даволаш-олдини олиш ёки маҳсус ўкув-тарбия муассасаларида сақланаётган шахсларга тақиқланган нарсаларни бериш), 225-моддаси (Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиш)нинг биринчи — учинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган ёхуд ўзининг шахси тўғрисидаги маълумотларни яширган шахслар ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иши жиноят ишлари бўйича суд ёки ички ишлар органи бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) томонидан қўриб чиқилгунга қадар, лекин 24 соатдан кўп бўлмаган муддатга ушлаб турилиши мумкин.



Шахсни кўрикдан ўтказиш кўрикдан ўтказилаётган шахс билан *бир жинсда бўлган* шахслар томонидан ва шу жинсдаги иккита холис гувоҳ иштирок этган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Шахсни кўрикдан ўтказиш ички ишлар органларининг, ҳарбий соқчилик, ҳаво транспортининг, божхона органлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари ва чегара қўшинларининг ваколатли шахслари, Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида бевосита назарда тутилган ҳолларда эса, шунга ваколати бўлган бошқа органлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Ашёларни қўздан кечириб чиқиши ички ишлар органларининг, ҳарбий соқчилик, ҳаво транспортининг, божхона органларининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг, чегара қўшинларининг, солик органларининг, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг, Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси органларининг, Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида бевосита назарда тутилган ҳолларда эса, шунингдек тегишли ваколати бўлган органларнинг бошқа ваколатли шахслари томонидан амалга оширилади.

Ашёларни, ов қилиш ва балиқ тутиш қуролларини, қўлга киритилган маҳсулотлар ва бошқа буюмларни қўздан кечириш, одатда, шу ашё ва буюмлар кимнинг мулки ёки эгалигига бўлса, ўша шахс иштирокида амалга оширилади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, мазкур ашёлар, буюмларни мулкдорсиз (эгасисиз) иккита холис гувоҳ иштирокида ҳам қўздан кечириб чиқилиши мумкин.

Шахсий кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш тўғрисида баённома тузилади ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага ёхуд маъмурий йўл билан ушлаб туриш тўғрисидаги баённомага тегишинча ёзиб қўйилади.

Ҳуқуқбузарларни ушлаш, шахсий кўриқдан ўтказиш ёки ашёларини кўздан кечириш вақтида аниқланган ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ёки бевосита шундай ашёлар бўлмиш ашё ва ҳужжатлар профилактика инспекторлари томонидан олиб қўйилади. Олиб қўйилган ашё ва ҳужжатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилгунга қадар шундай ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш ҳуқуқи берилган органлар (мансабдор шахслар) томонидан белгилаб бериладиган жойларда сақланади, иш кўриб бўлинганидан кейин эса, уни кўриб чиқиш натижаларига қараб, бу ашё ва ҳужжатлар белгиланган тартибда мусодара қилинади ёки эгасига қайтариб берилади ёхуд йўқ қилиб юборилади, ашёлар ҳақ тўлаб олиб қўйилган тақдирда эса — сотиб юборилади.

Олиб қўйилган орден, медаль, фахрий унвоннинг қўкракка тақиладиган нишони қонуний эгасига қайтариб берилади, башарти, эгаси номаълум бўлса, унда тегишли органга жўнатилади.

Ашё ва ҳужжатлар олиб қўйилган тақдирда бу хусусда баённома тузилади ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага ёхуд буюмларни кўздан кечириб чиқиш ёки маъмурий йўл билан ушлаб туриш ҳақидаги баённомаларга тегишли ёзув ёзиб қўйилади.

МЖтКнинг 185 (Қуролдан белгиланган тартибни бузган ҳолда фойдаланиш), 220 (Қуролнинг ва унинг ўқ-дориларининг муомалада бўлиши қоидаларини бузиш), 220¹ (Қуролнинг қонунга хилоф муомаласи) ва 221 (Қуролни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) қоидаларини ёки унинг муомаласи соҳасидаги рухсатномаларнинг амал қилиш муддатини узайтириш қоидаларини бузиш) - моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда, профилактика инспекторлари иш кўриб чиқилгунига қадар қуролни ва унинг ўқ-дориларини олиб қўйишга ҳақли бўлиб, бу ҳақда олиб қўйилаётган қуролнинг маркаси ёки модели, калибри, туркуми ва раками, ўқ-дориларнинг миқдори ва тури кўрсатилган ҳолда баённомага ёзиб қўйилади.

Ўз хизмат бурчини бажариш вақтида ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан унинг ашёларини олиб қўйиш, шахсий кўриқдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириб чиқиш жуда зарур бўлган ҳоллардагина қўлланилади.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш, шахсни кўриқдан ўтказиш, ашёларни кўздан кечириш, транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўздан кечириш, ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш, транспорт воситасини бошқаришдан четлаштириш устидан манфаатдор шахс юқори органга (мансабдор шахсга), прокурорга ёки судга шикоят бериши мумкин.

3.3. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишида қатнашувчи шахслар

Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иш материаллари билан танишиб чиқишга, изоҳлар беришга, далиллар келтиришга, ўз илтимосини баён этишга, ишни кўриб чиқиши вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга, ўз она тилида сўзлашга ва таржимоннинг хизматларидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилади. Мазкур шахсга ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида хабар қилингандиги тўғрисида маълумотлар бўлган ва ундан ишни кўриб чиқиши кечикириш хусусида ҳеч қандай илтимос тушмаган ҳолларда иш унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин.

Башарти содир этган ҳуқуқбузарлиги учун МЖТКда маъмурий қамоқقا олиш, ашёларини мусодара қилиш ёки ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш чораларини қўллаш назарда тутилган бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиши вақтида маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг иштирок этиши шарт. Мазкур шахс бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишида иштирок этишдан бўйин товлаган тақдирда, у жиноят ишлари бўйича суднинг ажримиға биноан ичкни ишлар органи томонидан мажбуран олиб келиниши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказилган шахс **жабрланувчи** деб топилади.

Жабрланувчи ишга оид ҳамма материаллар билан танишиб чиқишга, кўрсатувлар беришга, далиллар келтиришга, илтимослар қилишга, ишни кўриб чиқиш пайтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга, ўз она тилида сўзлашга ва таржимон хизматидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Вояга етмаган ёки ўзининг жисмоний нуқсонлари ёхуд руҳий ҳолатининг бузилганлиги сабабли маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар юзасидан ўз ҳуқуқини ўзи амалга ошиrolмайдиган — маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ёки жабрланувчининг манфаатларини улар учун мазкур шахсларнинг **қонуний вакиллари** (ота-оналари, эр ёки хотинлари, вояга етган болалари, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар) ифодалашга ҳақлидирлар.

Қонуний вакиллар иш материаллари билан танишишга ва манфаатларини ўзлари ифода этаётган шахс номидан илтимослар қилишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидирлар.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишида шу ҳуқуқбузарликни содир этган шахсни ушлаб туриш пайтидан бошлаб **адвокат** қатнашиши мумкин.

Адвокат ишга оид материаллар билан танишиб чиқишига, уни таклиф қилган шахснинг топшириғига биноан ва унинг номидан илтимослар қилишига ва иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришига ҳақлидир.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича аниқланиши керак бўлган бирон-бир ҳолатдан воқиф бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс шу иш юзасидан **гувоҳ** сифатида чақирилиши мумкин. Гувоҳ сифатида фақатгина ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтда ҳозир бўлган ва ушбу ҳодисани кўрган шахс тан олинмайди, балки ҳодиса кўрган, эшитган, кўриши, эшитиши мумкин бўлган ҳуллас иш юзасидан оз бўлсада маълумот бериши мумкин бўлган шахс гувоҳ бўлиши мумкин.

Ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахснинг) чақирувига биноан гувоҳ кўрсатилган вақтда келиши, ҳаққоний кўрсатувлар бериши, шу иш хусусида ўзига маълум бўлган ҳамма нарсаларни айтиб бериши ва қўйилган саволларга жавоб бериши шарт.

Хулоса бериш учун зарур фан, техника, санъат ёки хунар соҳасида маҳсус билимларга эга бўлган жисмоний шахс **эксперт** сифатида тайинланиши мумкин.

Профилактика инспекторлари иш юзасидан экспертиза тайинлаш учун тегишли қарор қабул қиласди. Ушбу қарор билан томонлар таништирилади. Эксперт хулосаси қабул қилиб олингандан сўнг ҳам хулоса билан томонлар таништирилиши шарт.

Эксперт сифатида давлат суд-экспертиза муассасаси эксперти, бошқа корхона, муассаса, ташкилот ходими ёки бошқа жисмоний шахс иштирок этиши мумкин.

Эксперт маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) томонидан маҳсус билимларга зарурат туғилган ҳолларда тайинланади.

Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар, шунингдек қасддан содир этган жиноятлари учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар эксперт сифатида жалб этилиши мумкин эмас.

Эксперт: маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган экспертиза предметига оид материаллари билан танишиш, улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш ёки кўчирма нусхалар олиш; экспертизани ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва текшириш объектлари тақдим этилиши ҳақида илтимосномалар бериш; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) рухсати билан ишни кўриб чиқишида ҳозир бўлиш, жавобгарликка тортилаётган шахсга, жабрланувчига, гувоҳларга экспертиза предметига оид саволлар бериш; ашёвий далиллар ва хужжатларни кўздан кечириш; ўз хулосасида нафақат ўзининг олдига қўйилган саволлар бўйича, балки экспертиза предметига оид ва иш учун аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича ҳам фикрларини баён этиш; унинг хулосаси ёки кўрсатувлари маъмурий

хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритишда иштирок этувчи шахслар томонидан нотўғри талқин қилинганлиги хусусида маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиши баённомасига киритилиши лозим бўлган баёнотлар бериш; агар у маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида хулоса тақдим этиш ва кўрсатувлар бериш ҳамда бундай ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш; агар маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахснинг) қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) экспертнинг хуқуқ ва эркинликларини бузаётган бўлса, бу қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан шикоят қилиш хукуқига эгадир.

Эксперт: ўзига тақдим этилган текшириш обьектларини ҳар томонлама ва тўлиқ текширишдан ўтказиши, ўз олдига қўйилган саволлар юзасидан асосли ва холисона ёзма хулоса бериши; маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахснинг) чақирувига биноан ҳозир бўлиши; ўзи ўтказган экспертиза хусусида кўрсатувлар бериши ва ўзи берган хулосани тушунтириш учун қўшимча саволларга жавоб бериши; экспертизани ўтказиши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор қиласлиги; тақдим этилган текшириш обьектлари ва иш материалларининг сақланишини таъминлаши; маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганда тартибга риоя қилиши шарт.

Эксперт ёки эксперталар комиссияси эксперт текширувларини ўтказиб бўлганидан кейин тегишинча эксперт ёхуд эксперталар комиссияси таркибиға кирувчи ҳар бир эксперт имзоси билан тасдиқланадиган хулоса тузади.

Хулосада: экспертиза ўтказилган сана ва жой; экспертизани ўтказиши асоси; экспертизани тайинлаган орган (мансабдор шахс) тўғрисида маълумотлар; эксперт (фамилияси, исми, отасининг исми, маълумоти, ихтисослиги, иш стажи, илмий даражаси, илмий унвони, эгаллаб турган лавозими) ва экспертизани ўтказиши топширилган ташкилот ҳақида маълумотлар; экспертнинг била туриб нотўғри хулоса берганлиги, хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин товлаганлиги учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганлиги; экспертнинг олдига қўйилган саволлар; экспертга тақдим этилган текшириш обьектлари ва иш материаллари; экспертиза ўтказилаётганда ҳозир бўлган шахслар ҳақида маълумотлар; қўлланилган усувлар кўрсатилган ҳолда эксперт текширувларининг мазмuni ва натижалари, шунингдек бу эксперт текширувлари, агар эксперталар комиссияси ишлаган бўлса, ким томонидан ўтказилганлиги; эксперт текшируви натижаларининг баҳоланиши, қўйилган саволларга берилган асосли жавоблар; иш учун аҳамиятга молик бўлган ва экспертнинг ташаббусига кўра аниқланган ҳолатлар кўрсатилиши лозим.

Хулосада хуқуқбузарлик сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, шунингдек уларни бартараф этишга доир ташкилий-техникавий тавсиялар кўрсатилган бўлиши мумкин.

Хулосани ва унинг натижаларини тасвирловчи материаллар ушбу хулосага илова қилинади ҳамда унинг таркибий қисми бўлиб хизмат қиласди. Эксперт текширувининг олиб борилиши, шарт-шароитлари ва натижаларини ҳужжатлаштирадиган материаллар давлат суд-экспертиза муассасасида ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилотда қонунчиликда белгиланган муддатларда сақланади. Улар экспертизани тайинлаган органнинг (мансабдор шахснинг) талабига биноан маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишга қўшиб қўйиш учун тақдим этилади.

Агар тақдим этилган текшириш объектларининг, материалларниң ёки экспертнинг махсус билимлари етарли эмаслиги эксперт текшируви давомида маълум бўлиб қолса, хулоса айрим қўйилган саволларга жавоб беришни рад этиш асосини ўз ичига олган бўлиши лозим.

Эксперт текшируви тугаганидан сўнг хулоса, текшириш объектлари ва иш материаллари экспертизани тайинлаган органга (мансабдор шахсга) юборилади.

Хулоса маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) учун мажбурий эмас, бироқ унинг хулосага қўшилмаслиги асослантирилган бўлиши керак.

Агар эксперт қўйилган саволларни унинг махсус билимлари асосида ҳал қилиш мумкин бўлмаслигига ёки унга тақдим этилган текшириш объектларининг ёхуд материалларнинг яроқсизлигига ёки хулоса бериш учун етарли эмаслигига ва уларни тўлдириб бўлмаслигига ёхуд фан ва суд-экспертлик амалиётининг ҳолати қўйилган саволларга жавоб топиш имкониятини бермаслигига ишонч ҳосил қиласа, у хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисида асослантирилган ҳужжат тузади ҳамда уни экспертизани тайинлаган органга (мансабдор шахсга) юборади.

Далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда маслаҳатлар (тушунтиришлар) бериш йўли билан кўмаклашиш ҳамда илмий-техника воситаларини қўллашда ёрдам бериш мақсадида фан, техника, санъат ёки хунар соҳасида махсус билим ва кўникмага эга бўлган, ишнинг якунидан манфаатдор бўлмаган вояга етган шахс **мутахассис** сифатида жалб этилиши мумкин.

Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар мутахассис сифатида жалб қилиниши мумкин эмас.

Мутахассис: маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг текшириш мавзусига доир материаллари билан танишиш, улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш ёки кўчирма нусхалар олиш; маслаҳатлар (тушунтиришлар) бериш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва ўрганиш объектларини тақдим этиш тўғрисида илтимосномалар бериш; маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги иш ўз иш юритуvida бўлган органнинг (мансабдор шахснинг) рухсати билан ишни кўриб чиқиши чоғида ҳозир бўлиш, жавобгарликка тортилаётган шахсга, жабрланувчига, гувоҳларга текшириш мавзусига тааллуқли саволлар бериш; ашёвий далиллар ва ҳужжатларни кўздан кечириш; ўз маслаҳатлари

(түшунтиришлари) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда иштирок этувчи шахслар томонидан нотўри талқин қилинганилиги хусусида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш баённомасига киритилиши лозим бўлган фикр-мулоҳазалар билдириш; агар у маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, она тилида маслаҳат бериш ва түшунтиришларини баён қилиш ҳамда бу ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш; агар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ўз иш юритуvida бўлган органнинг (мансабдор шахснинг) қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ушбу мутахассиснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузса, мазкур органнинг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Мутахассис: ўзига тақдим этилган текшириш объектларини ҳар томонлама ва тўлиқ текширишдан ўтказиши, ўз олдига қўйилган масалалар юзасидан асосли ва холисона маслаҳатлар (түшунтиришлар) бериши; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ўз иш юритуvida бўлган органнинг (мансабдор шахснинг) чақиравига биноан келиши; ўтказилган текшириш хусусида қўрсатувлар бериши ва ўзи берган маслаҳатларни (түшунтиришларни) түшунтириб бериш учун қўшимча саволларга жавоб бериши; текшириш ўтказилиши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор қиласлиги; тақдим этилган текшириш объектларининг ва иш материалларининг бут сакланишини таъминлаши; маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганда тартибга риоша шарт.

Мутахассиснинг барча юзага келган масалалар бўйича маслаҳатлари судга ёзма шаклда тақдим этилиши керак, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганда мутахассис томонидан берилган түшунтиришлар эса маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш баённомасига киритилади.

Таржимон маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) томонидан тайинланади.

Таржимон мазкур органнинг (мансабдор шахснинг) чақириғига биноан келиши, ўзига топширилган таржимани тўла-тўкис ҳамда аниқ бажариши шарт.

Таржимон қуйидаги ҳолларда чақирилиши мумкин:

- 1) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёхуд уларнинг вакиллари, гувоҳ, эксперт, мутахассис иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарли даражада билмаса ёинки кар ёки соқов бўлса;
- 2) бирор матнни бошқа тилдан таржима қилишга зарурат бўлса.

Таржимон ушбу турдаги хизматларни кўрсатувчи ташкилотлардан, элчихоналардан, олийгоҳ профессор-ўқитувчилари таркибидан ёки оддийгина мактаб ёки коллеж ўқитувчилар таркибидан чақирилиши мумкин. Иш хужжатларига таржимонликни амалга оширувчи шахснинг шахсини тасдиқловчи

хужжати ва тегишли чет тилини билиши түғрисидаги диплом ёки сертификат нусхаси қўшиб қўйилади.

Жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар маъмурий ҳуқуқбузарлик түғрисидаги ишни юритаётган орган (mansabdor shaxs) хузурига келишлари муносабати билан уларнинг қилган харажатлари белгиланган тартибда қопланади (МЖтК 301-модда).

Жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар сифатида чақирилган шахсларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик түғрисидаги ишни юритаётган орган (mansabdor shaxs) хузурига келишлари муносабати билан улар ишда бўлмаган вақтда ўз иш жойидаги маоши белгиланган тартибда сақланади.

Эксперт, мутахассис ва таржимон хизмат топшириги тартибида бажарилган ҳоллардан ташқари, ўзининг вазифаларини бажарганлиги учун мукофотланиш ҳуқуқига эгадир.

Маъмурий жавобгарликка қонунга хилоф равища тортилганлик натижасида фуқарога етказилган заар маъмурий ҳуқуқбузарлик түғрисидаги ишни кўриб чиқсан органнинг (mansabdor shaxsnинг) айбидан қатъи назар давлат томонидан тўлиқ ҳажмда тўланади.

Заарни қоплаш ҳуқуқи маъмурий ҳуқуқбузарлик түғрисидаги иш тутатилган тақдирдагина вужудга келади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик түғрисидаги ишни юритаётган орган (mansabdor shaxs) фуқарога бузилган ҳуқуқларини тиклаш тартибини тушунтириб бериши ва маъмурий жавобгарликка қонунга хилоф равища тортилганлиги натижасида фуқарога етказилган заарни қоплаш учун қонунда назарда тутилган чораларни кўриши шарт.

3.4. Маъмурий ҳуқуқбузарлик түғрисидаги ишларни кўриб чиқиши

Маъмурий ҳуқуқбузарлик түғрисидаги ишни кўриб чиқишига тайёрлаш вақтида тегишли орган (mansabdor shaxs):

- 1) мазкур ишни кўриб чиқиши ўзининг ваколат доирасига кириш кирмаслиги;
- 2) маъмурий ҳуқуқбузарлик түғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар тўғри тузилган-тузилмаганлиги;
- 3) ишни кўриб чиқишида қатнашувчи шахслар уни кўриб чиқиши вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинган-қилинмаганлиги;
- 4) зарур қўшимча материаллар сўраб олинган-олинмаганлиги;
- 5) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс, жабрланувчи, қонуний вакиллар, адвокат қилган илтимослар түғрисидаги масалаларни ҳал этади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик түғрисидаги иш шу ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда кўриб чиқилади.

МЖтКнинг 187-моддаси (Жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш)да назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар шундай ҳуқуқбузарликлар содир этилган жойда ёки ҳуқуқбузарнинг истиқомат жойида кўриб чиқилади.

Болалар масалалари бўйича комиссиялар маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳуқуқбузарнинг истиқомат жойида кўриб чиқадилар.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бошқа жойда кўриб чиқилиши ҳам назарда тутилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш мазкур ишни кўриб чиқишига ваколатли орган (мансадбор шахс) томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар олинган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичida кўриб чиқилади (МЖтК 305-модда).

МЖтКнинг 51², 51³, 51⁴, 51⁵, 51⁶, 51⁷, 51⁸, 51⁹, 170, 180, 181, 183, 187, 194, 194¹, 196¹-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бир сутка мобайнида кўриб чиқилади, МЖтКнинг 47-моддасида, 164-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 197⁵, 197⁷, 201, 202, 203, 204, 205-моддаларида назарда тутилган ишлар — уч сутка ичida, МЖтКнинг 61-моддасида назарда тутилган ишлар эса — беш сутка ичida кўриб чиқилади.

МЖтКнинг 56, 57, 58-моддаларида, 61¹-моддаси биринчи қисмида, 94, 165¹, 184², 184³, 189, 189¹, 201, 202¹-моддаларида, 224¹-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 225-моддасининг биринчи — учинчи қисмларида, 239, 240, 241-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар, улар чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан содир этилганда, бир сутка мобайнида кўриб чиқилади.

МЖтК 271-моддасининг 11-бандида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги иш маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишнинг бошқа материаллари ишни кўриб чиқишига ваколатли орган (мансадбор шахс) томонидан олинган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда кўриб чиқилади.

3.5. Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш

Ярашилганлиги муносабати билан МЖтКнинг 21²-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилиши мумкин.

Жабрланувчи ёхуд унинг қонуний вакили ярашув тўғрисидаги аризани иш профилактика инспекторлари томонидан кўриб чиқилиши вақтида, шунингдек суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд қарор чиқаргунига қадар бериши мумкин. Аризада етказилган заарар бартараф этилгани, шунингдек ярашилганлиги муносабати билан маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги иш юритилишини тутатиш тўғрисидаги илтимос қўрсатилган бўлиши керак. Агар

ярашув ҳақидаги ариза иш биринчи инстанция судида суд мұхокамасидан үтказилаётгандың білсесе, суд уни дархол күриб чиқышға киришади.

Агар иш бүйічә бир неча жабрланувчи бўлса, фақат барча жабрланувчилар билан ярашувга эришилган тақдирда, ярашув тўғрисидаги ишни юритиш мумкин.

Аризани қабул қилиш чоғида ваколатли орган (мансабдор шахс) ва суд жабрланувчига ёки унинг қонуний вакилига суд ярашувни тасдиқласа, у мазкур иш бүйічә иш юритишни қайта тиклаш ҳақида илтимоснома бериш хуқуқини йўқотишини тушунтириши шарт.

Профилактика инспекторлари жабрланувчининг ёки унинг қонуний вакилининг ярашув тўғрисидаги аризасини олгач, уч кундан ортиқ бўлмаган муддатда хуқуқбузарнинг розилигига кўра ишни тарафларнинг ярашуви муносабати билан судга юбориш ҳақида қарор чиқаради ҳамда ишни тегишлилиги бўйича судга юборади.

Қарорнинг тавсиф қисмida:

маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритиш учун асос;

маъмурий хуқуқбузарлик содир этган шахслар ва улар томонидан содир этилган маъмурий хуқуқбузарликлар ҳақидаги маълумотлар;

ярашув тўғрисидаги аризанинг мазмуни ҳамда хуқуқбузарнинг аризага нисбатан муносабати кўрсатилади.

Қарорнинг қарор қисмida:

ишни судга юбориш ҳақидаги қарор;

ашёвий далиллар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Агар иш бўйича хуқуқбузар сифатида иштирок этиш учун бир неча шахс жалб қилинган бўлиб, уларнинг барчаси билан ярашувга эришилмаган бўлса, ярашувга эришилмаган хуқуқбузарларга тааллуқли материаллар ажратилади ва улар бўйича иш юритиш умумий қоидаларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади. Ушбу ҳолатлар профилактика инспекторлари томонидан ишни тарафларнинг ярашуви муносабати билан судга юбориш ҳақидаги қарорида кўрсатиши керак.

Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд мұхокамаси иш судга келган пайтдан эътиборан уч кундан кечиктиримай үтказилиши керак.

Суд мажлисида: хуқуқбузар, жабрланувчи, уларнинг қонуний вакиллари ва, агар ишда қатнашаётгандың бўлса, адвокат иштирок этади.

Ярашув ҳақидаги ишлар бўйича суд мұхокамаси жабрланувчининг ярашув ҳақидаги аризасини ўқиб эшиттириш билан бошланади.

Суд хуқуқбузарнинг ва жабрланувчининг содир этилган маъмурий хуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги сўзларини эшитади.

Суд:

ярашувнинг ихтиёрийлиги ва унинг сабабларини;
хукуқбузар ўз айбига ихтиёрий равишда иқрор бўлганлигини;
хукуқбузар ўзи содир этган қилмишнинг оқибатларини англағанлигини ва
етказилган зарарни бартараф этиш чораларини кўрган-кўрмаганлигини;
жабрланувчига ёки хукуқбузарга бирон-бир тазийқ бўлган-бўлмаганлигини;
етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ масалаларни;
хукуқбузарнинг, жабрланувчининг ва уларнинг қонуний вакилларининг
ярашувга розиликларини аниқлайди.

Шундан кейин, агар суд мажлисида иштирок этаётган бўлса, адвокатнинг
фикрини эшитади.

Агар суд мажлиси давомида ярашув, айбга иқрор бўлиш ихтиёрий эмаслиги,
зарарнинг ўрнини қоплашни рад этиш ҳоллари аниқлангудек бўлса, суд
тарафларнинг ярашуви муносабати билан ишни судга юбориш тўғрисидаги
қарорни бекор қиласди ва ишни умумий асосларда кўриб чиқади.

Бироқ, содир этилган қилмишда бошқа турдаги маъмурий хукуқбузарлик
ёки жиноят таркиби белгилари мавжуд бўлса, суд тарафларнинг ярашуви
муносабати билан ишни судга юбориш ҳақидаги қарорни бекор қиласди ва ишни
маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги баённомани расмийлаштирган ёки
маъмурий хукуқбузарлик ҳақидаги ишни қўзгатган органга умумий асосларда
кўриб чиқиш учун ёки терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки
терговни амалга ошириш учун юборади.

Суд муҳокамасининг натижалари бўйича суд қонунда белгиланган тартибда
қарор чиқаради.

Суд мажлиси вақтида МЖтКнинг [308-моддасида](#) назарда тутилган
қоидаларга биноан баённома юритилади.

Суд қарорининг кириш қисмида:

қарор чиқарилган вақт ва жой;

қарор чиқарган суднинг номи, судьянинг, суд мажлиси котибининг,
тарафларнинг, агар ишда иштирок этаётган бўлса, таржимоннинг исми, отасининг
исми ва фамилияси;

хукуқбузарнинг исми, отасининг исми ва фамилияси, туғилган йили, ойи,
куни ва жойи, яшаш жойи, иш жойи, машғулотининг тури, маълумоти ва иш учун
аҳамиятга молик бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Суд қарорининг тавсиф-асослаш қисмида ярашув учун асос бўлган ҳолатлар
баён этилади, МЖтКнинг [313⁴-моддасида](#) санаб ўтилган масалаларга жавоблар
ифодаланади.

Қарорнинг қарор қисмида суд қуидаги масалаларни ҳал этади:

маъмурий ҳукуқбузарлик ҳақидаги ишни тарафларнинг ярашуви муносабати билан ёки МЖтКнинг [310-моддасида](#) кўрсатилган бошқа асослар бўйича тугатиш ҳақидаги, маъмурий жазонинг қўлланилиши тўғрисида ёхуд уни маъмурий ҳукуқбузарлик ҳақидаги баённомани расмийлаштирган ёки маъмурий ҳукуқбузарлик тўғрисидаги ишни қўзғатган органга юбориш ҳақидаги;

ашёвий далиллар тўғрисидаги;

зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги.

Суднинг қарорига ҳукуқбузар, жабрланувчи, уларнинг қонуний вакиллари, адвокат томонидан шикоят берилиши ҳамда прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин.

3.6. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида иш юритиш

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахснинг реабилитация марказига жойлаштирилишини талаб қилувчи асослар аниқланган тақдирда, ички ишлар органи бундай шахс ички ишлар органига келтирилган пайтдан эътиборан 48 соат ичida уни реабилитация марказига ўттиз суткадан кўп бўлмаган муддатга жойлаштириш тўғрисида судга илтимоснома юбориш учун материалларни тайёрлаши шарт.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ва уни реабилитация марказига жойлаштириш зарурлигини тасдиқловчи материаллар муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахс аниқланган ердаги ёки реабилитация маркази жойлашган ердаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига ички ишлар органи томонидан берилади.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома судга ёзма шаклда берилади ва ички ишлар органининг раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

Илтимосномада қуидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) илтимоснома берилаётган суднинг номи;
- 2) ички ишлар органининг номи ва жойлашган ери (почта манзили);
- 3) муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;
- 4) илтимосномага асос бўлган ҳолатлар;
- 5) берилган илтимосноманинг асосларини тасдиқловчи далиллар;
- 6) муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимос, жойлаштириш муддатини кўрсатган ҳолда;

7) илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати.

Илтимосномада ички ишлар органининг телефон, факс рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши мумкин.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида ушбу моддада назарда тутилган талабларни бузган ҳолда берилган илтимоснома ички ишлар органига қайтарилади.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномага қўйидагилар илова қилинади:

1) муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни аниқлаган мансабдор шахснинг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида судга илтимоснома киритиш тўғрисида тегишли туман (шаҳар) ички ишлар органи бошлиғи томонидан тасдиқланган қарори;

2) яшаш манзиллари (манзиллар бўйича бюро) ҳақида маълумотлар берувчи органнинг маълумотномаси, шунингдек муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасидаги маълум бўлган охирги яшаш жойини текшириш натижалари тўғрисидаги маълумот;

3) муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахснинг тушунтириши ёки бундай шахс томонидан тушунтириш бериш рад этилганлиги тўғрисида тегишли тарзда тузилган далолатнома;

4) муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни тиббий кўриқдан ўтказиш натижалари тўғрисидаги тиббий маълумотнома;

5) муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахснинг хукуқлари, шу жумладан адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш хукуки ва ўз яқинларига телефон орқали қўнғироқ қилиш хукуки тушунтирилганлиги ҳақидаги баённома.

Илтимосномага билдирилган илтимосномани асословчи бошқа ҳужжатлар ҳам илова қилиниши мумкин.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома тақдим этилган пайтдан эътиборан 24 соат ичida судья томонидан ёпик суд мажлисида якка тартибда кўриб чиқилади.

Ўзига нисбатан реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома кўриб чиқилаётган шахс ва ички ишлар органининг вакили суд мажлисида иштирок этиши шарт. Суд мажлисида адвокат иштирок этиши мумкин.

Илтимосномани кўриб чиқиши ички ишлар органи вакилининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш зарурлиги ва жойлаштириш муддати асослаб бериладиган маърузаси билан бошланади. Сўнгра ўзига нисбатан илтимоснома кўриб чиқилаётган шахс, агар суд мажлисида иштирок этаётган бўлса, адвокат, судга келган бошқа шахслар эшитилади, тақдим этилган материаллар текширилади.

Қарор судья томонидан алохida хонада чиқарилади.

Илтимосномани күриб чиқиш натижалари бўйича суд қўйидаги қарорлардан бирини чиқаради:

илтимосномани қаноатлантириш ва муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида;

илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида.

Илтимосномани қаноатлантириш ва муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида ёки қаноатлантиришни рад этиш ҳақидағи қарор ўқиб эшиттирилган пайтдан эътиборан кучга киради ва дарҳол ижро этилиши лозим.

Қарор ижро этиш учун дарҳол ички ишлар органи вакилига, агар суд мажлисида иштирок этган бўлса, адвокатга ва ўзига нисбатан қарор чиқарилган шахсга топширилади.

Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш натижалари бўйича чиқарилган қарор устидан ушбу қарор чиқарилган кундан эътиборан уч кун ичида ўзига нисбатан қарор чиқарилган шахс, унинг қонуний вакили ва адвокат апелляция тартибида шикоят бериши, прокурор эса апелляция протести келтириши мумкин.

Апелляция инстанцияси судининг судьяси қарор устидан берилган шикоятни (протестни) у келиб тушган кундан эътиборан уч кун ичида якка тартибда кўриб чиқиб, унинг натижалари бўйича қўйидаги қарорлардан бирини чиқаради:

қарорни ўзгаришсиз, шикоятни (протестни) эса қаноатлантирмасдан қолдириш тўғрисида;

муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани қаноатлантириш ҳақидағи қарорни бекор қилиш ва шахсни реабилитация марказидан озод қилиш ҳақида;

илтимосномани қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидағи қарорни бекор қилиш ва муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида.

3.7. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор (ажрим) устидан шикоят бериш ва протест билдириш

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор устидан ўзига нисбатан қарор чиқарилган шахс, жабрланувчи, уларнинг қонуний вакиллари ва адвокат томонидан, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузган орган томонидан шикоят берилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор устидан юқори турувчи органга (mansabдор шахсга) ёки жиноят ишлари бўйича туман (шахар)

судига, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг қарори устидан эса апелляция инстанцияси судига шикоят берилиши мумкин. Шикоят маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор қабул қилган орган (мансабдор шахс) орқали ёки бевосита шикоят йўлланган судга юборилади.

Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан қарор чиқарган орган (мансабдор шахс) шикоятни олгач, уни уч сутка ичида иш билан бирга ушбу моддага мувофиқ шикоятни кўриб чиқиш хукуқига эга бўлган органга (мансабдор шахсга) юборади. Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят берган шахс давлат божи тўлашдан озод этилади.

Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шу қарорнинг нусхаси олинган кундан эътиборан ўн кун ичида шикоят берилиши мумкин, бундан суд қарори мустасно. Мазкур муддат узрли сабаблар билан ўтказилиб юборилган тақдирда, бу муддат шикоятни кўриб чиқишига ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан қайта тикланиши мумкин.

Белгиланган муддатда шикоят бериш маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорнинг ижросини шикоят кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб туради, маъмурий қамоқ жазоси қўлланиш тўғрисидаги қарор ва маъмурий хукуқбузарлик содир этилган жойда ундириб олинадиган жарима солиш ҳоллари бундан мустаснодир.

Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусидаги берилган шикоят ёки билдирилган протестни ваколатли органлар (мансабдор шахслар), шикоят ва протест тушган кундан бошлаб ўн кун муддат ичида кўриб чиқадилар. Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протестни кўриб чиқиш пайтида орган (мансабдор шахс) чиқарилган қарорнинг қонунийлиги, асослилиги ваadolатлилигини текширади.

Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарор устидан шикоят ёки протест жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади ва унинг натижаларига қўра, МЖтКнинг [321-моддасида](#) назарда тутилган қоидаларга биноан қабул қилинади.

Маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протестни кўриб чиқиш пайтида орган (мансабдор шахс) қўйидаги қарорлардан бирини қабул қиласди (МЖтК 321-модда):

- 1) чиқарилган қарорни ўзгаришсиз, шикоят ёки протестни эса қаноатлантиришсиз қолдиради;
- 2) чиқарилган қарорни бекор қиласди ва ишни қайта кўриб чиқиш учун юборади;
- 3) чиқарилган қарорни бекор қиласди ва ишни юритишни тўхтатади;

4) жазо чорасини кучайтирган ҳолда уни маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик тўғрисидаги норматив ҳужжатда назарда тутилган доирада ўзгартариади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорни бекор қилиш ёки ўзгартариш учун: орган (мансабдор шахс) томонидан ишни тўлиқ бўлмаган ҳолда ёки бир томонлама кўриб чиқилиши; орган (мансабдор шахс) ҳал қилув қарорининг ва МЖтК **Maxsus қисмининг** қўлланилган нормалари ва маъмурий жавобгарлик назарда тутилган бошқа норматив ҳужжатлар ишнинг фактик ҳолатларига мос келмаслиги; маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш қоидаларининг жиддий бузилиши; қўлланилган маъмурий жазонинг адолатсизлиги асос бўлиб ҳисобланади.

Мазкур ишни кўриб чиқишига ваколати бўлмаган орган (мансабдор шахс) томонидан чиқарилган қарор бекор қилинади, иш эса ваколатли органга (мансабдор шахсга) кўриб чиқиш учун юборилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор юзасидан берилган шикоят ёки билдирилган протест бўйича қабул қилинган қарорда:

у чиқарилган вақт ва жой;

шикоят ёки протестни кўриб чиқаётган мансабдор шахс;

прокурор ва бошқа иштирок этаётган шахслар;

шикоят берган шахс ёки протест билдирган прокурор;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича чиқарилгач шикоят берилган ёки протест билдирилган қарорнинг ҳамда шикоят, протестнинг моҳияти;

чиқарилаётган қарорни асосланиши;

шикоят ёки протест юзасидан қарор кўрсатилиши лозим.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протестга доир қарорнинг нусхаси ўзи ҳақида ана шу қарор чиқарилган шахсга уч кун муддат ичидан юборилади, жабрланувчига эса — унинг илтимосига биноан юборилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўришни тугатиш билан қарорни бекор қилиш ундириб олинган пул суммаларини, ҳақи тўлаб олиб қўйилган ва мусодара қилинган нарсаларни қайтариб беришга, шунингдек илгари қабул қилинган қарор билан боғлиқ бошқа чеклашларни бекор қилишга сабаб бўлади. Нарсани қайтариб бериш мумкин бўлмаган ҳолларда унинг қиймати, башарти бу нарсалар тадбиркорлик учун мўлжалланган бўлса, бой берилган фойдаси ҳам қопланади.

Фуқарони маъмурий қамоққа олиш ғайриқонуний равища қўлланилганлиги натижасида етказилган зарар қонунчиликда белгиланган тартибда қопланади.

Назорат учун савол ва топшириклар

1. *Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш вазифалари?*
2. *Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни истисно этувчи ҳолатлар?*
3. *Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва уни тузии тартиби?*
4. *Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чоралари деганда нимани тушунасиз ва уларнинг турлари?*
5. *Вояга етмаган ва маст ҳолдаги шахсларни маъмурий йўл билан ушлаб туришининг ўзига хос ҳусусиятлари?*
6. *Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишини юритишда қатнашувчи шахслар?*
7. *Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши тартиби?*
8. *Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иши юритши?*

IV боб. Профилактика инспекторлари томонидан кўриб чиқилиб маъмурий жазо қўлланиладиган ҳуқуқбузарликларнинг маъмурий ҳуқуқий тавсифи

4.1. Профилактика инспекторлари томонидан кўриб чиқилиб маъмурий жазо қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар

Ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика катта инспекторлари ва инспекторлари томонидан кўриб чиқилиб маъмурий жазо қўлланиладиган ҳуқуқбузарликларнинг рўйхати МЖтКнинг 248-моддаси 2-қисм 4-бандида белгиланган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

№	Модданинг рақами	Модданинг номи
1.	47-модда 1-қисми	Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик
2.	47 ³ -модда	Никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчиликни бузиш
3.	54-модда	Эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш
4.	56 ¹ -модда	Жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш
5.	110-модда 1-қисми	Ит ва мушук боқиши қоидаларини бузиш (фуқароларга нисбатан)
6.	111-модда 1-қисми	Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш
7.	113-модда 1,2,4,5-қисмлари	Темир йўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш
8.	114	Темир йўл транспорти воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш
9.	122-модда	Тамаки маҳсулотини транспортда белгиланмаган жойларда истеъмол қилиш
10.	123-модда	Транспорт воситаларидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш
11.	127-модда	Транспорт воситаларининг товуш чиқарувчи, ёритувчи ва бошқа қурилмаларидан фойдаланиш, уларни ўрнатиш қоидаларини бузиш (товуш сигналини сабабсиз беришга доир қисмida)
12.	128 ⁶ -модда	Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузиши
13.	147-модда 1-қисми	Йўлларга, йўл иншоотларига, йўл ҳаракатини тартибга солиб турувчи техник воситаларга шикаст етказиш, уларни сақлаш қоидаларини бузиш (автомобиль йўлларини ўзбошимчалик билан қазиши, уларда сунъий нотекисликлар ва тўсиқлар яратганлик, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларини бажармаганлик, шунингдек йўлларни сақлаш қоидаларини бузганлик учун)
14.	148-модда	Темир йўллар ва автомобиль йўллари учун ажратилган минтақаларни муҳофаза килиш қоидаларини бузиш (ажратилган минтақаларда ва ёточ кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёқсанлик, тахта тўшамали кўприкларда чекканлик учун)
15.	161-модда	Шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш (фуқароларга нисбатан)

16.	187-модда 1-қисми	Жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш
17.	188-модда	Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш
18.	188 ² -модда	Вояга етмаган шахснинг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўйиш
19.	192-модда	Маиший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш
20.	221-модда	Қуролни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) қоидаларини ёки унинг муомаласи соҳасидаги руҳсатномаларнинг амал қилиш муддатини узайтириш қоидаларини бузиш
21.	223-модда 1-қисми	Паспорт тизими қоидаларини бузиш
22.	223 ¹ -модда	Паспортдан ёки идентификацияловчи ID-картадан гайриқонуний равишида фойдаланиш
23.	223 ³ -модда	Паспортни ёки идентификацияловчи ID-картани қонунга хилоф равишида олиб қўйиш ёхуд паспортни ёки идентификацияловчи ID-картани гаровга олиш
24.	224-модда 1-қисми	Чегара зонасига, шунингдек фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларга кириш ҳамда уларда яшаш қоидаларини бузиш

Ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика катта инспекторлари ва инспекторлари МЖтКнинг 47⁶ (Болани чет давлат худудида назоратсиз қолдириш) ва 101-моддалари (Электр, иссиқлик энергияси, газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш)да (бундан Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги хузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясига тааллуқли ишлар мустасно) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома кўриб чиқиши учун ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга юборилади.

4.2. Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик (МЖтК 47-модда)

Ота-она ўз болаларини voyaga етгунларига қадар боқиши ва тарбиялашга мажбурдирлар. Чунки улар ўз болаларини тарбиялашда бошқа барча шахсларга нисбатан устунликка эга. Улар ўз болаларининг тарбияси ва камолоти учун жавобгардир. Хусусан, болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт.



Ушбу модда 4 қисмдан иборат, аммо, ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика катта инспекторлари ва инспекторлари ваколатига

фақатгина қуидаги биринчи қисмida кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тааллуклидир:

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. **Вояга етмаган** — ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс⁸.

Болаларни тарбиялаш Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий бурчидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасида Ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбур эканликлари мустаҳкамланган. Бу вазифани амалга ошириш учун ота-оналарга ота-оналий ҳуқуқлари, яъни ўз фарзандларини шахсан тарбиялаш ҳукуқи берилган. Ота-оналий ҳуқуқлари айни вақтда ота-оналарнинг болаларини тарбиялаш соҳасидаги вазифасини ҳам белгилаб берган.

Ушбу нормада ота-оналар ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг маъмурий жазоланадиган ҳуқуқбузарликларининг қуидаги турлари назарда тутилган:

юқоридаги шахсларнинг вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва ўқитиш соҳасидаги вазифаларини бажармаслиги;

ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг вояга етмаганларни тарбиялаш ва ўқитиш соҳасидаги вазифаларини бажармаслиги оқибатида вояга етмаганларнинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиши.

Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш вазифаларини бажармаслик деганда ҳаракатсизликнинг турли шаклларини, яъни ҳаракатсизлик натижасида вояга етмаганларни тарбиялаш ёки уларга таълим бериш тўғрисида етарли ғамхўрлик қилинмаётганлигини тушунмоқ керак. Ота-оналар ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг ўз вазифаларини бажаришдан бўйин товлаши шу нарсада ифодаланадики, улар болаларнинг маънавий тарбияси, жисмоний камолга этиши ва соғлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ўз вақтида умумий ўрта ёки касб-хунар таълими олишлари, муваффақиятли ўқишлиари тўғрисида зарур шарт-шароитлар яратиб бериш борасида ғамхўрлик қилмайдилар. Болалар тарбияси ота-оналарнинг турли ҳаракатларидан ташкил топади, улардан бири болаларнинг хулқ-атворини назорат қилиб боришдир. Шу сабабли, ота-оналар ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг болалар хулқ-атворига енгилтаклик ёки бефарқлик билан муносабатда бўлиши, улар хулқ-атворининг жамият ҳаёти нормаларига мувофиқ

⁸ <https://lex.uz/docs/1685726>

келишини етарли даражада кузатиб бормасликлари кўпинча болаларнинг ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келади. Болалар маъмурий ва бошқа хил ҳуқуқбузарлик содир этган тақдирда ота-оналарнинг тарбия соҳасидаги вазифаларини етарли даражада бажармасликлари уларни жавобгарлик субъекти бўлишларининг бош омили ҳисобланади. Барча ҳолларда ота-оналар ўз ҳаракатсизликлари учун жавобгардирлар, бу ҳаракатсизлик натижасида болаларнинг лозим даражада тарбияланмаслиги ёки таълим олмаслиги уларнинг ҳуқуқбузарликлар содир этишига сабаб бўлади. Ота-оналар ва улар ўрнини босувчи шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги (МЖтК 47-м.) мустақил асосга эга бўлиб, ўсмирларнинг ҳуқуқбузарлик қилишидан кейин эмас, балки у билан бирга содир бўлади (бунда вояга етмаганларнинг ўзига нисбатан ҳам қонунда кўзда тутилган чоралар қўлланилади).

Айбор болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш соҳасидаги вазифаларини қасдан бажармаган тақдирда жавобгарликка тортилади. Вазифаларни бажармасликнинг қасдан содир этилган ёки этилмаганлиги масаласи ҳар бир муайян ҳолда болаларни тарбиялаш ва уларга таълим беришнинг давомийлиги ва сабабларини, уларга ўз вақтида самарали таълим бериш учун шароитнинг йўқлиги, боланинг хулқ-атвори ва ўқиши устидан назоратнинг йўқлиги қанча давом этганлиги ва ишга доир бошқа барча ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда ҳал этилади. Ҳуқуқбузарликнинг қасдан содир этиладиган, хусусан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқий нормаларни такроран (бир неча марта) бузганлиги, бу ҳуқуқбузарликларнинг хусусияти, ота-оналар, турли органлар, болалар ишлар бўйича комиссиялар, ички ишлар органлари, мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари маъмурияти ва бошқаларнинг эътиборсизлиги, лоқайдлиги ҳамда ҳоказолардан далолат бериши мумкин. Юқоридаги модда бўйича фақат ота-оналар, яъни боланинг отаси ёки онаси эмас, балки вояга етмаганларни тарбиялаш соҳасидаги вазифаларни бажаришда уларга тенглаштирилган бошқа шахслар ҳам жавобгарликка тортилади. Яъни булар – болани асраб олган, унга нисбатан қонуний ота-оналари ўрнини босувчи шахслар, васийлар ва тарбиячилар бўлиши мумкин. Ота-оналий ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслар мазкур модда бўйича маъмурий жавобгарликка тортилмайди. Ота-оналар болаларни тегишли давлат муассасаларига (масалан, интернатларга) ёки айрим фуқароларга тарбиялаш учун беришга ҳақлидирлар, бироқ бундай ҳолда уларни тарбиялаш вазифаси ота-оналарда қолади ва улар тарбиянинг лозим даражада амалга оширилмагани учун жавобгар бўладилар.

Ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар болаларни вояга етгунча тарбиялайдилар. Бу ёшга етгандан кейин фуқаро тўлиқ вояга етган ҳисобланади ва ота-оналарнинг болани тарбиялаш соҳа-сидаги ҳуқуқий вазифасига эҳтиёж қолмайди. Шунга мувофиқ, мазкур ҳуқуқбузарликнинг таркиби фақат вояга

етмаганларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш соҳасидаги вазифаларни бажаришни камраб олади.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (МЖТК 47-м.) фақат айбли хулқ-атвордагина жавобгар бўлишлари мумкин. Шунинг учун, болаларни тарбиялаш соҳасидаги ота-оналий вазифаларини руҳий касаллик, ақлий заифлик ёки бошқа сурункали касаллик сабабли ва ўзларига боғлиқ бўлмаган бошқа сабабларга кўра бажармаган шахсларга жазо чораси қўлланилмайди.

4.3. Никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчиликни бузиш (47³-модда)

Никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (1-қисм).

Ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш, базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (2-қисм).



Никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (3-қисм).

Қонунчиликка мувофиқ, никоҳ ёши эркаклар ва аёллар учун 18 ёш этиб белгиланади.

Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда (ҳомиладорлик, бола туғилиши, вояга етмаган шахснинг тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши), никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра тегишли туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпич билан 1 йилга камайтириши мумкин.

МЖТКнинг ушбу моддаси уч қисмдан иборат бўлиб, уларнинг **бевосита обьекти** никоҳ ёши ва ундан келиб чиқувчи муносабатларни тартибга солувчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш; ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш; никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш каби ҳаракатлар маъмурий жавобгарликни келтириб чиқариб, бу ҳаракатлар ушбу хукуқбузарликнинг **объектив томони** ҳисобланади.

Объектив томоннинг қўшимча белгиларига тўхталадиган бўлсак, ушбу хукуқбузарлик бўйича никоҳ қурилган вақт, жой ёки усул квалификацияга таъсир қилмайди. Аммо, жазо қўлланилгандан сўнг бир йил давомида *такроран* содир

этилса у ҳолда тўпланган ҳужжатлар профилактика инспектори томонидан ЖК 125¹-модда (Никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчиликни бузиш)си бўйича кўриб чиқиш учун тергов органига топширилади.

Субъектив томондан қасдан содир этилади. Модданинг биринчи қисмида никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларга киришиш деганда, никоҳни қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилмаган ёки расмийлаштирилганда ҳолда эркак билан аёлнинг ягона оила иттифоқи сифтида биргалашиб яшашни бошлиши тушунилади. Таҳлил қилинаётган ҳукуқбузарлик бўйича қиз ёки йигитнинг биттаси никоҳ ёшига тўлмаганлиги жавобгарлик масаласини ҳал этиш учун етарли ҳисобланади. Агар йигит никоҳ ёшига тўлмаган ва аёл никоҳ ёшига тўлган бўлиб, улар бир бирининг ёшини аниқ билган ҳолда, никоҳ муносабатларга киришган бўлса, аёлни таҳлил қилинаётган норма бўйича маъмурий жавобгарликка тортиш масаласи кўрилиши керак. Никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ муносабатларига киришишнинг давомийлиги қилмишни ҳукуқбузарлик деб топишга таъсир кўрсатмайди. Бунда фақат айборнинг никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришилган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Субъект 18 ёшига тўлган ҳар қандай ақли расо шахс ҳисобланади.

4.4. Эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш (МЖтК 54-модда)

Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида ваколатли органнинг махсус талабларига зид равишда жамоат жойларида никобсиз бўлиш - базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (МЖтК 54-м. 1-қ.).



Ушбу ҳукуқбузарликнинг **объекти аҳоли соглиги** ҳисобланса, **объектив томони** карантин эълон қилинган вақтда ваколатли органнинг махсус талабларига зид равишда жамоат жойларида никобсиз бўлиш билан боғлиқ ҳаракатсизликда ифодаланади.

Субъектив томондан шахс ушбу ҳукуқбузарликни ваколатли органнинг махсус талабларига зид равишда **қасдан** содир этади. **Субъекти 16 ёшга тўлган,** ақли расо жисмоний шахс.

Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлишининг ёки тарқалишининг олдини олиш мақсадида белгиланган мажбурий

қоидаларни бузиш, шу жумладан карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида шифохонадаги ички тартибга риоя этмаслик, давлат санитария назорати органларининг тиббий текширувдан ўтиш ва даволаниш, карантинни ўташ учун белгиланган жойларга етиб бориш ва ушбу жойларни белгиланган муддат давомида тарк этмаслик, касаллик юқиши хавфи мавжуд бўлган даврда мулоқотда бўлинган шахслар ва борилган жойлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш тўғрисидаги ёки бошқа қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик, - фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари, мансабдор шахсларга эса - ўттиз баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади (МЖТК 54-м. 2-қ.).

Иккинчи қисмда келтирилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг **объекти** ҳам аҳоли соғлиги ҳисобланади. Аммо, объектив томони карантин қоидаларига амал қилмаслик билан боғлиқ барча турдаги (ниқобсиз юриш бундан мустасно) ҳаракатсизлик ва ҳаракатлар тушунилади. Ушбу ҳолатларда маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарувчи асослар карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлишининг ёки тарқалишининг олдини олиш мақсадида белгиланган мажбурий қоидаларни ҳисобланиб, мажбурий қоидаларга -

- карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида шифохонадаги ички тартибга риоя этмаслик;
- давлат санитария назорати органларининг тиббий текширувдан ўтиш ва даволаниш;
- карантинни ўташ учун белгиланган жойларга етиб бориш ва ушбу жойларни белгиланган муддат давомида тарк этмаслик;
- касаллик юқиши хавфи мавжуд бўлган даврда мулоқотда бўлинган шахслар ва борилган жойлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш тўғрисидаги ёки бошқа қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик киради.

Субъектив тонондан шахс ушбу ҳуқуқбузарликни белгиланган мажбурий талабларга зид равишда қасдан содир этади. **Субъекти** 16 ёшга тўлган, ақлирасо жисмоний шахслар ёки мансабдор шахслар ҳисобланади.

4.5. Жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш (56¹-модда)

Иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнгин чиқиши хавфи бўлган жойларда, шу жумладан, автомобилларга ёқилғи қувиши шохобчаларида ва бошқа жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш (бундан тамаки маҳсулотини



истеъмол қилиш учун маҳсус ажратилган жойлар ва (ёки) хоналар мустасно базавий ҳисоблаш микдорининг учдан бир қисми микдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Хуқуқбузарликнинг бевосита обьекти – иш жойлари, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнғин чиқиш хавфи бўлган жойларда, автомобилларга ёқилғи қуиши шохобчалари ва бошқа жамоат жойларидағи *аҳолининг соғлиги* ҳисобланади.



Объектив томони – тамаки маҳсулотларини чекиши мумкин бўлмаган жойлар, яъни жамоат жойларида белгиланган талабни бузган ҳолда тамаки маҳсулотларини чекищдан иборат *ҳаракатда* ифодаланади. Ушбу хуқуқбузарлик бўйича объектив томоннинг қўшимча белгиларидан *хуқуқбузарлик содир этилган жой* аҳамиятга эгадир. Зеро асосий шарт хуқуқбузарликнинг жамоат жойида содир этилишидир.

Хуқуқ нормаси диспозициясида тамаки маҳсулотларини чекиши мумкин бўлмаган қуидаги жойлар келтирилган:

- иш жойлари;
- соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасалари;
- ёнғин чиқиш хавфи бўлган жойлар;
- автомобилларга ёқилғи қуиши шохобчалари;
- бошқа жамоат жойлари.

Хўш тамаки маҳсулотларини чекиши мумкин бўлмаган бошқа жамоат жойларига қаерлар киради? Ушбу саволга жавобни Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 24 май кунидаги “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги ЎРҚ-844-сонли қонунидан топишимиз мумкин.

Ушбу қонуннинг 24-моддаси иккинчи қисми қуидаги таҳрирда баён этилади:

“Жамоат жойларида, шу жумладан қуидаги жойларда тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиши ва тамакини ҳамда никотинни истеъмол қилиши мосламаларидан фойдаланиш тақиқланади:

савдо ва хизмат кўрсатиш обьектларида, шу жумладан умумий овқатланиш корхоналарида;

кинотеатрларда, театрларда, циркларда, концерт, кўрик ва кўргазма залларида ҳамда оммавий дам олиш учун мўлжалланган бошқа ёпиқ иншиотларда;

клубларда, дискотекаларда, компьютер залларида, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар (бўш вақт ўтказиладиган) жойларда;

музейларда, ахборот-кутубхона муассасаларида ва маърузахоналарда;

маҳаллий ва узоққа қатнайдиган поездларда, дарё кемаларида, автобусларда, метрополитен вагонларида, таксида, шаҳар электр транспортида, ҳаво кемаларида, шунингдек жамоат транспортининг бошқа турларида;

ер ости ўтиш жойларида, метрополитен станцияларида, транспорт бекатларида ва автотранспорт воситалари вақтинчалик сақланадиган ёпик жойларда;

темир йўл вокзаллари, автовокзаллар, аэропортлар, дарё бандаргоҳлари, метрополитен станцияларига кириш жойидан камида беш метр масофада бўлган очик ҳаводаги жойларда;

ёнғин хавфи мавжуд бўлган жойларда, шу жумладан автомобилларга ёқилғи қуиши шохобчаларида;

аэропортларнинг, темир йўл ва автомобиль вокзалларининг, дарё бандаргоҳларининг биноларида;

корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва давлат органларининг биноларида, шу жумладан иш жойида, йўлакларда, лифтларда, зинапояларда, вестибюлларда, ҳожатхоналарда, дам олиш хоналарида, уларга туташ хоналарда ва ходим томонидан меҳнат фаолияти вақтида фойдаланиладиган шунга ўхшаш бошқа жойларда;

соғлиқни сақлаш тизими ташкилотларида, дорихоналарда, таълим ташкилотларида, маданият муассасаларида, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларида, санаторий муассасаларида ва тиббий-ижтимоий муассасаларда;

уй-жой хизматлари, меҳмонхона хизматлари, вақтинчалик жойлаштириш ва (ёки) вақтинчалик яшаб туришни таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатиш учун мўлжалланган хоналарда;

кўп квартирали уйларнинг йўлаклари ва лифтларида, шунингдек болалар ва спорт майдончаларида, шу жумладан уйларга туташган худудда жойлашган майдончаларда;

хиёбонларда, боғларда, пляжларда”.

Демак, юқоридаги жамоат жойларида тамаки маҳсулотини чекиш учун жавобгарлик муқаррар.

Ушбу хуқуқбузарликнинг субъекти – 16 ёшга тўлган, ақли расо ҳар қандай жисмоний шахс бўлиши мумкин.

Субъектив томони – асосан қасддан содир этилган маъмурий хуқуқбузарлик сифатида қаралади.

4.6. Ит ва мушук боқиши қоидаларини бузиш (МЖТК 110-модда)

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида ит ва мушук боқишининг қоидаларини бузиш, худди шунингдек мансабдор шахслар томонидан эгасиз ҳайвонларни туттириш чораларини кўрмаганлик - фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача, мансабдор шахсларга эса — иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.



Худди шундай хукуқбузарлик фуқароларнинг соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етишига олиб келса, - фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модда икки қисмдан иборат бўлиб, **профилактика инспекторларининг тўғридан-тўғри кўриб чиқиши ваколатига фақатгина биринчи қисмда** кўрсатиласкан хукуқбузарликнинг “*Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида ит ва мушук боқишининг қоидаларини бузиши*” қисми тааллуқлидир (МЖТК 248-м. 1-қ., 4-б.).

Хукуқбузарлик **бевосита объекти ветеринария ва санитария қоидалари** ҳисобланиб, муайян шахсни ушбу хукуқбузарлик бўйича жавобгарликка тортиш учун профилактика инспекторлари айнан *ит ва мушук боқиши қоидалари бузилганлигини аниқлашлари* шарт.

Муайян шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш учун ит ва мушукларни боқишининг қандай муайян қоидаси бузилганлигини аниқлаб олиш лозим. Бу қоидалар, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, кор-хоналар, муассасалар, ташкилотларга ҳам, шунингдек, ит ва мушук эгалари бўлган фуқароларга ҳам тааллуқлидир. Ушбу норма диспозицияси “бланкет диспозиция” ҳисобланиб уни қўллаш учун бошқа бир норматив-хужжатга, яъни Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 июлдаги “Қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 202-сонли қарори 4-иловаси билан тасдиқланган “Аҳоли пунктларида итлар ва мушукларни сақлаш” қоидаларига мурожжаат қилиш талаб қилинади.

Ит ва мушукни айрим хонадонда боқишига санитария-гиёна ва ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилиш шарти билан, бир неча оила яшайдиган хонадонларда эса, истиқомат қилувчи барча фуқаролар розилиги билан йўл қўйилади. Кўпчилик фойдаланадиган жойларда: турар жойларда (йўлаклар (зина хоналар), чордоқлар, ертўла (подвал), йўлаклар ва ҳоказоларда),

коммунал хонадонларда, шунингдек, балкон ва пешайвонларда, қабристонларда, дикқатга сазовор жойларда ит ва мушук боқиши ҳамда уларни сайр қилдиришга руҳсат этилмайди.

Қоидаларда янги олинган итларни зоти ва жинсидан қатъи назар, уч ойлик вақтидан бошлаб рўйхатдан ўтказиш назарда тутилган. Рўйхатдан ўтказиш бир ҳафта ичида амалга оширилиши лозим. Ҳар йили фуқароларнинг яшаш жойларидағи ветеринария муассасаларида ҳайвонларни қайта рўйхатдан ўтказиш белгиланган. Ветеринария муассасалари рўйхатдан ўтилгани ҳақида гувоҳнома ва рўйхат белгиси беради, шунингдек, итнинг эгасини уни боқиши қоидалари билан таништиради, бу рўйхатдан ўтиш гувоҳномасида қайд этилади. Рўйхат белгиси ит бўйинбоғига тақиб қўйилади. Ит ва мушук эгалари атрофдагиларнинг хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриши, ит ва мушукларнинг хонадонлар, подъезд (йўлак)лар, лифтлар, ертўла (подвал)лар ва кўп қаватли уйлардаги умумфойдаланадиган жойларни, ҳовлилар, йўлакларни ифлос қилишига йўл қўймаслиги, хоналар-да осойишталик бўлишини таъминлаши, ит ва мушукларнинг болалар майдончалари, дўконлар, ошхоналар, жамоат транспорти ва бошқа умумфойдаланадиган жойларда бўлишига йўл қўймаслиги шарт. Ит ва мушукларни маҳаллий ҳокимиятлар белгилаганидан ортиқ миқдорда боқишига йўл қўйилмайди.

Сайрга чиққанда ит эгалари уйлардан уларни қисқа тасмада ва тумшуқбоғда, бўйнида рақам белгиси билан (уч ойликкача бўлган кучуклардан ташқари) кўчага олиб чиқиши лозим. Итларни сайр қил-диришга фақат шу мақсад учун ажратилган майдончада руҳсат этилади. Агар майдонча атрофи ўраб олинган бўлса, у ҳолда итларни тасмасиз ва тумшуқбоғсиз сайр қилдиришга руҳсат этилади. Майдончалар бўлмаган тақдирда, ҳокимият белгилаган обод қилинмаган ва бошқа жойларда сайр қилдиришга руҳсат этилган. Итларни эрталаб соат 7.00 дан кеч соат 23.00 га қадар сайр қилдиришга руҳсат этилади.

Мазкур ҳукуқбузарлик фақат **қасдан** содир этилиши мумкин, чунки ит эгалари рўйхатдан ўтказиш вақтида итларни боқиши қоидалари билан таништирилган бўлади.

Мазкур модданинг *иккинчи қисми* такрорийлик ҳолатида ва башарти қоидани бузиш фуқароларнинг соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етишига олиб келган тақдирда қўлланилади. Бундай зарар кодекснинг 38-моддаси тартибида фақат ҳайвон эгаларидан ундириб олинади.

Ушбу модданинг биринчи қисмининг мансабдор шахслар томонидан эгасиз ҳайвонларни туттириш чораларини кўрмаганлик ҳукуқбузарлиги ва иккинчи қисмда белгиланган ҳукуқбузарлик **жиноят ишлари бўйича суд томонидан** кўриб чиқилади.

Хуқуқбузарлик субъектлари ит ва мушук эгалари бўлган ҳар қандай шахслар бўлиши мумкин.

4.7. Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш (МЖТК 111-модда)

Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш, яъни уларни ғаразли ёки бошқа паст ниятларда қийноққа солиш ёки уларга азоб бериш, — базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.



Худди шундай хуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса ёхуд ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган хуқуқбузарлик вояга етмаган шахс ҳозирлигида содир этилган бўлса ёки ҳайвонларнинг ўлимига ёхуд майиб бўлишига олиб келса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Ушбу модда икки қисмдан иборат бўлиб, **профилактика инспекторларининг тўғридан-тўғри қўриб чиқиш ваколатига фақатгина биринчи қисмда** кўрсатиласкан хуқуқбузарлик тааллуклидир.

Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш деганда мансабдор шахслар, фуқароларнинг чорва молларига, паррандаларга яшаш учун энг оз миқдордаги зарур шарт-шароитни яратиб бермаслиги, шунингдек, ёввойи ва яйловда боқиладиган моллар ҳамда паррандаларни соғломлаштириш ва озуқа билан таъминлаш ҳамда бошқа энг оз миқдордаги зарур нарсалар билан тегишли ёрдам кўрсатилмаганлигини тушуниш керак.

Хуқуқбузарликнинг **объекти** ҳайвонлар билан муомалага доир ижтимоий муносабатлар.

Хуқуқбузарликнинг **объектив томони** ҳайвонлар билан шафқатсизларча муносабатда бўлишдан иборат, аммо биринчи қисм бўйича хуқуқбузарлик уларнинг ўлимига ёки майиб бўлишига олиб келмаслиги лозим.

Хатти-харакат содир этилган пайтга келиб 16 ёшга етган фуқаролар, мансабдор шахслар мазкур хуқуқбузарликнинг **субъекти** ҳисобланади.

Субъектив томондан бу хуқуқбузарликлар қасдан қилиниши билан ажralиб туради.

Профилактика инспекторлари ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмида назарда тутилган хуқуқбузарликларнинг ўзаро фарқини тушуниб

олишлари лозим. Иккинчи қисмда назарда тутилган ҳуқуқбузарлик келиб чиқиши учун зарурий белгилар қуидагилардан иборат:

1. биринчи қисмда назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилгандан сўнг бир йил давомида такроран содир этилиши лозим;
2. биринчи қисмда назарда тутилган ҳуқуқбузарлик 18 ёшга тўлмаган шахс ҳозирлигига содир этилган бўлиши лозим;
3. биринчи қисмда назарда тутилган ҳуқуқбузарлик ҳайвонларнинг ўлимига ёхуд майиб бўлишига олиб келиши лозим.

Иккинчи қисмда назарда тутилган Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни Жиноят ишлари бўйича судлар кўриб чиқади (245-модда).

4.8. Темирйўл транспортида ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш (МЖтК 113-модда)

Темир йўл изларига поездлар қатновининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ашёларни қўйиш, шунингдек темир йўлни, ихота дараҳтларини ва қор тўсиш ғовларини ҳамда бошқа йўл объектларини, сигнал бериш ва алоқа иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш — базавий ҳисоблаш миқдорининг иккidan бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (1-к.).



Темир йўлдан от-арава ҳайдаб ўтиш ва чорва молларни ҳайдаб ўтиш, чорва молларни темир йўл яқинида боқиши қоидаларини бузиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг бешдан бир қисмидан иккidan бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (2-к.).

Темир йўл транспортига юк ортиш вақтида белгиланган габаритларга риоя қилмаслик — мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бешдан бир қисмидан иккidan бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (3-к.).

Темир йўлларни белгиланмаган жойлардан кесиб ўтиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирмадан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади (4-к.).



Транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан темир йўл изини белгиланмаган жойдан кесиб ўтиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг иккidan бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (5-к.).

Ушбу модданинг фақат **биринчи, иккинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларида** белгиланган маъмурий ҳуқуқбузарликлар профилактика инспекторлари томонидан кўриб чиқилиши мумкин. Учинчи қисм эса *темир йўл транспорти ва метрополитен органлари* томонидан кўриб чиқилади.

Темирйўл транспортида хавфсиз ишлаш мазкур хатти-ҳаракатнинг **объекти** хисобланади.

Мазкур моддада назарда тутилган хатти-ҳаракатнинг объектив томони ё муайян ҳаракатлар ёки темирйўл изларига поездлар қатновининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ашёларни қўйиш, шунингдек темирйўлни, ихота дaraohтларини ва қор тўсиш ғовларини ҳамда бошқа йўл объектларини, сигнал бериш ва алоқа иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш ҳаракатлари ушбу модданинг **1-қисмда** назарда тутилган хукуқбузарликнинг **объектив томонини** ташкил этади.

Булар темирйўл изи устига турли нарсаларни қўйишдан иборат бўлиб, улар поездлар ҳаракатининг бузилишини, поездларнинг шикастланишини, йўлларнинг шикаст топишини, ихота дaraohтларининг, қор тўсиш ғовларининг, шунингдек бошқа объектлар, сигнал бериш ва алоқа иншоотлари ҳамда қурилмаларининг шикастланишига сабаб бўлиши мумкин. Кўрсатиб ўтилган ҳаракатлар **эҳтиётсизлик** орқасида содир этлади.

МЖтКнинг 113-модда 2-қисм темир йўлдан отарава ҳайдаб ўтиш, чорва молларини ҳайдаб ўтиш, чорва молларини темирйўл яқинида боқиши қоидаларини бузиш ташкил этади. Кўрсатиб ўтилган ҳаракатлар фақат **қасдан** содир этилиши мумкин.

Кўриб чиқилаётган хатти-ҳаракатларнинг **субъектлари** 16 ёшга етган ҳар қандай фуқаро бўлиши мумкин.

113-модданинг 4-қисмидаги хукуқбузарликнинг яна бир таркиби – темирйўлларни белгиланмаган жойлардан кесиб ўтишдан иборат. Бу хатти-ҳаракатнинг **объектив томони** мана шу муайян ҳаракатда акс этган, **субъектив томондан** эса бу қасдан қилинган ҳаракатdir. Мазкур хатти-ҳаракат **субъектлари** 16 ёшга етган ҳар қандай фуқаро бўлиши мумкин.

Модданинг 5-қисмида транспорт воситалари ҳайдовчиларининг темирйўл изини белгиланмаган жойдан кесиб ўтиши учун жавобгарлик белгиланган.

Субъектив томони – ғаразли ният, **субъект** – транспорт воситасининг ҳайдовчиси.

Мазкур хатти-ҳаракатни ЖКнинг 260-моддасида назарда тутилган жиноятлардан фарқлаш керак. Бундай чегаралашни **объектив томон** бўйича ўтказиш лозим. Кўрсатиб ўтилган моддада назарда тутилган жиноятларнинг объектив томони фақат хукуққа зид ҳаракатларни ўз ичига олибина қолмай, шу билан бирга ўртacha ёки оғир тан жароҳати етказишни, шунингдек одамнинг қурбон бўлишини ҳам қамраб олади.

4.9. Темирийўл транспорти воситаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш (МЖтК 114-модда)

Зарурат бўлмай туриб, ўзбошимчалик билан поездни тўхтатиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (1-к.).



Юк поездларида ўзбошимчалик билан юриш, поезд юриб кетаётганда поездга чиқиш ва поезддан тушиш, вагонларнинг зинапояларида ва томларида кетиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг иккidan бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (2-к.).

Зарурат бўлмай туриб ўзбошимчалик билан поездни тўхтатиш ва юк поездларида ўзбошимчалик билан юриш, поезд юриб кетаётганда поездга чиқиш ва поезддан тушиш, вагонларнинг зинапояларида ва томларида кетиш харакатлари маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

Бу хатти-харакатнинг **объекти** темирийўл транспортининг нормал, хавфхатарсиз ишлашидир. Кўрсатиб ўтилган модданинг биринчи қисми поездларни (йўловчилар ёки юк поездларини) тўхтатиш билан боғлиқ бўлган қоидаларнинг бузилишини камраб олади.

Мазкур хатти-харакатнинг **объектив томони** кўрсатиб ўтилган харакатларни содир этиш фактининг ўзидир. У худди ана шу томони билан ЖҚда назарда тутилган жиноятнинг объектив томонидан фарқ қиласди. Бунда зарурат бўлмай туриб ўзбошимчалик билан поездни тўхтатиш вақтининг ўзи етарли бўлмайди, бу ерда мазкур тўхтатиш муайян ноқулай оқибатлар (поездлар нормал харакатининг бузилиши, одамлар ҳаётида бахтсиз ҳодисаларнинг содир бўлиши, ҳаракат таркибининг ҳалокати, шикастланиши ёки бошқа оғир оқибатлар) билан боғланади. Шуни назарда тутиш керакки, ўзбошимчалик билан тўхтатишни турли ҳаракатлар билан (стоп-кран билан, ҳаво тормоз магистралини тарқатиб юбориш ва бошқа шу каби йўллар билан) амалга ошириш мумкин ва бу ҳолат квалификация қилиш учун аҳамиятга эга эмас. Ножўя хатти-харакат таркиби мавжуд бўлиши учун поездни (йўловчи ташувчи ёки юк поездини) тўхтатиш ўзбошимчалик билан, яъни поезд бошлифи, кондуктор, машинист, бунга ваколатли бўлган темирийўл транспорти бошқа ходимининг руҳсатисиз содир этилган бўлиши керак. Поездни ўзбошимчалик билан тўхтатиш татбиқ этганда бу тўхтатиш заруратсиз, яъни бундай ҳаракатларни оқлайдиган етарли жиддий сабабсиз амалга оширилиши лозим.

Бу хатти-харакатнинг **субъекти** 16 ёшга етган ҳар қандай шахс, шунингдек, транспорт ходимлари (бунда мазкур ҳаракатни улар хизмат вазифасини бажармаётган вактда содир этадилар) ёки ҳар қандай бошқа шахс бўлиши мумкин.

Субъектив томондан мазкур хатти-ҳаракат ғаразли ният билан қилинади, яни айбор шахс поездни заруратсиз түхтатаётганини ва буни исташини англайди.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида юк поездларида ўзбошимчалик билан юриш, поезд юриб кетаётганида поездга чиқиб поезддан тушганлик, вагонларнинг зинапояларида ва томларида кетганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Хатти-ҳаракат **субъекти** 16 ёшга етган ҳар қандай шахс ўлиши мумкин.

Хатти-ҳаракатнинг **субъектив томони** түғридан түғри ғаразли ният билан боғлиқдир.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарлик профилактика инспекторларидан ташқари темирийўл транспорти ходимлари томонидан ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

4.10. Тамаки маҳсулотини транспортда белгиланмаган жойларда истеъмол қилиш (МЖтК 122-модда)

Маҳаллий ва узоқ масофага қатнайдиган поездларда, дарё кемаларида белгиланмаган жойларда, шаҳар атрофига қатнайдиган поездларнинг вагонларида (шу жумладан тамбурларида), шаҳар ичида, шаҳар атрофига, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда қатнайдиган автобусларда, шунингдек таксиларда, йўналишли таксиларда ҳамда шаҳар электр транспортида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш, — базавий ҳисоблаш миқдорининг учдан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади (1-к.).



Ҳаво кемаларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш, — базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади (2-к.).

Ушбу модда бўйича ҳуқуқбузарлик **объекти** фуқароларнинг соғлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Хатти-ҳаракатларнинг **объектив томони** маҳаллий ва узоқ масофага қатнайдиган поездларда, дарё кемаларида белгиланмаган жойларда, шаҳар атрофига қатнайдиган поездларнинг вагонларида (шу жумладан, тамбурларида), шаҳар ичида, шаҳар атрофига, шаҳарлараро ва халқаро йўналишларда қатнайдиган автобусларда, шунингдек таксиларда, йўналишли таксиларда ҳамда шаҳар электр транспортида тамаки маҳсулотини истеъмол қилишда ифодаланади. Булар шаҳар атрофига қатнайдиган поездларнинг вагонлари (шу жумладан, тамбурлар), метрополитен, маҳаллий ва



узоққа қатнайдиган поездларнинг вагонлари, шунингдек дарё транспорти кемаларининг чекиши учун белгиланмаган жойлариидир.

Демак, шахсий транспорт воситасида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш ушбу модда бўйича жавобгарликни келтириб чиқармайди!

16 ёшга етган фуқаролар кўриб чиқилаётган хукуқбузарликларнинг **субъекти** ҳисобланади. Ҳаво кемаларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш ушбу модданинг иккинчи қисми билан маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Тегишли транспортда хукуқбузарлик содир этилгани учун ишларни кўриб чиқишига ва улар юзасидан қарорлар қабул қилишга ички ишлар органлари, темирйўл транспорти органлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспексияси ва сув транспорти органлари, шаҳар ва шаҳарлараро йўловчилар ташийдиган автомобил транспорти ва электр транспорти органларининг мансабдор шахслари (248, 250, 251, 252, 254-моддалар) ҳақлидирлар.

4.11. Транспорт воситаларидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш (МЖтК 123-модда)

Поездларнинг вагонлари, автотранспорт воситалари ва шаҳар йўловчилар транспортидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш — базавий ҳисоблаш миқдорининг иккidan бир қисми миқдорида жарима солишига сабаб бўлади.

Тажовуз **объекти** атроф-мухит софлигини ва нормал санитария ҳолатини муҳофаза қилиш билан боғлиқ.



Объектив томон поездларнинг вагонлари, автотранспорт воситалари ва шаҳар йўловчилар транспортидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш билан ажралиб туради.

Субъектив томондан шарҳланаётган моддада санаб ўтилган қоидаларни Поездларнинг вагонлари, автотранспорт воситалари ва шаҳар йўловчилар транспортидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш ҳаракатлари қасддан ёхуд эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин. Ҳаракатларнинг оқибатларига келганда айбдорнинг муносабати ҳамиша айбнинг эҳтиётсизлик билан содир этилган шакли билан ажралиб туради.

Ушбу модда белгиларига тўғри келадиган хатти-ҳаракатларнинг **субъектлари** фуқаролар ҳисобланади.

Тегишли транспортда хукуқбузарлик содир этилгани учун ишларни кўриб чиқишига ва улар юзасидан қарорлар қабул қилишга Ички ишлар органлари, темирйўл транспорти органлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг

Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспексияси ва сув транспорти органлари, шаҳар ва шаҳарлараро йўловчилар ташийдиган автомобил транспорти ва электр транспорти органларининг мансабдор шахслари (248, 250, 251, 252, 254-моддалар) ҳақлидир.

4.12. Транспорт воситаларининг товуш чиқарувчи, ёритувчи ва бошқа қурилмаларидан фойдаланиш, уларни ўрнатиш қоидаларини бузиш (МЖТК 127-модда)



Товуш сигналини сабабсиз бериш, транспорт воситаларига уни ишлаб чиқарган корхона назарда тутмаган товуш чиқарувчи ва ёритувчи қурилмаларни ўрнатиш, худди шунингдек уларни ўзгартириб ўрнатиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади (1-к.).

Тегишли руҳсат олмай туриб транспорт воситаларига товуш чиқарувчи ва ёритувчи маҳсус қурилмаларни ўрнатиш, худди шунингдек давлат рақам белгиларини кўриш имкониятини чеклайдиган, уларни англашга тўсқинлик қиласиган турли ашёлар ўрнатиш ва қоплама суртиш — ана шу қурилмаларни мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (2-к.).

МЖТКнинг 248-моддаси 2-қисми 4-бандига асосан профилактика инспекторларининг ваколатига фақатгина ушбу модданинг 1-қисмидаги “Товуш сигналини сабабсиз бериш”га доир қисмидаги ҳуқуқбузарлик киради. Йўл-патрул хизмати ходимлари ваколатига эса 1-қисм тўлалигича берилган. Модданинг иккинчи қисми суд томонидан кўриб чиқилади.

Мазкур моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг **объекти** йўл ҳаракати хавфсизлигидир. Модда биринчи қисмининг **объектив томонини** товуш сигналини сабабсиз бериш, транспорт воситаларига уни ишлаб чиқарган корхона назарда тутмаган товуш чиқарувчи ва ёритувчи қурилмаларни ўрнатиш, худди шунингдек уларни ўзгартариб ўрнатишдан иборат.

Тегишли руҳсат олмай туриб транспорт воситаларига товуш чиқарувчи ва ёритувчи маҳсус қурилмаларни ўрнатиш, худди шунингдек давлат рақам белгиларини кўриш имкониятини чеклайдиган, уларни англашга тўсқинлик қиласиган турли ашёлар ўрнатиш ва қоплама суртиш ҳаракатлари ушбу модданинг иккинчи қисмининг объектив томонини ташкил этади.

Субъектив томондан ҳайдовчиларнинг товуш ёки ёритиш қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиши қасдан қилинган айб ҳисобланади.

Йўл ҳаракати қоидаларининг 48-бандига мувофиқ: “Товушли ишоралар фақат қуидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

- аҳоли пунктларидан ташқарида бошқа ҳайдовчиларни қувиб ўтиш хақида огоҳлантириш учун;

- зарур бўлган ҳолларда йўл-транспорт ҳодисасининг олдини олиш учун”.

Кўриб чиқилаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик **субъектлари** фақат транспорт воситаларининг ҳайдовчиси ёки мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

4.13. Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузиш (МЖтК 128⁶-модда)

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузиши, — базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик **объекти** йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳисобланади. Мазкур модда йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равиша бузганлик учун ҳайдовчиларнинг жавобгарлигини белгилайди.

Аҳоли пунктларида йўлларнинг чап томонида тўхташ ва тўхтаб туришга ҳар йўналишда биттадан ҳаракатланиш бўлаги бўлган, ўртада трамвай изи бўлмаган йўлларда ва бир томонлама ҳаракатли йўлларда руҳсат этилади. Руҳсат этилган тўла вазни 3,5 тоннадан кўп бўлган юк автомобиллари бир томонлама ҳаракатли йўлларнинг чап томонида фақат юк ортиш ва тушириш учун тўхташлари мумкин. Транспорт воситаларини йўлнинг қатнов қисмида бир қатор қилиб, кажаваси бўлмаган икки ғилдиракли транспорт воситаларини икки қатор қилиб қўйишга руҳсат этилади. Қатнов қисмининг айрим кенгайтирилган жойларида бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига халақит бермаслик шарти билан транспорт воситаларини бошқача тартибда қўйишга ҳам руҳсат этилади. Қатнов қисмига чегарадош тротуар четида фақат енгил автомобиллар, мотоцикллар, мопедлар ва велосипедларга тўхтаб туришга 5.15 йўл белгиси билан бирга 7.6.2, 7.6.3, 7.6.6 – 7.6.9 қўшимча ахборот белгиларидан бири ўрнатилган жойларда руҳсат этилади. Аҳоли пунктларидан ташқарида тунаб қолиш, дам олиш ёки бошқа мақсадларда узоқ вақт тўхтаб туришга фақат бунинг учун кўзда тутилган майдончаларда ёки йўлдан ташқарида руҳсат этилади.

Қуидаги жой ва ҳолатларда тўхташ тақиқланади:

трамвай йўлларида, шунингдек бевосита уларга яқинроқда трамвайлар ҳаракатланишига халақит берадиган бўлса;

туннелларда, темирйўл кесишишмаларида;

бир йўналишда ҳаракатланиш учун учтадан кам бўлаги бўлган қўприк, йўл ўтказгич ва эстакада ҳамда уларнинг остида (тегишли йўл белгилари билан тўхтаб туриш руҳсат берилган йўл қисмлари бундан мустасно);

тўхтаган транспорт воситаси билан сидирға чизик (қатнов қисмининг четини белгиловчи чизикдан ташқари), ажратувчи бўлак ёки қатнов қисмининг қарама-қарши чети орасидаги масофа 3 метрдан кам бўлган жойларда;

пиёдалар ўтиш жойларида ва улардан олдин 5 метрдан кам масофа қолганда;

қатнов қисмининг хавфли бурилишларида;

лоақал бир йўналишдаги кўриниш масофаси 100 метрдан кам бўлган йўл дўнгликлари яқинида;

қатнов қисми кесишималарида ва кесишаётган қатнов қисми четига 5 метрдан кам масофа қолганда (уч томонлама кесишималарда (чорраҳаларда) ёндан туташган йўлнинг сидирға чизик ёки ажратувчи бўлак билан ажратилган қарама-қарши томони бундан мустасно);

бекат майдончаларида, йўналишли транспорт воситалари тўхташ жойларида, жумладан, 1.17 чизиги билан белгиланган, улар бўлмаганда эса йўналишли транспорт воситалари тўхташ жойи белгилари ва бекатдан ҳаракатланиш йўналиши бўйлаб (етмасдан ва ўтиб кетиб) 15 метрдан кам масофада (йўналишли транспорт воситалари ҳаракатига халақит бермаса, йўловчиларни чиқариш ёки тушириш учун тўхташ бундан мустасно);

транспорт воситаси светофор ишоралари, йўл белгиларини бошқа ҳайдовчилардан тўсиб қўядиган, бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатланишига (кириш ва чиқишига) имкон қолдирмайдиган ёки пиёдаларнинг ҳаракатига халақит берадиган жойларда.

Тўхтаб туриш тақиқланади: тўхташ тақиқланган жойларда;

аҳоли яшаш жойларидан ташқарида 2.1 йўл белгиси билан белгиланган йўлларнинг қатнов қисмида;

темирийўл кесишималарига 50 метрдан кам масофада;


Тўхташ тақиқланган жойларда мажбурий тўхтаган ҳайдовчи транспорт воситасини бу жойдан олиб кетишининг барча чораларини кўриши керак. Агар бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатига халақит берадиган бўлса ёки хавф туғдирса, транспорт воситасининг эшикларини очиш тақиқланади. Транспорт воситасининг ўз-ўзидан ҳаракатланиб кетишини ёки ўзи йўқлигига ундан фойдаланиши истисно қиласидиган зарур эҳтиёт чораларини кўргандан кейингина ҳайдовчи ўз жойини ташлаб кетиши ёки транспорт воситасини қолдириши мумкин.

Субъектив томондан кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик қасдан қилинган айб билан боғлиқ бўлади. Айбдор ўзининг йўл ҳаракати қоидаларини бузишни содир этаётгани ҳуқуққа зид эканлигини ҳис қиласи, бу қоидабузарлик натижасида йўл ҳаракати хавфсизлиги таҳдид остида қолишини олдиндан кўра билади ва бу таҳдидни истайди ёхуд онгли равища бунга йўл қўяди.

Содир этилган ушбу ҳуқуқбузарликларнинг субъекти фақат давлат корхоналари, муассасалари, ҳарбий ёки жамоат ташкилотларига қарашли транспорт воситаларининг ҳайдовчилариғина эмас, шунингдек шахсий транспорт ҳайдовчилари ҳамdir.


Мазкур моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ички ишлар органлари (милиция)нинг мансабдор шахслари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги органлари ва болалар масалалари бўйича туман (шаҳар) комиссиялар томонидан кўриб чиқилади (247, 248, 256-моддалар).



Транспорт воситаларига унг томондаги йўл ёкасида, у бўлмаганда эса катнов қисмининг четида тўхташ ва тўхтаб туришга руҳсат берилади (145-расм «А» ва 146-расм «Б» расмлар).



(Факат тўхташ ва тўхтаб туришни ман этувчи белги бўлмаган холларда).


Аҳоли яшайдиган жойларда йўлнинг чап томонида тўхташ ва тўхтаб туришга хар бир йуналишда камида биттадан ҳаракатланиш бўллаги бўлган ва уртада трамвай изи бўлмаган хамда ҳаракат фа кат бир томонлама бўлган йўлларда руҳсат берилади (147-расм, «В», «Г»). Тула вазни 3,5 тоннадан куп бўлган юк автомобилларига ҳаракат бир томонлама бўлган холларда йўлларнинг (148-расм, «Д») чап томонида тўхтаб, юкни тушириш ва ортишга руҳсат этилади (149-расм).





Транспорт воситаларини катнов қисмининг чеккаси буйлаб бир катор (151-расм), тиркamasи бўлмаган икки ғилдиракли транспорт воситаларини эса икки катор килиб Қўйишга руҳсат берилади.

Йўлнинг катнов қисми кенгайган жойларда бошка йўл ҳаракати катнашчиларига ҳалақит бермаслик шарти билан транспорт воситаларини бошка тартибда хам Қўйишга руҳсат этилади (151-расм, «E»).




Пиёдаларга ҳалақит бермасдан, йўлнинг катнов қисми тротуар билан чегараланган жойда енгил автомобиллар, мотоциклар. Мопедлар ва велосипедлар тўхтаб туришига руҳсат берилади (154-расм).





Аҳоли яшамайдиган жойларда тунаб колиш, дам олиш ёки бошка максадларда тўхтаб туриш учун факат шунга мулжалланган майдончаларда ёки йўлдан ташқари жойларда руҳсат берилади (152-расм).

Күйидаги жойларда тұхтаб туриш тақиқланади:

- трамвай йүлларида ёки трамвай ҳаракатланадиган йүлларида ёки трамвай ҳаракатланишига ҳалақит берадиган йүлгә яқын жойда (153-расм);
- темир йўл кесишималарида (153-расм);



-тунелларда (156-расм);




-эстакадаларда (осма кўприк устида (157-расм);

-кўприклар устида (3 тадан кам бўлмаган бўлаклари («Ж») бор йўлларда);


-эстакадалар остида (158-расм);

-тўхтаган автомобил билан сидирга чизик орасидаги масофа 3 метрдан кам бўлган жойларда (факат катнов қисмининг чегараси белгиланган чизикдан ташқари) (159-расм);




-пиёдалар кесиб ўтадиган йўлакларнинг четида ёки у йўлка 5 метрдан камрок масофа қолганда (160-расм);

-бурилиш хавфли бўлган жойда ёки йўлнинг катнов бўлаги кескин бурилиб, унинг кўриниши 100 метрдан кам бўлган жойда (161-расм);




-чорраҳада ёки унга 5 метр қолганда (162 «З»-расм).







Кесишишмага уланган йўлнинг унг бўлагида («И» 164-расм) тўхташ мумкин. Факат кесишиш масининг ён томонидаги катнов йўл («К») сидирга чизик билан белгиланган ёки иккига ажратилган бўлса («Л») унг томонида тўхташ мумкин (164, 165-расмлар);




-бекатларда, бекатлар олди ва орқасида масофа 15 метрдан кам бўлса (166-расм);



-светофор ишораларини транспорт тўсиб турган ҳолда ёки бошка транспорт тўсиб турган ҳолда ёки бошка транспорт воситалари ҳаракатланишига ҳалақит бериладиган жойларда (166, 167, 168-расмлар).





Қуидаги холларда тұхтаб туриш тақиқланади;



-тұхташ ва тұхтаб туришни тақиқловчи йүл белгилари ва чизиқлари таъсирлари доирасыда;

-аҳоли яшамайдыган жойларда 2.1 белги йүлнинг ҳаракатланиш томонида урнатылған бўлса (169-расм);

-темир йўл кесиши масига 50 метрдан яқинрок бўлган жойларда (170-расм);

-тұхтаб туриш мумкин бўлмаган жойларда тұхташга тўғри келса, иложи борича автомобилни ҳаракат йўқ жойга олиб қўйиш керак (171-расм).

Транспорт воситасини тулик учирган ва эшикларини беркитган ҳолдагина колдириш мумкин (172-расм).



4.14. Йўлларга, йўл иншоотларига, йўл ҳаракатини тартибга солиб турувчи техник воситаларга шикаст етказиш, уларни сақлаш қоидаларини бузиш (МЖтК 147-модда)

Йўлларга, темир йўлдан ўтиш жойларига, йўл ҳаракатини тартибга солувчи бошқа иншоотлар ёки техник воситаларга шикаст етказиш, шунингдек йўл ҳаракатига қасдан, шу жумладан йўл қопламасини ифлослантириш йўли билан халал бериш, худди шунингдек автомобиль йўлларини ўзбошимчалик билан қазиш, уларда сунъий нотекисликлар ва тўсиқлар яратиш, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган руҳсатнома талабларини бажармаслик, шунингдек йўлларни сақлаш қоидаларини бузиш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида, мансабдор шахсларга эса — ўн баравари миқдорида жарима солишига сабаб бўлади (1-к.).



Йўл белгиларини ўрнатиш, йўлларни, темир йўлдан ўтиш жойлари ва бошқа йўл иншоотларини ҳаракат учун хавфсиз ҳолда сақлаш қоидаларини бузиш ёки йўлнинг айrim қисмларидан фойдаланиш ҳаракат хавфсизлигига таҳдид этадиган пайтда уларда ҳаракатни ўз вақтида тақиқлаш ёки чеклаш чораларини кўрмаслик — мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш баравари миқдорида жарима солишига сабаб бўлади (2-к.).

МЖтКнинг 248-моддаси 2-қисми 4-бандига асосан профилактика инспекторларининг ваколатига фақатгина ушбу модданинг 1-қисмидаги “автомобиль йўлларини ўзбошимчалик билан қазиш, уларда сунъий нотекисликлар ва тўсиқлар яратиш, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган руҳсатнома талабларини бажармаслик, шунингдек йўлларни сақлаш қоидаларини бузиш”га доир қисмидаги ҳукуқбузарлик киради. Йўл-патрул хизмати ходимлари ваколатига эса 1-қисм тўлалигича берилган.

Автомобил йўллари ўз таркибига кирадиган барча иншоотлари (кўприклар, қувурлар, кечув жойлари, линия-фойдаланиш хизмати бинолари ва автотранспорт иншоотлари, яшил дараҳтлар, қордан ҳимояланиш ва йўл тўсиқлари, мустаҳкамловчи қурилмалар, йўл белгилари ва кўрсаткичлари) билан давлат мулки ҳисобланади. Йўл ҳаракатининг хавфсизлиги ва узлюксизлиги ана шу иншоотларнинг яхши ҳолатда бўлишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам бу барча обьектларга зарар етказишга йўл қўйиб бўлмайди. Кодекснинг ушбу моддасида санаб ўтилган ҳукуқбузарликлар мол-мulkка тажовуз қиласи ва булар учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Объектив томондан қараб чиқилаётган ҳуқуқбузарликлар ҳаракат ёки ҳаракатсизликни ташкил этиб, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар йўлларга, темирийўлдан ўтиш жойларига, йўл ҳаракатини тартибга солиб турувчи бошқа иншоотлар ёки техник воситаларга шикаст етказиш, шунингдек йўл ҳаракатига қасдан халал бериш, шу жумладан йўл қопламасини ифлослантириш йўли билан халал бериш ҳаракатидир.

Халал етказиш турлича бўлиши мумкин ва у кодекснинг, 147-моддаси бўйича ҳуқуқбузарликларни баҳолаш учун аҳамиятга эга эмас (транспорт воситаларини, бошқа ашёларни йўлнинг қатнаш қисмида қолдириш ва ҳоказо). Конун чиқарувчи йўл ҳаракати хавфсизлигига халал бериши мумкин бўлган йўл қопламасини ифлослантиришни алоҳида ажратиб кўрсатади.

Бунда агар ҳуқуққа зид ҳаракат билан шикастланиш ўртасидаги сабабий боғланиш аниқланган бўлса, жавобгарлик келиб чиқади.

Субъектив томондан йўлларнинг, темирийўлнинг ўтиш жойи ва бошқа йўл иншоотларининг шикастланиши ҳам қасдан, ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин. Ҳаракат учун халал бериш факат қасдан қилинган ҳаракат бўлиши мумкин.

Ҳуқуқбузарликнинг **субъектлари** фуқаролар ёки мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

Мазкур моддасининг 2-қисмида назарда тутилган Маъмурий ҳуқуқбузарликлар объектив томони йўл белгиларини ўрнатиш, йўлларни, темирийўлдан ўтиш жойлари ва бошқа йўл иншоотларини ҳаракат учун хавфсиз ҳолда сақлаш қоидаларини бузиш ёки йўлнинг айrim қисмларидан фойдаланиш ҳаракат хавфсизлигига таҳдид этадиган пайтда уларда ҳаракатни ўз вақтида тақиқлаш ёки чеклаш чораларини кўрмасликдир.

Бу ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган бўлиши мумкин. Бу ҳаракатларнинг субъектлари йўлларнинг, темирийўлларнинг кесиб ўтиш жойлари ва бошқа иншоотларнинг ахволи учун жавобгар бўлган мансабдор шахслар ҳисобланади.

4.15. Темирийўллар ва автомобиль йўллари учун ажратилган минтақаларни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш (МЖТК 148-модда)

Темир йўллар ва автомобиль йўллари учун ажратилган минтақаларда темир йўл органлари ва йўл органлари билан келишмай туриб ерни ҳайдаш, ўт ўриш, дараҳт кесиш ва уларга шикаст етказиш, чимларни олиб ташлаш ва тупроқ олиш, канализация, саноат, мелиорация сувларини ва оқова сувларни сув қочириш иншоотларига ва резервларига оқизиш,



шунингдек ажратилган миңтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёкиш, ёғоч кўприклар ва тахта тўшамали кўприкларда чекиш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг тўртдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

МЖТКнинг 248-моддаси 2-қисми 4-бандига асосан профилактика инспекторларининг ваколатига фақатгина ушбу модда диспозициясининг “ажратилган миңтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёкиш, ёғоч кўприклар ва тахта тўшамали кўприкларда чекиш”га доир қисмидаги ҳукуқбузарлик киради.

МЖТКнинг 148-моддасида назарда тутилган ҳукуқбузарликнинг **объекти** бу темирийўлларнинг ва автомобил йўлларининг ажратилган миңтақасидан фойдаланишининг белгиланган тартибидан иборат бўлиб, унга риоя қилиш йўл харакати хавфсизлигини таъминлашга ёрдам беради.

Объектив томондан ушбу ҳукуқбузарлик темирийўллар ва автомобил йўллари учун ажратилган миңтақаларда темирийўл органлари ва йўл органлари билан келишмай туриб ерни ҳайдаш, ўт ўриш, дараҳт кесиш ва уларга шикаст етказиш, чимларни олиб ташлаш ва тупроқ олиш, канализация, саноат, мелиорация сувларини ва оқова сувларни сув қочириш иншоотларига ва резервларига оқизиш, шунингдек ажратилган миңтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёкиш, ёғоч кўприклар ва тахта тўшамали кўприкларда чекиш темирийўллар ва автомобил йўллари учун ажратилган миңтақаларда темирийўл органлари ва йўл органлари билан келишмай туриб ерни ҳайдаш, ўт ўриш, дараҳт кесиш ва уларга шикаст етказиш, чимларни олиб ташлаш ва тупроқ олиш, канализация, саноат, мелиорация сувларини ва оқова сувларни сув қочириш иншоотларига ва резервларига оқизиш, шунингдек ажратилган миңтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёкиш, ёғоч кўприклар ва тахта тўшамали кўприкларда чекиш ҳаракатларидан ташкил топган.

Айб ғаразли ният ёки эҳтиётсизлик тарзида ифодаланади.

Бу ҳукуқбузарликларнинг **субъектлари** фуқаролар ёки мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

4.16. Шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш (МЖТК 161-модда)

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг худудларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш, шунингдек тозалик ва санитария тартибини таъминлаш қоидаларига риоя қилмаслик — фуқароларга базавий



ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Профилактика инспекторлари ушбу моддани фақатгина *фуқароларга* тегишли қисмини қўллаш ваколатига эга.

Ушбу кодекс 161-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликнинг **объекти** шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг худудларини ободонлаштириш қоидалари ҳисобланади. Ушбу моддадаги маъмурий ҳуқуқбузарлик **объектив томондан** шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг худудларини ободонлаштириш қоидаларини бузишда ифодаланади. Яъни шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг худудларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш, шунингдек тозалик ва санитария тартибини таъминлаш қоидаларига риоя қилмаслиkdir.

Ушбу моддадаги маъмурий ҳуқуқбузарликнинг **субъекти** фуқаролар ва мансабдор шахслар ҳисобланади.

Ушбу моддадаги маъмурий ҳуқуқбузарлик **субъектив томондан** қасдан ва эҳтиётсизлик орқасидан содир этилиши мумкин.

4.17. Жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш (МЖТК 187-модда)

Иш жойларида, кўчаларда, стадионларда, хиёбонларда, истироҳат боғларида, жамоат транспортининг барча турларида ва бошқа жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилиш, бундан тўйлар, юбилейлар ҳамда бошқа тантаналар ва маросимлар ўтказиладиган жойлар, шунингдек алкоголь маҳсулотини қуийб реализация қилишга руҳсат этилган савдо ва умумий овқатланиш объектлари мустасно, — базавий ҳисоблаш миқдорининг иккidan бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади (1-қ.).



Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг иккidan бир қисмидан икки бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш сутқагача муддатга маъмурий қамоқقا олишга сабаб бўлади (2-қ.).

Профилактика инспекторлари ваколатига фақатгина биринчи қисмда келтирилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тегишилдири (248-м. 2-қ., 4-б.). Иккинчи қисм эса жиноят ишлари бўйича судлар вакотида.

Алкоголь маҳсулотлари — озиқ-овқат хом ашёсидан олинган этил спиртидан ва (ёки) таркибида спирт бўлган озиқ-овқат маҳсулотидан фойдаланган

ёки фойдаланмаган ҳолда ишлаб чиқарилган, таркибида этил спиртининг ҳажмий улуши **бир ярим фоиздан** юкори бўлган озиқ-овқат маҳсулоти⁹.

Ушбу ҳуқуқбукзарликнинг **объекти** жамоат тартиби ҳисобланади. **Объектив томондан** ушбу ҳаракатлар иш жойларида, кўчаларда, стадионларда, хиёбонларда, истироҳат боғларида, жамоат транспортининг барча турларида ва бошқа жамоат жойларида алкогол маҳсулотини истеъмол қилиш, бундан тўйлар, юбилейлар ҳамда бошқа тантаналар ва маросимлар ўтказиладиган жойларда содир этилган ҳаракатлар мустасно. Бунда алкогол маҳсулотини қуйиб реализация қилишга рухсат этилган савдо ва умумий овқатланиш объектлари мустаснодир. Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилиши ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатларни келтириб чикаради. Жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш ахлоқ қоидаларига зид бўлиб, безорилик қилиш, ҳақоратлаш учун шароит яратади. Ҳуқуқбузарлик спиртли ичимликлар ёки уларнинг бир қисми ичиб бўлингандан эмас, балки ичимлик истеъмол қилишга тайёрланган пайтда (масалан, спиртли ичимлик стаканларга қўйилганда) тугалланган ҳисобланади.

Ушбу ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарликка тортиш учун жамоат жойларида (спиртли ичимликларни қуйиб сотишга ижозат берилган савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан ташқари) спиртли ичимлик ичиш фактининг ўзи кифоя қиласи, бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатни амалга ошириш талаб этилмайди.

Агар жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш пайтида беадаб сўкинишлар, ҳақоратлар, шилқимлик содир қилинса ва жамоат тартибини, фуқаролар осойишталигини бузадиган бошқа хатти-ҳаракатлар амалга оширилса, ҳуқуқбузар кодекснинг 183-моддаси бўйича майда безорилик учун ҳам маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Спиртли ичимликлар ичиш тақиқланган бошқа жамоат жойлари тоифасига йўлаклар, лифт майдончалари, ҳовлилар, тураржой лифтлари, томоша муассасалари (кинотеатр, театр, маданият саройлари), сув бўйидаги чўмилиш жойлари ҳам киради. Одатда жамоат жойлари ҳисобланмайдиган, аммо у ерда фуқаролар дам оладиган пайтдаги масканлар, фуқаролар борган пайтдаги дам олиш масканлари, дарё, кўл, ҳовуз бўйлари, ўтлоқлар ва шу кабилар ҳам мазкур ҳисобга киради.

16 ёшга тўлган шахслар ҳуқуқбузарлик **субъектлари** бўлиши мумкин.

Жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш **субъектив томондан** айборнинг қасдан қилган хатти-ҳаракати сифатида тавсифланади.

⁹ Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 24 май кунидаги “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги ЎРҚ-844-сонли қонуни - <https://lex.uz/docs/6472100>

4.18. Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш (МЖТК 188-модда)

Вояга етмаган шахсни спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига, иродасига таъсир қиладиган моддалар ёки воситаларни истеъмол этишга жалб қилиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.



Жамоат тартиби, вояга етаётган авлоднинг саломатлиги ва ахлоқий тарбияси ушбу ҳуқуқбузарлик **объекти** ҳисобланади.

Вояга етмаган шахсни спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига, иродасига таъсир қиладиган моддалар ёки воситаларни истеъмол қилишга жалб қилиш ушбу ҳуқуқбузарликнинг **объектив томонини** ташкил этади.

Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатга эргаштирадиган ҳар қандай усул ва восита ҳуқуқбузарлик таркибига киради. 188-модда бўйича жавобгарликка тортиш учун вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатга жалб этишнинг ўзи кифоя қиласи.

Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг **объектив томони** вояга етмаган шахснинг ғайриижтимоий хатти-ҳаракатга якка тартибда жалб этишни кўзда тўтади. Шахс маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ушбу ҳуқуқбузарликни содир этса жавобгарлик ЖКнинг 127-моддаси бўйича тавсифланади.

Жалб қилиш деганда, вояга етган шахснинг вояга етмаган шахсни маълум бир ҳаракатларни бажаришга кўндиришга қаратилган ҳаракатлари тушунилади. Жалб қилиш пул бериш, алдаш, жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатиш ва бошқа ҳаракатлар орқали амалга оширилиши мумкин.

Ваъда бериш айбор шахснинг вояга етмаган шахсга нисбатан бирор-бир мажбуриятни олишини, яъни унинг манфаатлари йўлида маълум бир ҳаракатни амалга ошириши ёки амалга оширишдан ўзини тийишини айтишида ифодаланади (масалан, вояга етмаган шахсни бошқалардан ҳимоя қилишга, моддий ёрдам беришга, ўқишга киритишга ваъда бериш).

Алдаш вояга етмаган шахсни бирор-бир маълумот ёки воқеани чалғитиб кўрсатиш орқали амалга оширилади.

Жисмоний зўрлик ишлатиш вояга етмаган шахсни унинг иродасини синдириб, маълум бир ҳаракатларни амалга оширишга мажбуrlаш мақсадида дўппослаш, турли даражадаги тан жароҳатлари етказиш ёки бошқача тарзда жисмоний азоб бериш (боғлаш, қўлинни қайириш ва бошқ.) билан ифодаланади. Агар вояга етмаган шахста нисбатан қўлланилган жисмоний зўрлик (жалб қилиш усули сифатида) ЖК махсус қисмида назарда тутилган алоҳида жиноят таркибини ташкил қилса, содир этилган қилмиш етказилган тан жароҳатининг даражасига мувофиқ ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноятлар жами сифатида квалификация қилиниши лозим (масалан, 127 ва 105-моддалар билан).

Руҳий зўрлик ишлатиш ғайриижтимоий ҳаракатларга жалб қилиш усули сифатида вояга етмаган шахснинг маълум ҳаракатларни амалга оширишни рад этганда унга нисбатан жисмоний зўрлик (дўппослаш, қийнаш ва бошқ.) ишлатиш, мулкий зарар етказиш, уни шарманда қилувчи маълумотларни тарқатиш, дўстликни тугатиш ва бошқаларни айтишда ифодаланади. Кўрқитиш турли усуллар орқали амалга оширилиши мумкин ҳамда айтилган қўрқитиш алоҳида жиноят (масалан, ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш) таркибини ташкил этса, жалб қилувчи шахснинг ҳаракатлари жиноятлар жами тариқасида (масалан, ЖКнинг 112 ва 127-моддалари билан) квалификация қилиниши лозим. Бунда вояга етмаган шахс қўрқитишни жиддий қабул қилиб, унда қўрқитишнинг амалга оширилишидан қўрқиши учун реал асос мавжуд бўлган бўлиши лозим.

Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий ҳаракатларга жалб қилишнинг бошқача усуллари деганда, таклиф қилиш, сўраш, кўндириш, пул билан ўзига оғдириш, шунингдек унга “катталар иши”ни қилолмаслигини ёки атрофдагилар олдида унинг обрўйи ошишини айтиш орқали унда спиртли ичимликларни истеъмол қилишга қизиқиши уйғотиш ва бошқалар тушунилади. Вояга етмаган шахснинг ота-онаси ва 18 ёшга етган бошқа шахслар (васий, ҳомий), вояга етмаганнинг танишлари, дўстлари ҳуқуқбузарликнинг **субъекти** бўлишлари мумкин.

Хуқуқбузарлик **субъектив томондан** бевосита қасдан қилинади.

4.19. Вояга етмаган шахснинг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўйиш (МЖтК 188²-модда)

Ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналар ёки бошқа кўнгил очиш (дам олиш) жойларининг раҳбарлари ёхуд бошқа масъул шахслари томонидан вояга етмаган шахснинг тунги вақтда ота-онасидан



бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз кўрсатилган муассасаларда бўлишига йўл қўйиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу хукуқбузарликнинг **объекти** жамоат тартибига тажовуз қилувчи ижтимоий муносабатлардир. Бу хукуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, бунинг натижасида нафақат жамоат тартибига балки вояга етмаганларнинг ахлоқ ва юриш-туриш қоидаларига салбий таъсир кўрсатади.

Объектив томондан хукуқбузарлик ресторонлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналар ёки бошқа кўнгил очиш (дам олиш) жойларининг раҳбарлари ёхуд бошқа масъул шахслар томонидан вояга етмаган шахснинг тунги вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз кўрсатилган муассасаларда бўлишига йўл қўйиш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2010-йил 29-сентябрда қабул қилинган “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Конунда ушбу хукуқбузарликларнинг олдини олиш масалалари назарда тутилган. Жумладан, Конунинг 7-моддасида “Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар болаларини таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажара бориб, уларнинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиги муҳофаза қилинишини, назоратсизлиги ва хукуқбузарликларининг профилактикасини таъминлаш мақсадида:

таълим муассасаларида ўқиётган вояга етмаганларнинг ўқиш вақтида ресторонлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойларда бўлишига йўл қўймаслик, бундан мазкур муассасаларда таълим фаолияти ёки таълим муассасаси томонидан ўтказиладиган тадбир доирасида бўлиши мустасно;

вояга етмаганларнинг спиртли ичимликлар, гиёхвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишига, чекишига йўл қўймаслик;

вояга етмаганларнинг хукуқбузарликлар ёки бошқа гайриижтимоий хатти-харакатлар содир этишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради.

Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларнинг ресторонлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойларда тунги вақтда улардан бирининг кузатувисиз бўлишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради”.

Субъектив томондан ушбу ҳуқуқбузарлик түгри қасдан содир этилади.

Субъекти 16 ёшга түлгән ақли расо ҳар қандай шахс ҳисобланади.

4.20. Мαιший шовқинга қарши кураш талабарини бузиш (МЖтК 192-модда)

Тунги вақтда — соат 23.00 дан 06.00 гача — фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузиш, яъни баланд овоз билан қўшиқ айтиш, мусиқа чалиш, товуш сигналлари бериш, хонадонларда, тураг жойларнинг йўлаклари ва эшикларида, кўчаларда овози баланд қилиб қўйилган телевизорлар, радиоприёмниклар, магнитофонлар ва овоз чиқарувчи бошқа аппаратуралардан фойдаланиш, тураг жой биноларида ва улардан ташқарида жуда зарур бўлмагани ҳолда шовқин чиқарувчи ишлар қилиш, шунингдек майший шовқинга қарши кураш талабарини бузувчи бошқа ҳаракатларни содир этиш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг учдан бир қисми, мансабдор шахсларга эса — учдан бир қисми дан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (1-қ.).



Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисми миқдорида, мансабдор шахсларга эса — иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (2-қ.).

Модданинг ҳар иккала қисми ҳам профилактика инспекторларининг ваколатига берилган.



Жамоат тартиби, фуқароларнинг осойишталиги, дам олиши ушбу ҳуқуқбузарлик **объекти** ҳисобланади.

Фуқароларнинг осойишталиги аниқ бир шарт-шароит билан боғлиқ ҳолда бошқа пайтларда ҳам бузилиши мумкин. Масалан, соғломлаштиришдаволаш муассасалари доирасида осойишталик «уйку соатлари»да ҳам, кутубхоналарнинг ўқиш залларида сутканинг бошқа вақтларида ҳам бузилиши мумкин.

Бу ҳуқуқбузарликнинг **объектив томони** фуқароларнинг меъёрида яшаш шароити ва осойишталигига заарар келтиришда ифодаланади.

Ушбу ҳуқуқбузарлик тунги вақтда — соат 23.00 дан 06.00 гача фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузиш, яъни баланд овоз

билин қўшиқ айтиш, мусиқа чалиш, товуш сигналлари бериш, хонадонларда, турар жойларнинг йўлаклари ва эшикларида, кўчаларда овози баланд қилиб қўйилган телевизорлар, радиоприёмниклар, магнитофонлар ва овоз чиқарувчи бошқа аппаратуралардан фойдаланиш, турар жой биноларида ва улардан ташқарида жуда зарур бўлмагани ҳолда шовқин чиқарувчи ишлар қилиш, шунингдек майший шовқинга қарши кураш талабларини бузувчи бошқа ҳаракатларни содир этиш билан ифодаланади.

Айбдор ўзининг жамият манфаатларига қарши хулқ атвори билан юзлаб одамларнинг осойишталиги ва дам олишига зарар етказади. Шу билан бирга, у фуқаролар осойишталигини бузишни мақсад қилиб қўймайди. 192-модданинг 2-қисми маъмурий жазо қўлланилгандан кейин бир йил давомида яна худди шундай ҳуқуқбузарликка нисбатан жавобгарликни кўзда тўтади.

Майший шовқинга қарши кураш талабларини бузиш ҳолатлари “Турар жой биноларида, жамоат бинолари ва уй-жой қурилиши худудларида рухсат этиладиган шовқин меъёрларидан ошмаслигини таъминлашга қўйиладиган санитария қоидалари ва нормалари” билан тартибга солинади. 16 ёшга тўлган шахслар билан мансабдор шахслар ҳуқуқбузарликнинг **субъектлари** бўлиши мумкин.

Қасдан ҳаракат қилиш ҳуқуқбузарликнинг **субъектив томонидир**. Шахс амалга оширилган ҳуқуқбузарликка бефарқ қарайди ёки етарли даражада эҳтиёткорлик қилмаганлиги оқибатида бунга йўл қўяди.

4.21. Ўқотар қуролларни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) муддатларини ёки уларни ҳисобдан ўтказиб қўйиш қоидаларини бузиш (МЖтК 221-модда)

Фуқаровий, хизмат қуролини, мукофот тарзида берилган, коллекциялаш, қўргазмага қўйиш учун мўлжалланган қуролни ва унинг ўқдориларини ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) қоидаларини, шунингдек ички ишлар органларининг қуролни сақлашга ва олиб юришга, сақлашга, коллекциялашга ёки қўргазмага қўйишга доир рухсатномаларининг амал қилиш муддатларини узайтириш қоидаларини бузиш, — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўндан бир қисмидан иккidan бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.



Ўқотар қуролларни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) юзасидан белгиланган муддатларни ёки истиқомат жойи ўзгарган тақдирда бундай

қуролларни ички ишлар органларида ҳисобдан ўтказдириб қўйиш қоидаларини бузиш ушбу модда бўйича жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Ушбу хукуқбузарликнинг **субъекти** – 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

Ушбу хукуқбузарликнинг **субъектив томони** қасддан ёки эҳтиётсизлик оқибатида содир этилади.

Ушбу хукуқбузарликнинг **объекти** жамоат тартибига тажовуз қилиш. Ушбу хукуқбузарликнинг **объектив томони** ўқотар қуролларни рўйхатдан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) муддатларини ёки уларни ҳисобдан ўтказдириб қўйиш қоидаларини бузишда ифодаланади.

Ўқотар қуролни ишлатиш учун овчилик жамиятига аъзо бўлиш талаб этилади. Овчилик жамиятига аъзо бўлиш учун йиллик давлат бож ставкаларида белгиланган миқдорда бож тўланади.

4.22. Паспорт тизими қоидаларини бузиш (МЖтК 223-модда)

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорtsиз ёки идентификацияловчи ID-картасиз ёхуд ҳақиқий бўлмаган паспорт ёки идентификацияловчи ID-карта билан, доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтмасдан яшashi, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспортини ёки идентификацияловчи ID-картасини, хорижга чиқиш учун биометрик паспортини қасддан яроқсизлантириши ёки уни эҳтиёт қилиб сақламаганлиги оқибатида йўқотиб қўйиши, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжатини қасддан яроқсизлантириши ёки уни эҳтиёт қилиб сақламаганлиги оқибатида йўқотиб қўйиши, Ўзбекистон Республикаси худудида доимий яшовчи чет эл фуқаросининг ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳақиқий бўлмаган идентификацияловчи ID-картаси (Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси) билан, доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтмасдан яшashi, идентификацияловчи ID-картасини (Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасини) қасддан яроқсизлантириши ёки уни эҳтиёт қилиб сақламаганлиги оқибатида йўқотиб қўйиши, — базавий ҳисоблаш миқдорининг иккidan бир қисмидан уч бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади (1-қ.).

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган айни бир хукуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади (2-қ.).

Паспорт тизими қоидаларига риоя этиш учун масъул бўлган шахслар томонидан шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларсиз яшашига йўл қўйилиши, худди шунингдек фуқаролар томонидан ўз турар жойларида

шахсларнинг шахсини тасдиқловчи хужжатларсиз, доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтмасдан яшашига йўл кўйилиши, — базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади (3-қ.).

Худди шундай хуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади (4-қ.).

Ўн саккиз ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ўн олти ёшга тўлиши муносабати билан идентификацияловчи ID-картасини ўз вақтида олмаганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилмайди (5-қ.).

Ўн саккиз ёшгача бўлган, Ўзбекистон Республикасида доимий яшаётган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс ўн олти ёшга тўлиши муносабати билан идентификацияловчи ID-картасини ўз вақтида олмаганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилмайди (6-қ.).

Профилактика инспекторлари ваколатига ушбу модданинг биринчи қисмида келтирилган хуқуқбузарлик тегишлидир.



Ушбу хуқуқбузарликнинг **субъекти** 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

Ушбу хуқуқбузарликнинг **субъектив томони** хуқуқбузарликни қасдан ёки эҳтиётсизликдан содир этиш.

Ушбу хуқуқбузарликнинг **объекти** жамоат тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар.

Ушбу хуқуқбузарликнинг **объектив томони** паспорти бўлиши шарт бўлган фуқаронинг паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан, вақтинча ёки доимий рўйхатдан ўтмасдан ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмасдан яшashi, паспортни қасдан яроқизлантириши, шунингдек паспортни бепарволик билан саклаши ва бунинг оқибатида паспортнинг йўқолишида ифодаланади.

4.23. Паспортдан ғайриқонуний фойдаланиш (МЖТК 223¹-модда)



Шахслар томонидан йўқолганлиги тўғрисида ариза берилган ўз паспортларидан ёки идентификацияловчи ID-карталаридан, шунингдек бошқа шахсларга тегишли бўлган паспортлардан ёки идентификацияловчи ID-карталардан ғаразли мақсадларда фойдаланиш, — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу хукуқбузарликнинг **субъекти** 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

Ушбу хукуқбузарликнинг **субъектив томони** қасдан содир этилади. Ушбу хукуқбузарликнинг **объекти** жамоат тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар.

Ушбу хукуқбузарликнинг **объектив томони** фуқароларнинг йўқолганлиги тўғрисида ўзлари ариза берган ўз паспортларидан, шунингдек бошқа фуқароларга тегишли бўлган паспортлардан ғаразли мақсадлар (гаровга қўйиш, кредит олиш, шахсий маълумотларидан фойдаланиш)да фойдаланиши билан ифодаланади.

4.24. Фуқаролардан паспортларини қонунга хилоф равища олиб қўйиш ёки паспортларни гаровга олиш (МЖтК 223³-модда)



Паспортни ёки идентификацияловчи ID-картани шахслардан қонунга хилоф равища олиб қўйиш ёхуд паспортни ёки идентификацияловчи ID-картани гаровга олиш, — мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу хукуқбузарликнинг **объекти** бошқарув тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар.

Ушбу хукуқбузарликнинг **объектив томони** ҳам ҳаракат, ҳам ҳаракатсизлик шаклида ифодаланади. Ушбу хукуқбузарликнинг **субъекти** фуқаролар ва мансабдор шахслардир. Ушбу хукуқбузарликнинг **субъектив томони** қасдан қилиш ёки эҳтиётсизликда содир этилади.

4.25. Чегара зонасига, шунингдек фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларга кириш ҳамда уларда яшаш қоидаларини бузиш (МЖтК 224-модда)

Чегара зонасига, шунингдек фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларга кириш ҳамда уларда яшаш қоидаларини бузиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.



Чегара зонасига, шунингдек фуқароларнинг кириши ва бўлишига вақтинча чеклов белгиланган жойларга киришга ҳамда уларда яшашга оид қоидаларни бузган фуқароларнинг бундай жойларда яшашига йўл қўйиш — фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор

шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Профилактика инспекторлари ваколатига ушбу модданинг биринчи қисмида келтирилган ҳукуқбузарлик тегишилдири. Ушбу модда тўлалигича эса Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари томонидан ёки туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманлар ички ишлар бўлимларининг (бошқармаларининг) бошлиқлари ёки бошлиқ ўринбосарлари, шунингдек транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаларининг (бўлимларининг) бошлиқлари томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

Ҳукуқбузарликка хос бу тарзнинг хусусияти унинг чегара минтақасида содир бўлишидир.

Номи келтирилган фаолият учун жавобгарликни ўрнатиш фақат фуқароларни рўйхатга олиш, яشاши ва кўчишининг белгиланган тартибини ҳимоя қилишгина эмас, балки давлат чегараларини қўриқлаш соҳасида республика манфаатини ҳимоялаш, давлатга хиёнат, жосуслик, контрабанда, қонунга зид равишда хорижга бориш ва Ўзбекистон Республикасига ўтиш каби жиноятларга қарши курашда ҳамкорлик қилиш мақсадини кўзлайди.

Чегара зонаси одатда давлат чегарасига туташиб кетган туман, шаҳар, шаҳарча ёки қишлоқ ҳалқ депутатлари кенгашлари ҳудуди доирасида ўрнатилади. Чегара минтақасининг кенглиги қуруқликда ёки чегара дарёси (кўл) қирғоғидан ўтган чегара чизигидан 2 километрдан ошмаслиги лозим. Унинг доирасига чегара қўшинлари томонидан кўшимча чеклаш киритилади.

Муқим яшовчиси бўлмаган шахсга чегара зонасига кириш учун руҳсатнома яшаш жойидаги ички ишлар органлари томонидан белгиланган тартибда берилади. Чегара зонасига, минтақасига кириш ва унда яшашга фақат чегара қўшинлари руҳсати билан йўл қўйилади.

Чегара зонасига ёки чегара минтақасига кириш қоидасини бузиш руҳсатсиз ёки муддати ўтган руҳсатнома билан ёки кўрсатилган муддатдан аввал, шунингдек бегоналарнинг, соҳта ёки ноқонуний олинган руҳсатномаси билан у ерга боришини билдиради. Номлари келтирилган қоидаларни бузиш бу ерда муқим яшайдиганларга ҳам, вақтинча истиқомат қилувчиларга ҳам тааллуқлидир. Биринчи ҳолда бу истиқомат қилишнинг маҳсус тартиби (масалан, турар жой ўзгарганлиги ҳақида хабар бермаслик) бузилишида, иккинчи ҳолда эса руҳсатномада кўрсатилган муддат тамом бўлганидан кейин яшаш ёки зонага қонуний равишда кирилган-у, лекин руҳсатномада кўрсатилмаган жойга жўнаган ва ҳоказоларда ифодаланади. Бундай барча бузилишлар паспорт қоидасини бузишнинг маҳсус кўринишлари ҳисобланади. Чегара зонасида жойлашган аҳоли яшаш масканларида қайд этиш ва паспортни рўйхатдан ўтказиш умумий тартибда

ўтказилади, аммо паспортдан ёки паспорт ўрнида бўлган ҳужжатдан ташқари бу зонага кириш рухсатномаси ҳам кўрсатилиши лозим.

Чегара зонасига ноқонуний кириш қилмишнинг **объектив томони** ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликнинг **субъектив томони** бевосита қасд этиш билан ифодаланади. 16 ёшга тўлган фуқаро **субъект бўлиши мумкин**.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. *Профилактика инспекторлари томонидан кўриб чиқилиб маъмурий жазо қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар?*
 2. *Болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик ҳуқуқбузарлигининг ўзига хос ҳусусиятлари?*
 3. *Ўзбекистон Республикасида никоҳ тузии тартиби?*
 4. *Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 24 май кунидаги “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинини чеклаш тўғрисида”ги ЎРҚ-844-сонли қонунининг мазмун ва моҳияти?*
 5. *“Аҳоли пунктларида итлар ва мушукларни сақлаш” қоидаларига нималар киради?*
 6. *Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда қатнашувчи шахслар?*
 7. *Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИОФМБ ҲПБ профилактика инспектори томонидан “Арсенал” тадбiri бўйича ўзининг маъмурий ҳудудида яшовчи ҳаваскор овчи сифатида рўйхатдан ўтган фуқаро К.Ахмедовнинг ТОЗ-34 русумли ов қуролининг сақлаши ҳолати текширилганда қуроли уйининг деворда осиғлиқ ҳолда сақлаётганлиги маълум бўлди.*
- Ушибу ҳолатга юридик баҳо беринг ва таҳлил қилинг. Мазкур ҳолат бўйича маъмурий процессуал ҳужжатларнинг рўйхатини тузинг.
8. *202__й «__» ____ куни Тошкент шаҳар М.Улугбек тумани Қорасу 4 даҳасида жойлашган Автобуслар тўхташ шох бекатида 1985 й.т. фуқаро А.А.Олтиев “Палмал” номли сигарета тамаки маҳсулотини чекиши белгиланмаган жойида истеъмол қилаётган вақтида профилактика инспектори томонидан аниқланди.*

Профилактика инспектори томонидан мазкур ҳолат бўйича амалга ошириладиган маъмурий процессуал ҳаракатлар ҳамда маъмурий процессуал ҳужжатларнинг рўйхатини ишлаб чиқинг.

В боб. Айрим турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг маъмурий ҳуқуқий тавсифи

5.1. Туҳмат (МЖтК 40-модда)

Туҳмат маъмурий ҳуқуқбузарлик бўлиб, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига тажовуз қилишдан иборатdir, буларни ҳимоя қилиш ҳуқуки Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида мустаҳкамланган.

Туҳмат – яъни била туриб ёлғон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатиш.

Туҳмат ҳуқуқбузарлигининг юридик таҳлили:

Туҳмат ҳуқуқбузарлиги объекти – фуқароларнинг шаъни ва қадр қимматини ҳимоя қилувчи ижтимоий муносабатлар.

Объектив томондан туҳмат ҳаракат билан, уюдирмалар тарқатишида, яъни гўё рўй берган маълумотлар, уйдирма фактларни камидан битта шахсга маълум қилишда ифодаланади. Уйдирмалар оғзаки, ёзма ёки бошқа шаклда тарқатилиши мумкин. Уйдирмалар тарқатилгани далиллар билан исботланган бўлиши лозим. Била туриб ёлғон гапириш шундан иборатки, тегишли маълумотларни тарқатувчи шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келмаслигини билади. Маълумотларнинг ёлғонлигини англаб етмаслик (масалан, маълумотларнинг расмий шахсдан олиниши, хужжатлар билан танишиш) жавобгарликни истисно қиласди. Ҳақиқатда содир бўлмаган фактларнинг маълум қилиниши, лекин уларнинг мазмунига нотўғри баҳо берилиши туҳмат ҳисобланмайди (масалан, агар техник-слесар ҳақиқатан ҳам ноҳақ йигимлар билан шуғулланадиган бўлса, унинг аҳолидан пора олиш ҳақидаги хабар). Тегишли маълумотларни тарқатувчи шахснинг мазкур маълумотлар тўғри бўлиши мумкин, деб тахмин қилиши туҳмат учун маъмурий жавобгарликни истисно қиласди. Бошқа шахсларни шарманда қилса ҳам, лекин ҳақиқатга тўғри келадиган маълумотларни тарқатиш туҳмат таркибини ҳосил қиласди. Бошқа шахсни шарманда қилувчи маълумотларни тарқатиш уйдирма ҳисобланадими деган масала ахлоқ ва маънавийлик нормалари асосида ҳал этилади. «Бошқа шахсни шарманда қилувчи уйдирмалар» жумласига қонун, ахлоқ ва маънавийлик нормаларига риоя қилиш нуқтаи назаридан фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини жамоатчилик фикрида ёки айрим фуқаролар фикрида ерга урувчи уйдирмаларни ҳам киритиш мумкин.



Бугунги кунда ижтимоий тармоқларда электрон қурилмалар орқали уйдирмалар тарқатилиши тез-тез учраб туради. Бунда туҳматнинг ижтимоий ҳавфлилиги кескин юқори бўлади. Шу сабабли, шахсга нисбатан оммавий

ахборот воситалар ёки ижтимоий тармоқлар орқали тухмат қилинганда, яъни уйдирмалар тарқатилинганида айбдор **Жиноят кодекси** (ЖК 139-м. 2-к.) билан жавобгарликка тортилади.

Шунингдек, айбдор тухмат маъмурий жавобгарлигини маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил ичида такрор содир этилиши ҳам Жиноят кодекси билан 139-моддаси 1- қисми билан жавобгарликка тортиш учун сабаб бўлади.

Бир йил ичида такрор содир этишда жабрланувчининг айнан аввалги шахс бўлиши талаб этилмайди.


Субъектив томони – қасдан содир этиладиган ҳуқуқбузарлик. **Субъекти** – ўн олти ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

Тухмат тўғридан тўғри ғаразли ният билан, одатда ўч олиш, кўролмаслик каби баҳоналар билан содир этиладиган ҳуқуқбузарликдир. 16 ёшга етган шахслар ҳуқуқбузарлик **субъектлари** ҳисобланади.

Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

5.2. Шаҳвоний шилқимлик қилиш (МЖтК 41¹-модда)

Шаҳвоний шилқимлик қилиш, яъни шахсга нисбатан унинг учун номақбул бўлган ҳамда унинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлайдиган, шахснинг ташқи қиёфасини ёки қадди-қоматини тавсифлашда, имо-ишора қилишда, тегинишда, чақиришда ифодаланган, шаҳвоний хусусиятга эга бўлган ҳаракатларни бир марта қўпол равиша ёки бир неча марта содир этиш, — базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки беш суткагача муддатга маъмурий қамоқقا олишга сабаб бўлади.



Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоқقا олишга сабаб бўлади.

Бугунги кунда сиёсий, иқтисодий, давлат-ҳуқуқий муносабатларнинг бутун тизими니 модернизация қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш бўйича олдимизда турган кенг кўламли вазифалар, аввало, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш масаласи билан бевосита боғлиқдир.

Мамлакатимизда хотин-қизлар ва болаларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга катта эътибор қаратилаётганлиги, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш учун кенг кўламли ишлар қилинаётганлиги ҳаммамизга маълум.

2023 йилнинг 11-апрель куни “Хотин-қизлар ва болалар хукуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ти ЎРҚ-829-сон Қонун қабул қилинганлиги мазкур соҳада оширилаётган ислоҳотларнинг самараси десак муболага бўлмайди. Мазкур қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга янги “41¹-модда Шаҳвоний шилқимлик қилганлик учун маъмурий жавобгарлик” киритилди¹⁰.

Шаҳвоний шилқимлик қилиш хукуқбузарлигининг **объекти** – фуқароларнинг шаъни ва қадр қиммати, конституциявий хукуқ ва эркинликларини тартибга соловчи ижтимоий муносабатлар.

Объектив томони – шаҳвоний шилқимлик қилиш, яъни шахсга нисбатан унинг учун номақбул бўлган ҳамда унинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлайдиган, шахснинг ташқи қиёфасини ёки қадди-қоматини тавсифлашда, имо-ишора қилишда, тегинишда, чақиришда ифодаланган, шаҳвоний хусусиятга эга бўлган ҳаракатларни бир марта қўпол равишда ёки бир неча марта содир этиш.

Субъектив томони – қасдан содир этиладиган хукуқбузарлик. **Субъекти** – ўн олти ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

Шаҳвоний шилқимлик қилиш хукуқбузарлигини маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилиши ушбу модданинг иккинчи қисми бўйича жавобгарликни қелтириб чиқаради.

5.3. Ҳақорат қилиш (МЖТК 41-модда)

Ҳақорат қилиш – фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига тажовуз қилувчи маъмурий хукуқбузарлик, бундай тажовуз салбий баҳо беришдан иборат бўлиб, шахснинг маънавий нуфузига атрофдагилар кўз ўнгига путур етказади, жабрланувчининг ўзига бўлган ҳурматга зарар етказади.

Ҳақорат қилиш – шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасдан камситишидир.

Ҳақорат қилиш хукуқбузарлигининг юридик таҳлили:

Ҳақорат қилиш хукуқбузарлигининг **объекти** – шахснинг дахлсизлиги, конституциявий хукуқ ва эркинликларини тартибга соловчи ижтимоий муносабатлар.

¹⁰ <https://yuz.uz/news/endi-shilqimlik-qilganlik-uchun-javobgar-bolasiz>

Объектив томони – ҳаракат билан, оғзаки ёки ёзма равищда фуқароларни ҳақорат қилиш, яъни фуқароларнинг обрўси ва қадр-қимматини қасдан камситиш.

Бу хуқуқбузарлик **объектив томонининг** хусусияти шундан иборатки, у оғзаки, ёзма (хат, расм ва шу кабилар) тарзда ёхуд фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини ерга урадиган ҳаракат (тарсаки, тупурмок, беадаб имо-ишора сингари)лар билан содир этилиши мумкин. Тухматдан фарқли ўлароқ, ҳақорат қилишда жабрланувчининг маънавий қиёфасини салбий тасвирловчи қандайдир фактлар кўрсатилмайди, балки шахсга баҳо берилади, бу баҳо кишининг хулқ-атворига, қиёфаси кабиларга тегишли бўлиши мумкин.



Бу салбий баҳо ҳақиқатга тўғри келиш-келмаслиги мазкур таркиб учун аҳамиятсизdir. Башарти, масалан, шахс жабрланувчини аҳмоқ деб атаса-ю, ҳақиқатан у кўпчилик бошқа шахсларнинг фикрича ҳам ақлсиз бўлса, у ҳолда ҳақорат янада яққол намоён бўлади.

Хуқуқбузарликнинг маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такроран содир этилиши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 140-моддасининг 1-қисми билан квалификатсия қилинади.

Шахсга нисбатан оммавий ахборот воситалар ёки ижтимоий тармоқлар орқали ҳақорат қилинганда, айбдор **Жиноят кодекси** (ЖК 140-м. 2-қ.) билан жавобгарликка тортилади.

Бир йил ичидаги такрор содир этишда жабрланувчининг айнан аввалги шахс бўлиши талаб этилмайди.

Субъектив томони – қасдан содир этиладиган хуқуқбузарлик. Яъни шахс ўзининг хатти-ҳаракатлари ғайриҳуқуқий эканлигини англаб етади ва уларни содир қилишни истайди. Бундан ташқари, хуқуқбузарлининг аниқ ифодаланган мақсади шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ерга уришдан иборатdir.

Ҳақорат кўпчилик ўртасида – айбдорга ҳам, жабрланувчига ҳам таниш ёки нотаниш кишилар иштирокида, ҳатто жабрланувчи йўқ бўлган вақтда ҳам қилиниши мумкин. Бу кейинги ҳолатда айбдорнинг нияти ҳақоратнинг жабрланувчига маълум бўлишидан иборатdir.

Субъекти – ўн олти ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс.

Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

5.4. Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш (МЖтК 45-модда)

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида фуқароларнинг турар жой дахлсизлиги хуқуки кафолатланган. Асосий Қонунга кўра, ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари, бирорнинг тураржойига кириши, тинтуб ўтказиши ёки уни кўздан кечириши мумкин эмас.

Фуқароларнинг тураржойи дахлсиз эканлиги ҳакида кўрсатиб ўтилган талабларнинг мансабдор бўлмаган шахснинг бу ерда яшаётганлар хоҳиш-иродасига қарши ғайриқонуний равища кириши йўли билан бузилиши кўриб чиқилаётган хуқуқбузарликнинг **объектив томонини** ташкил этади.



Юқорида таъкидланган “бу ерда яшаётганлар хоҳиш-иродасига қарши” жумласига эътибор қаратсак. Демак, агар оила аъзоси (турмуш ўртоқ, келин, фарзанд ва бошқалар), вақтинча яшаётган шахслар томонидан бошқа бир шахс уйга киритилса бу ҳолат жавобгарликни келтириб чиқармайди.

Бундай хуқуқбузарликнинг **объекти** – фуқароларнинг турар жойи дахлсизлиги хуқуқидир.

Объектив томони – фуқароларнинг турар жойларини қонунсиз равища тинтуб қилиш, уларни турар жойларидан қонунсиз равища кўчириб чиқариш ёки фуқароларнинг турар жой дахлсизлигини бузувчи бошқа ҳаракатлар.

Субъектив томони – қасдан содир этиладиган хатти-ҳаракат.

Субъекти – Ақли расо ва 16 ёшга етган жисмоний шахслар мазкур хуқуқбузарлик субъекти бўлиши мумкин.

Турар жойга унда яшовчиларнинг хоҳиш-иродасига қарши ғайриқонуний равища зўравонлик билан бостириб кириш ЖКнинг 142-моддаси билан квалификатсия қилинади.

Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

5.5. Шахсий хаёт дахлсизлигини бузиш (МЖТК 46¹-модда.)

Шахснинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий хаёти тўғрисидаги маълумотларни унинг розилигисиз қонунга хилоф равища йифиш ёки тарқатиш, — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.



Инсоннинг озодлиги, шаъни-ю қадр-қиммати бебаҳо ва дахлсиз қадрият сифатида улуғланади. Шунга кўра, фуқароларнинг хуқук ва эркинликлари

қонунан муҳофаза қилинади. Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликлари қонунан муҳофаза қилиш мақсадида Конституциямизнинг 31-моддасида ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиш, ўз шаъни ва қадр-қимматини химоя қилиш ҳуқуқига эга эканлиги кафолатланган.

Шахсий ҳаёт деганда жисмоний шахснинг ўзи томонидан олиб бориладиган, ташқи таъсирдан холи бўлган унинг жисмоний ва руҳий ҳаёти тушунилади. Яъни, шахсий ҳаёт бу оилавий, майший муҳит (оила аъзолари, лавозими, миллати, кимнинг қаерда ишлаши, қаерда нима овқат ейиши ва ҳоказо), мулоқот муҳити (дўстлари, танишлари, ишқий муносабатлари), диний муносабати, иш (ўқиш)дан холи машғулоти, шахсий қизиқишилари (муносабатлари) ва бошқа шу каби чегараланган муҳитлар бўлиб, шахс булар ҳақида маълумотлар ошкор этилишини истамаслиги мумкин (бу ҳуқук бошқаларнинг ҳуқуқларини бузганда қонунда белгиланган тартибда чегараланиши мумкин).



Шу билан бирга, шахсий ва оилавий сир ҳам мазкур шахсий ҳаёт доирасидаги асосий унсур бўлиб, у бошқаларга ошкор қилишдан сақланадиган маълумотларни ташкил қиласди. Масалан, шахсий ва оилавий сир сифатида фарзандликка олиш сирини, эр хотиннинг ўзаро ҳаётини, ўзаро мулкий ва шахсий номулкий муносабатларини, бошқа шахслар билан яширин муносабатлари (хатто ишқий муносабатлари ҳам, ахлоқ нормалари бузилаётгани ҳақида жамоатчи фаол киши /блогер/ ёки ОАВ вакили — журналист сифатида ёндашувда ҳам унинг шахсиятини ошкор қилмаслик бўйича маълум норма ва журналистик анъаналари мавжуд) ва бошқа муносабатларига оид маълумотларни айтиш мумкин.

Демак, шахсий ҳаётга доир юқоридаги маълумотлар, шу жумладан шахсий ва оилавий сир сақланадиган маълумотлар қонун билан қўриқланади. Улар фақат шахснинг розилиги билангина (қонунда белгиланган истиснолар мавжуд, масалан, жиноят иши доирасида, бошқа шахс ҳуқуқини бузганда ва ҳоказо ҳолатларда) олиниши, сақланиши ва тарқатилиши мумкин.

Ҳуқуқбузарликнинг **объекти** шахсий ҳаёт дахлсизлигини химоя қилувчи ижтимоий муносабатлар. **Объектив томондан** ушбу ҳуқуқбузарлик шахснинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни унинг розилигисиз қонунга хилоф равишда йиғиш ёки тарқатишда ифодаланган ҳаракатdir.

Субъектив томондан қасдан содир этилади. **Субъекти** 16 ёшга тўлган, ақли расо ҳар қандай шахсдир.

5.6. Енгил тан жароҳати етказиш (МЖтК 52-модда)

Эҳтиётсизлик орқасида енгил тан жароҳати етказиш МЖтКнинг 52-моддаси 1-қисми бўйича маъмурий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Эҳтиётсизлик орқасида енгил тан жароҳати етказиш қўйидаги ҳолларда содир бўлади:

а) ҳаракат эҳтиётсизлик билан содир этилганлиги ва жабрланувчининг соғлиғига зарап етказганлиги, буни ҳуқуқбузар олдиндан кўра билмаган, ҳолбуки у зарап етказилиши мумкинлигини олдиндан кўра билиши лозим ва мумкин бўлган, лекин у зарап етказилишини олдиндан кўра билган бўлса ҳам енгилтаклик билан уни бартараф этиш мумкинлигига ишонган бўлса;

б) ҳуқуқбузар хатти-харакатининг ўзи ва етказилган зарап эҳтиётсизлик орқасида содир этилган бўлса.



Қасдан енгил тан жароҳати етказиш (МЖтК 52-м. 2-к.) – бу ҳаракат соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятини унча кўп давом этмайдиган турғун тарзда йўқотишга олиб келмаган ҳуқуқбузарликдир.

Етказилган тан жароҳатини енгил жароҳат деб топиш учун унинг етказилган вақтда ҳаёт учун хавфли бўлмаганини ва соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятини унча кўп давом этмайдиган тарзда йўқотишга олиб келмаганини аниқлаш лозим бўлади.



Соғлиқнинг ёмонлашуви муддатини ва меҳнат қобилияти қай даражада йўқотилганлиги масаласини тиббий гувоҳлик бериш холосасини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилинади.

Соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятини унча кўп давом этмайдиган турғун тарзда йўқотишга олиб келмаган қасдан енгил тан жароҳати етказан ҳуқуқбузарнинг ҳаракатлари зарур мудофаа чегараларидан ошиб кетган тақдирда маъмурий жавобгарликка сабаб бўлмайди, чунки улар ҳимоя қилинувчининг зарур мудофаа чорасини қўлланиши оқибати сифатида қонунда маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган ҳолат тарзида назарда тутилмаган.

Қасдан енгил тан жароҳати етказиш, башарти бу ҳаракатлар жамоат тартибини бузишга олиб келмаган ёки жамиятни хурмат қилмасликни ифодаламаган бўлса, безорилик деб баҳоланиши мумкин эмас.

Мазкур ҳуқуқбузарлик **объекти** фуқароларнинг соғлиғидир. Ҳуқуқбузарлик таркибининг **объектив томони** енгил тан жароҳати етказилиши ҳаракатини назарда тұтади.

Ушбу модда **иккинчи қисмидаги** ҳуқуқбузарлик содир қилинганлиги учун маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил ичиде такроран яна қасддан енгил тан жароҳати етказилиши ЖКнинг 109-моддаси 1-қисми билан квалификатсия қилинади. Эҳтиётсизлик орқасида баданга енгил шикаст етказиш маъмурий жазо қўлланилгандан сўнг бир йил давомида неча маротаба такрор содир этилса ҳам маъмурий жавобгарликни келтириб чиқармайди.

Ушбу модда биринчи қисми ҳуқуқбузарликнинг **субъектив томони** эҳтиётсизлик орқасидан содир қилинади.

Ушбу модда иккинчи қисми эса қасддан енгил тан жароҳати етказилади.

Ҳуқуқбузарликнинг **субъекти** ҳуқуқбузарлик содир этилган пайтда 16 ёшга тўлган шахс ҳисобланади.

Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш жиноят ишлари бўйича судлар томонидан қўриб чиқилади (245-модда).

5.7. Гиёхвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни оз микдорда ғайриқонуний равиша тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш (МЖтК 56-модда)

Гиёхвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай оз микдорда ғайриқонуний равиша тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш маъмурий ҳуқуқбузарликни келтириб чиқаради.



Ҳуқуқбузарликнинг **объекти** гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ва прекурсорлар билан муомала қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар, шунингдек аҳолининг соғлиғи ва хавфсизлиги ҳисобланади.



Мазкур ҳуқуқбузарликнинг **объектив томони** турли ҳаракатларни гиёхвандлик воситаларини ва шу кабиларни тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, жўнатишни юзага келтиради. Ўзбекистон Республикасида гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши Ўзбекистон Республикасининг “Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ти Конунида белгиланган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади.

Профилактика инспекторлари шуни ёдда тутишлари лозимки, маъмурий жавобгарлик қачонки шахс гиёхвандлик воситаларини ва шу кабиларн тайёрласа,

олса, сақласа, ташиса, жўнатса келиб чиқади. Бор барча ҳаракатлар ва ушбу ҳаракатларни ўтказиш ниятида амалга оширса жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин.

Ушбу Қонунда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

а) гиёҳвандлик (наркотик) воситалар – гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинадиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган препаратлар ва ўсимликлар;

б) психотроп моддалар – психотроп моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинадиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар;

д) прекурсорлар – прекурсорлар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинадиган, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тайёрлаш учун фойдаланиладиган моддалар.

Гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни оз ёки қўп миқдорга киритиш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда Ўзбекистон Республикасининг Гиёҳвандлик воситаларини назорат қилиш давлат комиссиясининг тавсияларига ва гиёҳвандлик воситаларининг рўйхатига амал қилиниши лозим.

Бунда шуни назарда тутиш керакки, гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни сотиш мақсадисиз оз миқдорда тайёрлаш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш маъмурий ҳуқуқбузарлик бўлиб, бунинг учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 56-моддасида назарда тутилган. Ҳуқуқбузарликнинг **субъекти** 16 ёшга етган шахсдир. Ҳуқуқбузарлик **субъектив томондан** қараганда мазкур хатти-ҳаракат фақат қасдан содир этилиши мумкин. Айбдор ўзининг ғайрихуқуқий ҳаракатлар содир этаётганини англаб етади, уларнинг заарли оқибатларини олдиндан кўради ёки бунга онгли равиша йўл қўяди.

Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

5.8. Оилавий (маиший) зўравонлик (МЖТК 59²-модда)

Хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган мулқ, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳуқуқни амалга оширишга тўсқинлик қилиш, мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасдан шикаст етказиш, худди шунингдек ушбу шахслар соғлигининг ёмонлашувига олиб келган тарзда уларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларни, қўрқитиш, яқин



қариндошларидан ажратиб қўйиш, башарти жиноят аломатлари, шунингдек ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳукуқбузарликлар аломатлари мавжуд бўлмаса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.



Хотинини (эрини), собиқ хотинини (собиқ эрини), бир рўзгор асосида биргаликда яшаётган шахсни ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсни дўппослаш, ушбу шахсларга соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасдан баданга енгил шикаст етказиш, — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Ушбу ҳукуқбузарликнинг **объекти** фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликлари ҳисобланади. Объектив томони эса хотинига (эрига), собиқ хотинига (собиқ эрига), бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсга нисбатан содир этилган қуидаги харакатларда ифодаланади:

мулқ, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва (ёки) меҳнатга оид ҳукуқни амалга оширишга тўсқинлик қилиш;

мол-мулкига ва шахсий ашёларига қасдан шикаст етказиш;

ушбу шахслар соғлигининг ёмонлашувига олиб келган тарзда уларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш;

уларни қўрқитиш, яқин қариндошларидан ажратиб қўйиш.

Субъектив томондан қасдан содир этилади. **Субъекти** жабрланувчининг 16 ёшга тўлган, ақли расо эри (хотини), собиқ эри (собиқ хотини), у билан бир рўзғор асосида биргаликда яшаётган шахс ёки умумий фарзандга эга бўлган шахс.

5.9. Оз миқдорда талон-торож қилиш (МЖтК 61-модда)

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилотларнинг мол-мулкини ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан оз миқдорда талон-торож қилиш маъмурий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Мулкни оз миқдорда талон-торож қилиш мулкка тажовуз қилишнинг кенг тарқалган турларидан биридир. Бу ҳукуқбузарлик етказадиган моддий зарар жуда катта бўлиб, бундан кўриладиган маънавий зиён ҳам озмунча эмас. Мулкни ўғирлаш, шу жумладан оз миқдорда талон-торож қилиш қасдан қилинадиган, ҳақини тўламасдан содир этиладиган ғайриқонуний талон-торож бўлиб, бу

мулкни ғаразли мақсадда ўзининг мулки қилиб олиш ёки бошқа шахснинг мулки қилиб бериш учун амалга оширилади. Ўғри меҳнат сарфламасдан бой бўлиб қолади, талон-торож қилинган мулкни ўз мулки сифатида тасарруф қиласди, уни ишлатади, инъом этади, сотади ва ҳоказо.

Ушбу модданинг **объекти** мулк ҳуқуқи тушунилади. Яъни мулк корхона, муассаса, ташкилотларнинг мол-мулки бўлиши шарт. Фуқароларининг мулкини талон-тарож қилиш мулкнинг қийматидан қатъий назар жиноят деб баҳоланади. Бунда корхона, муассаса, ташкилотлар давлат ёки хусусий бўлиши аҳамиятга эга эмас.


Башарти талон-торож қилинган мулк базавий ҳисоблаш миқдорининг **ўттиз баробар** миқдоридан ошиб кетмаса, қилинган талон-торож оз миқдордаги талон-торож ҳисобланади. **Мулк** деганда саноат, ҳўжалик ёки хунармандлик ишлаб чиқариши буюмлари, хомашё, пул, ҳақ тўланган ҳужжатлар тушунилади, улар бевосита моддий бойлик олиш ҳуқуқини беради.

Талон-торож қилинган мулкнинг қиймати белгиланган чакана нархлар билан аниқланади.

Содир этилган талон-торож оз миқдордаги талон-торож эканлигини ҳал этишда талон-торож қилинган мулкнинг қийматидан ташқари, шунингдек бу буюмларнинг табиий миқдори (вазни, ҳажми) ва уларнинг ҳалқ ҳўжалиги учун аҳамияти ҳам ҳисобга олиниши лозим. Талон-торож қилинган мулкнинг, айтайлик, муайян бинокорлик материалларининг ўта тақчиллиги ҳам назарда тутилиши керак.

Объектив томондан ушбу ҳуқуқбузарлик ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан оз миқдорда талон-торож қилиш каби ҳаракатларда ифодаланади.

Оз миқдордаги талон-торож маъмурий ҳуқуқбузарликнинг таркибини ташкил этади, башарти у мазкур моддада кўрсатиб ўтилган шакллардагина содир этилган бўлса, яъни ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб мавқейини суистеъмол килиш ёки фирибгарлик йўли билан амалга оширилган тақдирда, шундай бўлади. Ўғирлаш яширин тарзда талон-торож қилишdir. Ўзлаштириш ҳуқуқбузар-нинг ҳақиқатан ихтиёрида бўлган, масалан, омборчига сақлаш учун берилган ёки экспедиторга етказиб бериш учун топширилган мулкни сақлаб турган ҳолда ўзиники қилиб олиш ёки бошқа шахснинг мулкига айлантириш оиласан боғлиқдир.



Растрата қилиш айбдорнинг ихтиёрида бўлган мулкнинг ғаразли мақсадда учинчи шахс томонидан сотилиши, ишлатилиши, ҳадя килиниши, бегоналаштирилишини билдиради.

Хизмат мавқейини суистеъмол қилиш йўли билан талон-торож қилишда мулк мансабдор шахснинг ихтиёрида бўлмайди, у ғайриқонуний фармойиш бериб, соҳта хужжатлардан фойдаланиб, мулкни эгаллаб олади ва ҳоказо.

Масалан, мансабдор шахс қўл остидаги одамга муассасага қарашли бензин солинган канистрни ҳақ тўламасдан ўз қариндошига топширишни буюради.

Мулкни **фирибгарлик** йўли билан эгаллаб олиш учун бу мулк кимда сақланаётган бўлса, уни чалғитиш, мулкни айбдорга беришга ундаш мақсадида ёлғондан фойдаланиш, ҳақиқатни қасдан яшириш ёки бузиб кўрсатиш хосдир.

Ўғирлик мулкни яшириш равища талон-тарож қилиш ҳисобланади.

Демак, корхона, муассаса, ташкилотларнинг мол-мулкини талончилик, товламачилик ёки босқинчилик йўли билан оз миқдорда талон-торож қилиш жиной жавобгарликни келтириб чиқаради (ЖК 164-166 - моддалар).

Бир қатор талон-торожларни баҳолашга таъсир қиласиган ҳолатлар жиной хатти-ҳаракат бўлса ҳам, улар оз миқдордаги талон-торож қилиш учун аҳамиятсиз бўлади. Бир гурӯҳ шахсларнинг оз миқдордаги талон-торожни содир қилиш учун олдиндан келишиб олиши, уни алоҳида хавфли, такроран жиноят қилган кишининг содир этиши, шунингдек жиноятни ижро этиш усули (бинога кириш ёки бошқа омборхонага кириш йўли билан) оз миқдордаги талон-торожни (бундай жиноят учун ғаразли ният мавжуд бўлмаган тақдирда) жиной жазога тортиладиган талон-торож деб баҳо бериш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳисобланмайди. Бироқ бундай ҳолатлар айбдорга жазо чорасини белгилашда ҳисобга олинishi лозим.

Субъектив томондан қараб чиқилаётган хуқуқбузарлик тўғридан тўғри ғаразли ният ва мақсаднинг мавжудлигини назарда тұтади. Ҳар қандай шаклдаги оз миқдордаги талон-торожни мулкка тажовуз қилган ҳодда содир этишда ўғирловчи ғайрихуқуқий хатти-ҳаракат содир этаётганини англаш етади, унинг моддий зарар тарзидаги зарарли оқибатларини олдиндан кўради. **Ўғирлик** қилувчининг мақсади ғайриқонуний бўлиб, у ғаразли мақсад билан мулкни ўз мулкига ёки бошқа шахснинг мулкига айлантиришни истайди. Айбдорнинг ёвуз нияти катта миқдордаги мулкни ўғирлашдан иборат бўлиб, талон-торож қилинган мулк белгиланган базавий ҳисоблаш миқдори миқдоридан кўпроқ турса, у ҳолда жиной жавобгарлик келиб чиқади, чунки катта миқдордаги мулкни ўғирлаш яққол кўзга ташланиб туради. Бундай ҳолатда талон-торож қилиш ЖКнинг 169-моддалари билан квалификатсия қилинади.

Оз миқдордаги талон-торож учун жавобгарлик 16 ёшдан бошланади. Мансаб мавқейини суиистеъмол қилган ҳолда оз миқдорда талон-торож қилишни фақат мансабдор шахслар амалга оширишлари мумкин.

МЖТК 61-моддасининг иккинчи қисми худди шундай ҳуқуқбузарлик Маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлиши ва учинчи қисмида эса башарти талон-торож қилинган мулкнинг қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз бараваридан ошмаса, бундай талон-торож оз миқдордаги талон-торож қилиш деб ҳисобланади.

Тўртинчи қисмида устав фондида давлат улуши бўлмаган корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг мол-мулкини уларнинг ходими томонидан ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли билан содир этилган оз миқдорда талон-торож қилиш фақат мазкур корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарининг, мулқдорининг ёки ваколатли бошқарув органининг аризасига кўра жавобгарликка сабаб бўлади. Яъни профилактика инспектори томонидан юқоридаги ҳолатлар аниқланганда агар ҳуқуқбузар ушбу корхонанинг ишчиси бўлган тақдирда ташкилот раҳбаридан шикоят бор ёки йўқлиги сўралиши, агар шикоят йўқлиги аниқланса ишни интизомий кўриб чиқиш учун ушбу раҳбар иҳтиёрига қолидирилиши лозим. Бу қоида фақат устав фондида давлат улуши бўлмаган корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг мулки билан боғлиқ ишларда амал қиласди.

Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

5.10. Топиб олинган мол-мулкни яшириш (МЖТК 62-модда)

Топиб олинган ёки тасодифан қўлига тушиб қолган қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан ортиқ бўлган ўзганинг мол-мулкини яшириш ҳам ҳуқуқбузарликни келтириб чиқаради.

Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг тажовуз қилиш **объекти** шундай мол-мулк ҳисобланадики, у ҳуқуқбузарлик содир этилаётган пайтда бу мол-мулкка мулкчилик ҳуқуқи бўлмаган хусусий шахснинг қўлида бўлади.

Ҳуқуқбузарнинг ҳаракати ўзи топиб олган, тасодифан унинг қўлига тушиб қолган ўзганинг мол-мулкини яширишдан, яъни гайриқонуний равишда ва ҳақини тўламасдан ўз фойдасига қаратишдан иборатдир. Топиб олинган (топилган) нарса деб шундай мол-мулкка айтиладики, у бошқа бирорнинг мулки бўлиб, бирон-бир сабаб билан



бу мулк ишониб топширилган шахсларнинг ихтиёридан ташқарида бўлиб қолади ёки қаровсиз ҳолатда турган бўлади.

Яширишда мол-мулк бутунлай назоратсиз, йўқолган, мазкур шахснинг ихтиёридан ташқарида, табиий офат натижасида, эгасининг ҳафсаласизлиги ва шу кабилар орқасида назоратсиз қолган бўлади.

Кодекснинг 62-моддаси тасодифан ҳуқуқбузарнинг қўлига тушиб қолган молмulkни яшириш ҳолларини ҳам қамраб олади (масалан, эгаси кетаётганда ўз мулкини эсдан чиқариб қўяди ва ҳоказо). 62-модда бўйича маъмурий жавобгарлик шундай ҳолда бошланадики, яширилган мол-мулкнинг нархи моддада кўрсатиб ўтилган нархдан юкори (базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан кўпроқ) бўлади ёки мулк анча кўпроқ қийматга эга бўлади (масалан, тарих ёдгорлиги, оиласвий эсадалик ва шу кабилар сифатида қийматли бўлади).

Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарлик ғаразли мақсадда амалга оширилаётган қасдан қилинган ҳуқуқбузарлиқдир. Айбдор топиб олинган ёки тасодифан ўз қўлига тушиб қолган мулк ҳақини тўламай, уни ғайриқонуний равишда яшираётганини ҳис қиласи ва бу мулкнинг бошқа шахсга тегишли эканлигини яхши билади.

Мазкур ҳуқуқбузарликнинг **объекти** фуқароларнинг шахсий мулки бўлиб, бу мулк уларнинг ўз қўлидадир.

Мазкур хатти-ҳаракатнинг **объектив томони** топиб олинган ёки ҳуқуқбузарнинг қўлига тасодифан тушиб қолган мол-мулкни яширишдан иборатдир.

Ҳуқуқбузарликнинг **субъектив томони** тўғридан тўғри ғаразли ниятда намоён бўлади, яъни мол-мулкни яширган шахс бу мулкнинг бошқа шахснинг қўлига тушиб қолганлигини олдиндан билади.

Кодекснинг 62-моддаси бўйича 16 ёшга тўлган шахс ҳуқуқбузарлик **субъекти** ҳисобланади.

Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқиласи (245-модда).

5.11. Экинзорларни пайҳон қилиш, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказиш ёки уни йўқ қилиб юбориш, кўчатларга шикаст етказиш (МЖтК 104-модда)

Ушбу модда уч қисмдан иборат. “Мулкчилик тўғрисида”ги Қонуннинг амал қилишини ҳисобга олиб, мазкур модда фақат тўплаб қўйилган қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилинигина эмас, шу билан бирга буталарнинг кўчатларини ҳам ҳимоя қилишга



мўлжалланган. Ҳуқуқбузарликларга баҳо бергандага кўчатларнинг барча турлари, қишлоқ хўжалигидаги ҳам техника экинлари, ҳам озиқ-овқат ва озуқа экинларининг тўпланадиган ва тўпланган ҳосили шикастланганлигини ҳисобга олиш керак бўлади. Чорва моллар ёки паррандаларнинг хўжалик экинзорларини пайхон қилиши, қишлоқ хўжалик экинларининг далада тўплаб қўйилган ҳосилига зарар етказиши ёки уни йўқ қилиб юбориши, кўчатларга шикаст етказиши ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни келтириб чиқаради.

Ушбу моддада назарда тутилган тажовузкорликнинг **объекти** барча турдаги мулкнинг сақланиши хусусидаги ижтимоий муносабатлардир.

Ушбу моддада қамраб олинган хатти-ҳаракатларнинг мавзулари, аввало, экинларнинг (ғалла, техника, озуқа, полиз ва ҳоказолар) кўчатлари, дараҳтлар, ўсимликларнинг кўчатлари, шунингдек кўкаламзорлаштирувчи ва бошқа дараҳтлар ҳамда ўсимликларнинг кўчатларидир. Тақиқланган дараҳтлар ва ўсимликларнинг кўчатлари бундан мустасно. Бироқ санаб ўтилган ашёлар мулк эгасига тегишли бўлиши лозим, чунки у бунга меҳнат сарфлаган ва фойдаланилган майдондан табиий озуқалар олишни истайди.

Ҳуқуқбузарликнинг **объектив томони** экинларни пайхон қилишдан, кўчатларга шикаст етказиш ёки экинлар ва кўчатларнинг чорва моллари ва паррандалар (уй паррандалари) томонидан йўқ қилиниши (шикастланиши) билан боғлиқ ҳаракат ёки ҳаракатсизликдан иборат.

Субъект хонаки, идораларга қарашли чорва моллар ва паррандаларнинг эгаларидир.

Биринчи қисмда назарда тутилган хатти-ҳаракатлар ҳам қасдан (чорва моллари ва паррандаларни экинзорга қўйиб юбориш йўли билан), ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши мумкин. Вакил қилинган мансабдор шахс ҳуқуқбузарлик содир этилганлигини аниқлаганда, 280-моддага мувофиқ етказилган заарни ҳисобга олган ҳолда баённома тузади ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни маъмурий ишлар бўйича судяга кўриб чиқиш учун топширади (245-модда).

Ушбу модда бўйича етказилган заарнинг миқдори фақат шикастланган, йўқ қилинган мол-мулкнинг (экинлар, ҳосил, кўчатлар ва бошқа) миқдорига боғлиқ бўлиб қолмайди. Заарнинг миқдорини ана шу экинлардан олинмай қолган ҳосилнинг қийматини харид нархлари бўйича ҳисоблашдан келиб чиқиб аниқлаш керак бўлади. Етказилган заарнинг ўрнини қоплашни таъминлаш мақсадида чорва моллари ва паррандалар ушлаб олиниши мумкин.

Экинзорларни ёки кўчатзорларни ҳамма турдаги ҳаракатланувчи техника воситаларида босиб ўтиш ушбу модданинг иккинчи қисми бўйича жавобгарликни келтириб чиқаради.

Хуқуқбузарлик 2-қисмининг **объектив томони** экинзорлар ёки кўчатзорларни харакатланувчи воситалар (от-улов транспорти, автомобил, трактор, комбайн ёки бирорта ўзи юрар машина) билан босиб ўтишда ифодаланади.

Автомобил ёки от-улов транспортини мансабдор шахс ҳам бошқара олади, бундай ҳолда у умумий асосларда жавобгар бўлади.

Ушбу модданинг 3-қисми Маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида 1 ва 2-қисмлар бўйича содир этилган хуқуқбузарликни тақорорлагани учун жавобгарликни назарда тўтади.

Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

5.12. Ёввойи нашани йўқ қилиб юбориш чораларини кўрмаганлик (МЖтК 106-модда)

Тасарруфида ер майдонлари бўлган шахслар томонидан ёввойи нашани йўқ қилиб юбориш чораларини кўрмаганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Ёввойи наша деганда таркибида гиёхванд моддалар бўлган, уруги ёки кўчати экилмайдиган, ҳам айrim, ҳам бошқа қишлоқ хўжалик экинлари билан биргаликда агроишлиов берилмайдиган ўсимликларга айтилади.

Ушбу модда бўйича маъмурий хуқуқбузарликни муайян худудда мазкур ўсимликининг қишлоқ хўжалик экинлари орасида, боғларда, узумзорларда, ўрмон хўжаликлиарида, кўчалар, паркларда, дала четларидан, сугориш ва ирригатсия тармоқлари ёқаларида, темирийўл ва автомобил йўлларининг алоҳида минтақаларидан, хўжаликларнинг кўрғонларидан, шаҳарлар, посёлкалар ва бошқа аҳоли пунктларидаги одамларнинг ер участкаларидан, шунингдек, давлат ўрмон ва сув фонди захираси ерларидан, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга бириктириб қўйилган ер участкаларидан мавжудлиги вужудга келтиради.




Мазкур хуқуқбузарликнинг **субъектив томони** қасдан ҳисобланниб, айбор шахс таркибида гиёхванд модда бўлган нашани ўстириш ва парвариш қилиш ғайриқонуний эканлигини билади ва уни содир қилишни истайди.

Қишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг раҳбарлари, ўрмон хўжаликларининг, мевали кўчатзорларнинг бош агрономлари, мансабдор шахслари ва фуқаролар жавобгарлик **субъекти** ҳисобланади.

Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

5.13. Транспортда чиптасиз юриш (МЖТК 144-модда)

Мазкур ҳуқуқбузарликнинг **объекти** транспорт ташкилоти билан фуқаро ўртасида юк ташиш юзасидан пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади. Йўловчининг транспортда чиптасиз юриши, ўн ёшдан ўн олти ёшгача бўлган болаларнинг чиптасиз олиб юриши:



шахар атрофига қатнайдиган поездларда;

маҳаллий ва узоқ масофага қатнайдиган поездларда;

шахар атрофига қатнайдиган поездларда, маҳаллий ва узоқ масофага қатнайдиган поездларда беш ёшдан ўн ёшгача бўлган болаларни чиптасиз олиб юриш;

йўловчиларнинг самолётда чиптасиз юриш; шаҳарлараро қатнайдиган автобусда чиптасиз юриш;

йўловчининг троллейбусда, трамвайда, шахар ичида ва шаҳар атрофига қатнайдиган автобусда чиптасиз юриши тартиби ушбу ҳуқуқбузарликларнинг **объектив томонини** ташкил этади.

Чиптасиз юриш (учиш) умуман чиптасиз юриш (чипта сотиб олинмаган, ёхуд йўқотилган, кимгадир берилган ва ҳоказо) ёки ҳақиқий бўлмаган чипта билан юриш (масалан, шаҳар йўловчи ташиш транспортида амал қилиш муддати ўтиб кетган ягона билет билан юриш) ҳисобланади. Шаҳар йўловчи ташиш транспортида чипта навбатдаги бекатга етиб боришга қадар сотиб олиниши лозим. Акс ҳолда бундай юриш чиптасиз юриш ҳисобланади. Мазкур ҳуқуқбузарликнинг **субъекти** йўловчилар фуқаролардир. Бунда беш ёшдан ўн олти ёшгача бўлган болаларни чиптасиз олиб юриш (беш ёшгача бўлган болаларни олиб юриш бепул ўн олти ёшга етган шахс чипта сотиб олишга мажбур) ҳам маъмурӣ жавобгарликка сабаб бўлади. Йўловчи ўзи билан бирга беш ёшгача бўлган бир болани бепул – алоҳида ўринсиз, беш ёшдан ўн ёшгача бўлган болани чиптанинг тўлиқ баҳоси 50 фоиз чегирилган ҳолда алоҳида ўрин берилган ҳолда олиб юриш ҳуқуқига эга. Ўн ёшгача бўлган икки нафар ва ундан кўпроқ болалар олиб юрилганда улардан биттаси бепул, қолганлари чипта тўлиқ баҳосининг 50 фоизи чегирилиб, алоҳида ўрин берилган ҳолда олиб юрилади (Автомобил транспортида йўловчилар ва багажни ташиш қоидалари тўғрисидаги қарорнинг 50-банди).

Бундай хуқуқбузарликни ҳам қасдан, ҳам эҳтиётсизлик орқасида содир этган шахс жавобгар бўлади.

Бу хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни тегишли равишда ички ишлар органлари, шаҳар ва шаҳарлараро йўловчилар ташийдиган автомобил транспорти ва электр транспорти органларининг мансабдор шахслари кўриб чиқади (248, 254-моддалар). Жарима миқдори мазкур моддада базавий ҳисоблаш миқдорига нисбатан қатъий суммада назарда тутилган, шу билан бирга беш ёшдан ўн олти ёшгача бўлган болаларни чиптасиз олиб юрганлик учун худди катта ёшдаги шахснинг чиптасиз юриши каби жарима солинади, маҳаллий ва узоқ масофага қатнайдиган поездларда жарима катта миқдорда солинади. Бу ҳолатларнинг хар бирида белгиланган жариманинг миқдори муайян турдаги транспорт ташкилотига йўловчининг чиптасиз юриши (учиши) ва болаларни чиптасиз олиб юриш билан етказилган моддий заарнинг қонунда белгиланган миқдори билан тахминан яқин келтирилади, лекин бу зарар миқдоридан, албатта, ортиқроқ бўлади, токи чиптасиз юриш ва болаларни чиптасиз олиб юриш инсофсиз йўловчи учун иқтисодий жиҳатдан фойдасиз эканлиги маълум бўлсин. Жарима солиниши таҳди迪 чипталарни сотиб олишга ундаиди.

Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш қуйидаги органлар томонидан кўриб чиқилади:

- Ички ишлар органлари (248-модда) - туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманлар ички ишлар бўлимларининг (бошқармаларининг) бошлиқлари ёки бошлиқ ўринбосарлари, шунингдек транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаларининг (бўлимларининг) бошлиқлари томонидан;
- Темир йўл транспорти ва метрополитен органлари (250-модда);
- Ҳаво транспорти органлари (251-модда);
- Шаҳар ва шаҳарлараро йўловчи ташийдиган автомобиль транспорти ва электр транспорти органлари (254-модда).

5.14. Судга ҳурматсизлик қилиш (МЖтК 180-модда)

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ одил судлов фақат судлар томонидан амалга оширилади. Юридик адабиётларда одил судловга қарши хуқуқбузарликлар ва жиноятлар дейилганда, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд, шунингдек бошқа фуқаролар томонидан суриштирув, дастлабки тергов, суд иш юритуви ва жазони ижро этишни тартибга солувчи қонунларни бузиш йўли билан одил судлов ва



шахс манфаатларига заарар етказадиган ҳамда шу билан суднинг маъмурий, жиноят ёки фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга ошириш вазифаларига тўсқинлик қилувчи қасдан содир этиладиган ҳаракатлар тушунилади деб таъриф берилади.

Одил судлов вазифаларининг муваффақиятли амалга оширилиши нафақат мазкур органлар томонидан хуқуқ нормалари тўлиқ риоя этилишига, балки судга ҳурмат билан қарашга ҳам боғлиқдир.

Одил судловнинг самарали фаолият юритиш учун зарур шароитларни яратиш давлат ва фуқаролик жамиятининг муваффақиятли фаолият юритишининг кафолатларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ҳам ўз давлат мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасини ислоҳ этишни энг муҳим устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб олди.

Бу жараёнда ҳокимият бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг манфаатларини жиноий тажовузлардан муҳофаза қилиш жиноятчиликка қарши курашнинг устувор вазифаларидан бири сифатида баҳоланади. Зеро, ҳокимият бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг манфаатларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш сиёсатини самарали амалга оширишнинг муқаррар шартидир. Шу жиҳатдан қараганда, ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг нормал фаолият юритишини таъминловчи ижтимоий муносабатларни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мазкур хуқуқбузарликнинг **объекти** одил судловнинг нормал фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир.

Объектив томондан гувоҳ, жабрланувчи, даъвогар, жавобгар, ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг судга келишдан қасдан бўйин товлашида ёки мазкур шахсларнинг ва бошқа фуқароларнинг раислик қилувчи фармойишига бўйсунмаслигида ёхуд суд мажлиси пайтида тартиби бузишда ўз ифодасини топган судга ҳурматсизлик ҳаракатида ифодаланилади.

Хуқуқбузарлик **субъекти** 16 ёшга тўлган, ақли расо шахс. **Субъектив томондан** хуқуқбузарлик қасдан қилингандигидир. Бу ўринда хуқуқбузарликни содир этган шахс ўз ҳаракатларини англайди ва оқибатларига кўзи етади.

Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

5.15. Майда безорилик (МЖТК 183-модда)



Жамоат тартиби майда безориликнинг **объекти** ҳисобланади.

Жамоат тартиби жамоат жойларида ҳуқуқ меъёрларини сақлашга асосланган муносабатлардир. Жамоат тартиби факат ҳуқуқий меъёрларгина эмас, балки бошқа ижтимоий меъёрлар: ахлоқ, урф-одат, жамоат ташкилотларининг меъёрлари билан ҳам мустаҳкамланади.

Хуқуқий меъёрлар асосий рол ўйнайди, чунки тартибни бузганлик учун юридик жавобгарликни, жазонинг тури ва меъерини шулар белгилайди.

Айборнинг хатти-ҳаракати жамиятнинг, теварак-атрофдаги фуқароларнинг манфаатларини яққол менсимаслиқдан, маданий савиясининг пастлигидан, ахлоқ ва одобнинг мавжуд қоидаларини эътиборга олмаслиқдан далолат бериб туради. Фуқаролар осойишталиги ва жамоат тартибини бузувчи хатти-ҳаракат ҳуқуқбузарликнинг **объектив томонини** тавсифлайди. Булар: жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш; фуқароларга ҳақоратомуз тегажаклиқ қилиш, яъни бошқа шахснинг обрў-эътибори, иззат-шаънини ҳақоратловчи ҳамда уларнинг оромини бузувчи шилқимлик хатти-ҳаракатлари бўлиши мумкин. Бунга, шунингдек, фуқарони инсон қадр-қимматини ҳақоратловчи сухбатга зўрлаб тортиш, шилқимлик билан унинг қўлини силташ ёки қуч билан қўлидан ушлаш, бош кийимини юлқиб олиш; сигарет тутунини унинг юзига пуфлаш ва ҳоказоларни киритиш мумкин. Яъни майда безорилик, яъни жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимаслик ҳаракатларидир.

Майда безорилик **объектив томонининг** муҳим белгиси вазият, макон, вақт ҳисобланади. Турли шароитда бир хил хатти-ҳаракат турлича аҳамият касб этади. (Масалан, жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш майда безориликка хос воқеа, худди шундай хатти-ҳаракат тантанали мажлис, байрам ва бошқа оммавий тадбирларда жиноят тарзида жазоланувчи безорилик сифатида тавсифланиши мумкин ЖКнинг 277-модда 3-қисми).



Майда безорилик кўпинча жамоат жойларида амалга оширилади, яъни омманинг қабул қилиш идрокига таянилади. Бироқ жамоатга ёки инсон шаънига нисбатан менсимаслик муносабати (уятли сўзлар ёзиш, майсазор, гулпушта, гулзорларни бузиш ва ҳоказолар) маълум бўлиб қолишини эътиборга олиб, ҳуқуқбузарлик яширинча бажарилган бўлиши мумкин.

Майда безорилик **субъектив томондан** қасддан ва кўпинча ошкора амалга оширилиши билан тавсифланади. Айбдор қонунга қарши хатти-ҳаракат қилаётганини тушунади ва шунинг натижасида ёмон оқибатга олиб келишига-жамоат тартиби ва фуқаролар осойишталиги бузилишига йўл қўяди. Майда безорилик онда-сонда эгри ният билан амалга оширилади.

16 ёшга тўлган шахс майда безорилик **субъекти** бўлиши мумкин. Майда безорилик ЖКнинг 277-моддасида кўзда тутилган безорилик хатти- ҳаракатидан фарқ қиласди. Майда безорилик ҳақидаги иш жиноят ишлар бўйича судя томонидан (245-модда), эътиборга лойик жиҳати шундаки, майда безорилик МЖТКнинг 248-моддаси 2-қисм 1-бандига асосан туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманлар ички ишлар бўлимларининг (бошқармаларининг) бошлиқлари ёки бошлиқ ўринбосарлари, шунингдек транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаларининг (бўлимларининг) бошлиқлари томонидан ҳам кўриб чиқилиши мумкин. Бунда модда санкция қисмида келтирилган жарима қисми қўлланилади ҳолос. Чунки маъмурий қамоқ жазони қўллаш ваколати фақатгина суд ваколатига берилган.

5.16. Фуқароларнинг жамоат жойларида ибодат либосларида юриши (МЖТК 184¹-модда)

Мазкур ҳуқуқбузарликнинг **объекти** жамоат тартиби ҳисобланади.

Диний ташкилотлар ибодат қилиш ёки диний расм-руsumлар ўтказиш учун қулай жойлар ташкил этиш ва уларни сақлаб туриш, шунингдек, зиёратгоҳларни сақлаб туриш ҳуқуқига эгадир. Ибодат, диний расм-руsumлар ва маросимлар диний ташкилотлар жойлашган манзилдаги ибодатхоналарда ва уларга тегишли худудларда, зиёратгоҳларда, қабристонларда, зарур ҳолларда эса фуқароларнинг ихтиёрларига биноан уларнинг уйларида ўтказилади.

Касалхоналарда, госпиталларда, кексалар ва ногиронлар уйларида, дастлабки қамоқ ва жазони ўташ жойларида ибодатлар ва диний расм-руsumлар шу ердаги фуқароларнинг илтимосларига биноан ўтказилади. Диний маросим ва ибодат биноларидан ташқарида ўтказиладиган оммавий ибодатлар, диний расм-руsumлар ва маросимлар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (диний ташкилотларнинг хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришларига йўл қўйилмайди.

Ибодат либослари - турли динлар томонидан ибодат қилиш учун махсус белгиланган либослар.

Кўриб чиқилаётган хукуқбузарликнинг **объектив томони** хатти-ҳаракатда ифодаланади. Хукуқбузар Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (диний ташкилотларнинг хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришлари каби ҳаракатларда ифодаланади.

16 ёшга тўлган ақли расо шахс қонун олдида **субъект** ҳисобланади. Хукуқбузарликнинг **субъектив томони** қасдан ёки эҳтиёtsизлик орқасида қилиш шаклида ифодаланади.

Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган хукуқбузарлик тўғрисидаги иш жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

5.17. Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равища тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш (МЖтК 184²-модда)

Ушбу хукуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, диний мазмундаги материалларни тайёрлаш ва уларнинг назорат қилинмайдиган муомаласи давлатдаги ижтимоий барқарорликни издан чиқариши, хусусан, давлатнинг диний мазмундаги ва динга оид бошқа ахборотларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш, хорижда чоп этилган диний адабиётларни Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириш ва тарқатиш (сотиш), шунингдек, диний ташкилотлар марказий органларининг ўз ваколатларини амалга ошириши устидан назоратни ҳам сусайтиради. Ундан ташқари, диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равища тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси олиб кириш нолегал диний фаолият (прозелитизм, яъни бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига ёки бошқа миссионерлик фаолиятига жалб этиш) каби реал хавфни вужудга келтиради. Бу эса, ўз навбатида диний экстремизм, ақидапарастлик ва сепаратизмнинг янги шакллари пайдо бўлиши хавфини туғдиради.

Хукуқбузарликнинг турдош (махсус) **объекти** жамоат хавфсизлигини тартибга солувчи, таъминловчи ижтимоий муносабатлардир. Бевосита **асосий объекти** Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, сақлаш, мамлакат худудига олиб кириш ёки тарқатиш тартибида риоя қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Бевосита **қўшимча объекти** эса, жамиятдаги нормал ахлоқий муҳит, фуқароларнинг ахлоқий ва жисмоний соғлиғидир.

Хукуқбузарликнинг **объекти** жамоат тартиби ҳисобланади. Бундан келиб чиқиб, жиноятнинг предмети диний мазмундаги материаллар, яъни диний



мақсадга қаратилған буюмлар, диний адабиётлар ва ахборот берувчи бошқа материаллардир.

Диний мазмундаги предметлар – ибодат учун мұлжалланған бино ва иншоотлар (масжид, чёрков, синагог, монастырь, ибодат уйлари ва х.к.) ва маҳсус диний таълимот бериш, ибодат қилиш ва бошқа удумлар (чүқинтириш, никоҳлаш, жаноза ўқиши ва х.к.)ни амалга ошириш учун зарур бўлган ашёлардир. Диний адабиётларга диний мазмундаги китоблар, журнал, рисола ва босма равишида чоп этилган бошқа материаллар киради.

Диний мазмундаги ахборот берувчи бошқа материаллар деганда варақалар, плакатлар, маҳсус календарлар, диний нашрларнинг ксеронусхалари, кино, фото, аудио, видео маҳсулотлар, интернетдаги диний сайтлар ва ҳоказолар тушунилиши керак.

Кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг объектив томони хатти-ҳаракатда ифодаланади.

Ҳуқуқбузар диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равишида тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириш ёки тарқатиш ҳаракатини содир этади. Шунингдек, материалларни ва уларни тайёрлаш ҳамда тарқатиш учун тегишли воситаларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса, эллик бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишида Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ушбу материалларни хориждан мамлакатимиз ҳудудига қонунда белгиланған тартибни бузиб, тарқатиш мақсадида олиб кирилишида ифодаланади.

Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишида Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ҳуқуқбузарликнинг мазкур предметлари республика давлат чегарасидан ўтказилған ва айбдорда уларни тарқатиш мақсади аниқланған пайтдан бошлаб тугалланған ҳуқуқбузарлик сифатида эътироф этилади. Ушбу ҳаракатлар ҳуқуқбузарликнинг объектив томонини ташкил этади.

Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишида тарқатиш уларни учинчи шахслар фойдасига ҳар қандай шаклда (сотиш, уйларнинг эшиги тагига ташлаб кетиш, кўчада тарқатиш ва ҳоказолар) бериш ёки уларнинг мазмунини етказиш (варақалар осиш, оммавий ахборот восита-ларида чоп этиш, аудиторияларда чиқишилар қилиш, электрон почтадан фойдаланиш ва бошқалар)да ифодаланади. Диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишида тарқатиш ушбу материаллар ёки уларнинг мазмуни бир шахсга ошкор қилинган пайтдан тугалланған ҳисобланади.

16 ёшга тўлган ақли расо шахс қонун олдида субъект ҳисобланади. Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони қасдан содир этилади.

Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

5.18. Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш (МЖтК 184³-модда)

Ҳуқуқбузарликнинг *турдош (максус)* обьекти жамоат хавфсизлигини тартибга солувчи, таъминловчи ижтимоий муносабатлардир. *Бевосита асосий обьекти* миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш тартибига риоя қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. *Бевосита қўшишимча обьекти* эса жамиятдаги нормал ахлоқий мухит, фуқароларнинг ахлоқий ва жисмоний соғлигидир.

Ҳуқуқбузарликнинг **обьекти** жамоат тартиби ҳисобланади. Бундан келиб чиқиб, жиноятнинг предмети миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилишга қаратилган буюмлар, адабиётлар ва ахборот берувчи бошқа материаллардир. Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи мазмундаги материалларни қонунга хилоф равища Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ушбу материалларни хориждан мамлакатимиз худудига қонунда белгиланган тартибни бузиб, тарқатиш мақсадида олиб кирилишида ифодаланади.

Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи мазмундаги материалларни қонунга хилоф равища Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ҳуқуқбузарлигининг мазкур предметлари республика давлат чегарасидан ўтказилган ва айбдорда уларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш мақсади аниқланган пайтдан бошлаб тугалланган ҳуқуқбузарлик сифатида эътироф этилади. Ушбу ҳаракатлар ҳуқуқбузарликнинг обьектив томонини ташкил этади. Миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи мазмундаги материалларни қонунга хилоф равища тарқатиш уларни учинчи шахслар фойдасига ҳар қандай шаклда (сотиш, уйларнинг эшиги тагига ташлаб кетиш, кўчада тарқатиш ва ҳоказолар) бериш ёки уларнинг маз-мунини етказиш (варақалар осиш, оммавий ахборот воситаларида чоп этиш, аудиторияларда чиқишилар қилиш, электрон почтадан фойдаланиш ва бошқалар)да ифодаланади.

16 ёшга тўлган ақли расо шахс қонун олдида **субъект** ҳисобланади. Ҳукуқбузарликнинг субъектив томони қасддан содир этилади. Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

5.19. Қуролдан белгиланган тартибни бузган ҳолда фойдаланиш (МЖтК 185-модда)

Пневматик, улоқтириш, сигнал берувчи куролдан белгиланган тартибни бузган ҳолда отиш, шунингдек тифли совуқ қуролдан (ов пичоқлари, ов ханжарчалари ва ханжарлардан, рапиралар, шпагалар ва қиличлардан) белгиланган тартибни бузган ҳолда фойдаланиш — куролни ва ўқ-дориларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.



Ўқотар қуролдан белгиланган тартибни бузган ҳолда отиш — қуролни ва ўқ-дориларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Жамоат тартиби ва аҳолининг хавфсизлиги кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг **объекти** ҳисобланади. Ўқотар қуроллардан фойдаланиш қоидасини бузганлик учун жавобгарлик белгиланади.

Ҳуқуқбузарликнинг **объектив томони** пневматик, улоқтириш, сигнал берувчи қуролдан белгиланган тартибни бузган ҳолда отиш, шунингдек тифли совуқ қуролдан (ов пичоқлари, ов ханжарчалари ва ханжарлардан, рапиралар, шпагалар ва қиличлардан) белгиланган тартибни бузган ҳолда фойдаланиш.

16 ёшли фуқаролар ушбу ҳуқуқбузарлик **субъекти** бўлиши мумкин.

Ҳуқуқбузарликнинг **субъектив томони** ўқотар қуролдан фойдаланиш қоидасини онгли равища, қасдан бузища ифодаланади. Ҳуқуқбузарликни квалификатсия қилиш учун қилмишнинг сабаб ва мақсади аҳамиятга эга эмас.

Бузғунчининг шахсий мулкида бўлган қурол ва ўқ-дори мусодара қилинади. Ов қилиш яшашнинг асосий манбаи бўлган шахсларга бундай чора қўлланилмайди.

Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

5.20. Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи (МЖТК 185¹-модда)

Жамоат тартиби ва аҳолининг хавфсизлиги кўриб чиқилаётган ҳуқуқбузарликнинг қасд қилиш **объекти** ҳисобланади.

Ушбу ҳуқуқбузарликнинг **объектив томони** пиротехника буюмларини қонунга хилоф равища ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равища Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш ҳаракатлариdir.



ва ҳоказолардир.

Пиротехника буюмларини қонунга хилоф равища ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равища Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказишидир. Кўриб чиқилаётган модда нуқтайи назаридан сақлаш деганда пиротехника буюмларининг аниқ бир шахсга тегишли бўлган омборхонада бевосита тўпланиши тушунилади.

Пиротехника буюмларини ҳисобга олиш – бу норматив-хукуқий ҳужжатларда белгиланган модда ва буюмларнинг миқдори, ҳаракати устидан тегишли журналлар, реестрлар ва бошқа ҳисобга оловчи ҳужжатлар орқали назорат қилиш тартиби.

Пиротехника буюмларидан фойдаланиш – бу кўрсатилган модда ва буюмларни бевосита қўллашдир (қонуний ва ғайриқонуний бўлиши мумкин). Қайд этилган модда ва буюмларни ташиш деганда, уларни бир жойдан бошқа жойга ҳар қандай транспорт воситалари орқали кўчириш тушунилади.

Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган ҳукуқбузарлик тўғрисидаги иш жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

5.21. Вояга етмаган шахсни маъмурий ҳукуқбузарлик содир этишга жалб қилиш (МЖтК 188¹-модда)

Вояга етмаган шахсни маъмурий ҳукуқбузарлик содир этишга жалб қилиш маъмурий ҳукуқбузарлик ҳисобланади.

Мазкур ҳукуқбузарлик обьекти - жамоат тартибига тажовуз қилувчи ижтимоий муносабатлардир.

Объектив томондан ушбу жиноят вояга етмаган шахсни маъмурий ҳукуқбузарлик содир этишга жалб қилиш билан ифодаланади.

Вояга етмаган шахсни маъмурий ҳукуқбузарлик содир этишга жалб этиш деганда, вояга етмаган шахсга нисбатан жисмоний зўрликни қўллаш ёки унга руҳий тазийк ўтказиш билан



қўрқитиш, пул бериб оғдириш, авраш, алдаш, ўч олиш, ҳасад, рашк туйғуларини ва бошқа паст ниятларини қўзгатиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишини таклиф қилиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш жойи ва усуллари ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик изларини яшириш ҳақида маслаҳатлар бериш йўли билан унинг бир ёки бир неча маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишида иштирок этиш ниятини рағбатлантиришга қаратилган ҳаракатлар ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга оғдириш мақсадида вояга етмаган шахслар билан спиртли ичимликлар ичилишини тушуниш зарур.

Вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилиш айбдорнинг вояга етмаган шахсга жисмоний ёки руҳий таъсир кўрсатиш билан боғлиқ фаол ҳаракатлари орқали амалга оширилади.

Таҳлил этилаётган ҳуқуқбузарлик шахс томонидан вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга далолат қилувчи ҳаракатларни содир этган пайтдан эътиборан, вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб этилгани ёки этилмаганидан қатъи назар, тугалланган деб эътироф этилади.

Субъектив томондан мазкур ҳуқуқбузарлик тўғри қасд билан содир этилади, яъни айбдор вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилаётганини билиб туради ва шуни хоҳлайди.

Ҳуқуқбузарлик субъекти 16 ёшга тўлган ақли расо ҳар қандай жисмоний шахс ҳисобланади.

Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

5.22. Вояга етмаган шахснинг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда бўлишига йўл қўйиш (188²-модда)

Ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналар ёки бошқа кўнгил очиш (дам олиш) жойларининг раҳбарлари ёхуд бошқа масъул шахслари томонидан вояга етмаган шахснинг тунги вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз кўрсатилган муассасаларда бўлишига йўл қўйиш — базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.



Ушбу ҳуқуқбузарликнинг **объекти** жамоат тартиби ҳисобланади. **Объектив томондан** вояга етмаган шахснинг тунги вақтда ота-онасидан бири ёки унинг

ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз кўрсатилган муассасаларда бўлишига йўл қўйиши. Ҳукуқбузарликнинг **жойи** диспозицияда аниқ белгилаб қўйилган бўлиб, уларга ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналар ёки бошқа кўнгил очиш (дам олиш) жойлари киради.

Субъектив томондан ушбу ҳукуқбузарлик қасдан ёки бепарволикка асосланган эҳтиётсизликда ифодаланади. **Субъект** сифатида юқорида кўрсатилган жойларнинг раҳбарлари ёхуд бошқа масъул шахслари ҳисобланади.

5.23. Тиланчилик қилиш (МЖтК 188³-модда)

Ушбу ҳукуқбузарликнинг **объекти** жамоат тартиби, одоб-аҳлоқ қоидалари, юриш-туриш меъзонлари ҳисобланади.

Объектив томондан ушбу ҳукуқбузарлик аэропортларда, вокзалларда, хиёбонларда, истироҳат боғларида, бозорларда ва савдо мажмуалари худудларида, шунингдек уларга туташ худудларда, автомототранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида, кўчаларда, стадионларда, бекатларда, йўлларнинг қатнов қисмида, моддий ва маданий мерос обьектлари жойлашган худудларда, жамоат транспортининг барча турларида ва бошқа жамоат жойларида пул, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа моддий қимматликлар беришни фаол тарзда сўраб, тиланчилик билан шуғулланиш орқали ифодаланади. Юқорида келтириб ўтилган худудлар умумий фойдаланишдаги жамоат жойлари ҳисобланади ва доим аҳоли билан тирбанд жойлар ҳисобланиб, шу сабабдан ҳам бу ҳукуқбузарлик жамоат тартиби учун ижтимоий хавфли саналади.



Субъектив томондан ушбу ҳукуқбузарлик тўғри қасд билан фаол ҳаракат орқали содир этилади.

Ҳукуқбузарлик **субъекти** 16 ёшга тўлган ақли расо шахс ҳисобланади.

Ушбу ҳукуқбузаликнинг иккинчи қисми **объектив томондан** вояга етмаган шахсларни, кекса ёшдаги шахсларни, руҳий ҳолати бузилган шахсларни, ногиронлиги бўлган шахсларни ва бошқа шахсларни тиланчилик қилишга жалб этиш, шунингдек шахсларга алкоголь ичимликларни ёхуд гиёхвандлик моддалари ёки психотроп моддалар бўлмаган, лекин шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи моддаларни мажбуран истеъмол қилдирган ҳолда уларни тиланчилик қилишга жалб этиш орқали содир этилади.

Жалб қилиш деганда, вояга етган шахснинг вояга етмаган шахсни маълум бир ҳаракатларни бажаришга кўндиришга қаратилган ҳаракатлари тушунилади.

Жалб қилиш пул бериш, алдаш, жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатиш ва бошқа харакатлар орқали амалга оширилиши мумкин.

Ваъда бериш айбдор шахснинг вояга етмаган шахсга нисбатан бирор-бир мажбуриятни олишини, яъни унинг манфаатлари йилида маълум бир ҳаракатни амалга ошириши ёки амалга оширишдан ўзини тийишини айтишида ифодаланади (масалан, вояга етмаган шахсни бошқалардан ҳимоя қилишга, моддий ёрдам беришга, ўқишга киритишга ваъда бериш). Алдаш вояга етмаган шахсни бирор-бир маълумот ёки воқеани чалғитиб кўрсатиш орқали амалга оширилади. Жисмоний зўрлик ишлатиш вояга етмаган шахсни унинг иродасини синдириб, маълум бир ҳаракатларни амалга оширишга мажбурлаш мақсадида дўппослаш, турли даражадаги тан жароҳатлари етказиш ёки бошқача тарзда жисмоний азоб бериш (боғлаш, қўлини қайириш ва бошқалар)да ифодаланади.

Тиланчилик қилишга жалб қилиш учун жавобгарлик, вояга етмаган шахсни бегона шахслардан пул, озиқ-овқатлар, кийим-кечаклар ва ҳоказоларни сўраб тиланчилик қилишни бошламагандан ҳам юзага келиши лозим. Шахсни тиланчиликка жалб қилган пайтдан ҳуқуқбузарлик тамомланган вақт деб топилади. Ҳуқуқбузарлик **субъектив томондан** қасдан содир этилади.

Субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахсdir.

Нарсани мусодара қилиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси органларининг давлат ижрочилари томонидан ижро этилади.

Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

5.24. Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш (МЖтК 189-модда)

Мазкур ҳуқуқбузарликнинг **объекти** – жамиятдаги ахлоқ қоидалари, нормал жинсий ҳаёт тарзини қўриқловчи ижтимоий муносабат ҳисобланади.

Мазкур ҳуқуқбузарлик жамоат тартибига, ахлоқ қоидаларига, ўсмир ёшдагиларнинг онгига салбий таъсир кўрсатиши билан, нормал ҳолатдаги жинсий муносабатлар соҳасидаги порнографик маҳсулотлар туфайли бузилишларга сабабчи бўлиши билан белгиланади.



Порнографик маҳсулот деб топишимиз учун унда жинсий ҳаёт қўпол, беҳаё, ножўя ҳаракатлар орқали тасвирланган, ёшлар онгига носоғлом жинсий хиссиятни шакллантирадиган, инсон онгига тез таъсир кўрсатадиган насрый ва

шеърий усулдаги асарлар, қўлёзмалар ва кўпайтирилган тасвиirlар бўлиши мумкин. Ҳозирги даврда бундай маҳсулотлар интернет сайтлари орқали ёшлар орасида кенг тарқалиб бормоқда. Аслида инсонлар мушкулларини осонлаштириш, енгилликлар бериш мақсадини кўзловчи мазкур сайтларда эндиликда жамиятнинг ахлоқан бузилишини кўзловчи маҳсулотлар оммалаштирилмоқда.

Хуқуқбузарликнинг **объектив томони** – порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириш, худди шунингдек уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этишда намоён бўлади. Бунда тайёрлаш деганда асар тўлиқ ёки қисман яратилади, яъни порнографик мазмундаги матн тузилиши, расм чизилиши, кино ёки фотосурат олиниши мумкин.

Порнографик расмларни суратга олиш, порнографик матнларни аппаратлар орқали кўпайтириш ҳам уни тайёрлаш ҳисобланади. Агар шахс порнографик ашёларни битта шахсга бўлса-да кўрсатган бўлса ёки кўрсатса, қаердан топиши мумкинлигини айтса, мазкур ашёларнинг мазмунини оғзаки, ёзма ёки босма эълонлар орқали маълум қилса ҳам порнографик маҳсулотларни реклама қилиш ҳисобланади. Агар шахс уни тарқатиш мақсадида сақлаб турса ҳам, хуқуқбузарликни содир этиш ҳисобланади, шахсий фойдаланиш учун сақланиши эса жавобгарликни келтириб чиқармайди.

Хуқуқбузарлик **субъекти** 16 ёшга етган, ақли расо ҳар қандай жисмоний шахс бўлиши мумкин.

Хуқуқбузарликнинг **субъектив томони** – шахс томонидан қасдан содир этилади. Бунда мақсад ва мотив зарурий белги ҳисобланади. Чунки шахс ушбу маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, сақлаб туриш мақсадида тайёрлайди. Унинг қасди жамоат ахлоқий тартибини бузишга, ёшларда носоғлом жинсий хиссиётни шакллантиришга қаратилади.

Зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотларни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мазмундаги нарсани мусодара қилиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюроси органларининг давлат ижро чиқарилари томонидан ижро этилади.

Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

5.25. Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш (189¹-модда)

Мазкур хуқуқбузарлик ҳам жамоат тартиби, ахлоқ қоидаларига қарши қаратилган бўлиб, ёшлар онгига зўравонлик, шафқатсизлик, муросасизлик каби

ҳиссиётларни сингдиришда намоён бўлади. Бунда шахс томонидан ҳам тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсади кўзланади, ҳам ана шундай ҳаракатларнинг ўзи содир этилиши мумкин. Бундай маҳсулотларга жуда кўп ҳолларда маҳсус компьютер ўйинхоналарида гувоҳ бўламиз. Шунингдек, интернет сайtlари орқали зўравонликка, шафқатсизликка чорловчи маҳсулотлар реклама қилинади, уларга жойлаштирилади. Қизиқувчан ёшлар ўша маҳсулотларга ўzlари билмаган ҳолда боғланиб қолишади ва ўз қаҳрамонларининг ҳаётдаги жонли намуналарига айланишади.



Мазкур хуқуқбузарлик **объекти** – жамоат тартиби, ахлоқ қоидалари, ёшларнинг соғлом ҳаёт тарзини қўриқловчи ижтимоий муносабат хисобланади.

Хуқуқбузарликнинг **объектив томони** – зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотларни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлашда, Ўзбекистон ҳудудига олиб киришда, шунингдек, тарқатиш, реклама қилиш ва намойиш этишда намоён бўлади.

Субъекти – 16 ёшга тўлган, ақли расо ҳар қандай жисмоний шахс бўлиши мумкин.

Хуқуқбузарликнинг **субъектив томони** – қасдан содир этилади, яъни мана шу маҳсулотларни тарқатишни, одамлар томонидан кўрилишини, уларда зўравонлик, шафқатсизлик ҳисларининг шаклланишини истайди.

Зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотларни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мазмундаги нарсани мусодара қилиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси органларининг давлат ижрочилари томонидан ижро этилади.

Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

4.26. Фоҳишалик билан шуғулланиш (МЖТК 190-модда)

Аёлнинг моддий манфаат эвазига эркак билан жинсий алоқада бўлишини фоҳишалик деб тушуниш керак.

Фоҳишалик тушунчасининг ўзи эркаклар билан жинсий алоқалар орқали моддий манфаат кўришга йўналтирилган мунтазам хатти-ҳаракатdir. Шунинг учун рағбат эвазига эркак билан алоқада бўлишнинг алоҳида, айрим фактлари шарҳланётган айб белгисига эга эмас.



Моддий манфаат кўриш учун эркаклар билан бир неча марта (йил давомида икки мартадан кўп) жинсий алоқада бўлишни мунтазамлилик деб тушуниш керак.

Фоҳишилик билан касб сифатида шуғулланиш моддий манфаат кўриш учун эркаклар билан мунтазам жинсий алоқага киришишни, бу рағбат асосий ёки қўшимча, лекин моддий манфаат кўришнинг доимий манбаи эканини кўзда тўтади. Бунда ҳар бир жинсий алоқа учун олинадиган рағбат миқдори тасниф учун аҳамиятга эга эмас.

Моддий рағбат сифатида фақат ўзбек ва чет эл валютасигина эмас, балки буюмлар, қимматбаҳо нарсалар, спиртли ичимликлар ва ҳоказолар ҳам ишлатилиши мумкин.

Фоҳишахона деганда, мижозлар табиий жинсий алоқа ёки жинсий эҳтиёжларини ғайритабии усулда қондириши учун мўлжалланган ҳар қандай хонани ёки жойни тушуниш зарур.

Фоҳишахона алоҳида хонадон, уй, дала ҳовли, саунадаги, ёрдамчи хонадаги алоҳида бир жой ва ҳоказо кўринишда бўлиши мумкин. Ҳозирги вақтда уйлар, меҳмонхона, дам олиш зоналари ва бошқа жойларда ҳам фоҳишахоналар бўлиши мумкин. Поездлар, автомашиналар, микроавтобусларнинг маҳсус жойлари ҳам бўлиши мумкин. Зарурий шарти, бу ерга одамларни ўз эҳтиёжини қондириш учун ҳақ эвазига келишидир.

Фоҳишахона очиш ва сақлаш деганда, хона танланиши, унинг жиҳозланиши, фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитлар яратилиши, узоқ вақт хизмат қилиши учун фоҳишахонанинг сақланиши, мижозлар жалб қилиниши, унинг рекламаси ва ҳоказоларни тушуниш керак.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, ушбу модданинг иккинчи қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилади.

Ушбу ҳуқуқбузарлик **субъекттив томондан** бевосита қасддан қилинган сифатида тавсифланади, яъни аёл ўз хатти-ҳаракатининг ноқонуний эканини англаса ҳам уни амалга ошириш ниятида бўлади. Бундан ташқари, ҳуқуқбузарда аниқ ифодаланган мақсад – моддий манфаат кўриш хоҳиши бор.

Моддий манфаат кўриш фоҳишиликнинг амалий белгисидир, чунки бу мақсад ҳуқуқбузарда жинсий алоқага киришишдан олдин юзага келади.

16 ёшга етган аёл жинсидаги шахс ҳуқуқбузарликнинг **субъектти ҳисобланади**.

Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

Фоҳишилик билан шуғуллангани учун маъмурий жазоланган шахс таносил касаллигини аниқлаш ва даволаш мақсадида тиббий текширув учун юборилиши лозим. Тиббий кўрикка ёки ички ишлар органига келишдан бош тортган шахслар

ходимлар томонидан ушлаб келтирилиши мүмкін. Ҳуқуқбузар узрли сабабсиз тиббий муассасага ёки ички ишлар органига боришдан бош тортган тақдирда мажбурий тартибда ушлаб келтирилади.

4.27. Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар (МЖТК 191-модда)

Мазкур ҳуқуқбузарликнинг **объекти** – жамоат тартиби, ахлоқ қоидалари, ёшларнинг соғлом ҳаёт тарзини қўриқловчи ижтимоий муносабат ҳисобланади.

Қимор ўйнаш дейилганда фақат ўйновчининг маҳоратига ёки тасодифга боғлиқ бўлган ютуқнинг ўзигина эмас, балки коммерсия тусидаги ўйинлар – преферанс, винт, шунингдек пул тикиб ўйналадиган билярд, домино, лото, нард ва ҳоказолар ҳам тушунилади, ўйин асосини пулли ютуқ, буюм ёки аллақандай бошқа қимматли бойлик ташкил этади.



Пул, буюм ва бошқа хил қимматбаҳо нарсаларни тикиб қимор ўйнашнинг **объектив томони** шахснинг ўйнашга розилик беришида; пул ёки бошқа хил қимматбаҳо нарсалар довга қўйилишида, ўйин шартлари амалий бажарилганда ўз ифодасини топади.

Бундан ташқари, **объектив томони**, шунингдек спорт ва бошқа томоша мусобақалари (футбол ва хоккей ўйинлари, югуриш ва ҳоказолар) ўтказилаётганда пул, буюм ва бошқа қимматбаҳо ашёлар дов сифатида қабул қилинишида ҳам ифодаланади. Ушбу ҳуқуқбузарликнинг моддадаги биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда қонунга хилоф равишда иштирок этиш ҳаракатида, худди шундай ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш ёхуд вояга етмаган шахсни қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда иштирок этишга жалб қилиш маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади ва ушбу ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарликнинг объектив томонини ташкил этади.

Кейинги қисмлари қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ёки ўтказиш учун телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан интернет жаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатиш ёки хизматлар кўрсатишга қўмаклашиш жавобгарликка сабаб бўлади.

Ташкилий хусусиятга эга бўлган қуйидаги хатти-ҳаракат **объектив томон** таркибига киради:

-ўйин жиҳозлари билан қатнашчиларни таъминлаш;

-ўйинга кишиларнинг кенг доираларини жалб этиш (реклама қилиш, тарғиб этиш, ўйнашга розилик берган ўткинчиларни ютадиган қилиб кўрсатиш);

-ўйин учун қулай шароит яратиш (рақобатчиларни бартараф этиш, ўйин ташкилотчиларининг шахсий хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг вакиллари пайдо бўлгани ҳақида ўйновчиларни ўз вақтида огоҳлантириш ва ҳоказолар).

Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

4.28. Ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик (МЖтК 194-модда)

Ушбу ҳуқуқбузарликнинг **объекти** бошқарув тартиби соҳасидаги ижтимоий муносабатлар.

Ушбу модданинг биринчи қисмидағи ҳуқуқбузарликнинг **объектив томонини** қўйидагилар ташкил этади:

1. Ички ишлар органлари ходимининг ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳужжатларни текшириш учун тақдим этиш, ички ишлар органларига бориш ёки кўрсатилган муддатда ички ишлар органларида бўлиш тўғрисидаги қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик;

2. транспорт воситасини тўхтатиш, жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақидағи қонуний талабларини бажармаслик;

3. ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларига бошқача тарзда бўйсунмаслик, худди шунингдек жамоат тартибини сақлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш вазифаларини амалга ошираётган бошқа шахсларнинг қонуний талабларини бажармаслик ҳаракатлари.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, иккинчи қисми билан маъмурий жавобгарликка тортилади.

Ушбу ҳуқуқбузарликнинг **субъектив томони** қасдан бўлиб, **субъекти** 16 ёшга етган шахс ҳисобланади.

Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

4.29. Ички ишлар органлари ходимларининг ўз хизмат бурчларини бажаришларига қаршилик кўрсатиш (МЖтК 195-модда)

Ушбу ҳуқуқбузарликнинг **объекти** бошқарув тартиби соҳасидаги ижтимоий муносабатлардир.

Ушбу ҳуқуқбузарликнинг **объектив томони** ички ишлар органлари ходимининг ўз вазифаларини бажариши билан боғлиқ қонуний талабларини бажармасликка, омма олдида ҳар қандай шаклда даъватлар қилиш, худди

шунингдек ички ишлар органлари ходимларига оммавий равища бўйсунмасликни келтириб чиқариш мақсадида била туриб соҳта уйдирмаларни тарқатиш ҳаракатларидир.

Ички ишлар органлари ходимининг ўз вазифаларини бажаришга тааллуқли қонуний талабларини бажармасликка ҳар қандай кўринишда омма олдида даъват қилиш кодекснинг 195-моддаси бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибини ташкил этади. Омма олдида даъват қилиш бошқа фуқароларни жамоат жойини тарқ этишдан бош тортиш, ҳаракатни тўхтатмаслик, ҳокимият вакиллари обрў-эътиборига путур етказиш, уларни ҳақоратлаш, уларга зулм ўтказиш каби қилмишлар содир этишга ундашдан иборат.

Атайн соҳта уйдирмалар деганда айбдорнинг бошқа фуқаролар орасида тарқатган турли мишишлари, хабарлари тушунилади. Бу шундай маънони англатадики, айбдор ё умуман бўлмаган факт ва маълумотлар юз бермаган воқеаларни баён қиласи ёки айрим лавҳаларни бузиб кўрсатади.

Айбдорнинг барча хатти-ҳаракати, шу жумладан ёлғон маълумотлар, уларни баён этиш усули ИИО ходимларига оммавий бўйсунмасликка қаратилади.

Объектив томондан бу ҳуқуқбузарликлар фаол хатти-ҳаракат бўйсунмасликка даъват, қаршилик кўрсатиш, куч ишлатиш, тан жароҳати етказиш, била туриб соҳта уйдирмаларни оғзаки усулда тарқатиш шаклида ифодаланади.

Бу ҳуқуқбузарликнинг **субъекти** 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс. Ушбу кодекснинг 195-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик **субъектив томондан** қасд ва ғараз мақсадда содир этилади. Айбдор қонунга қарши хатти-ҳаракат қилаётганини била туриб, айнан ҳокимият вакилига бўйсунмасликни омма олдида даъват этади ва қаршилик кўрсатиш, оммани бўйсунмасликка чақиради.

Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш жиноят ишлари бўйича судлар томонидан қўриб чиқилади (245-модда).

4.30. Ҳуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан ички ишлар органларининг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик (МЖтК 196-модда)

Ички ишлар органлари фуқароларни, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жамият ва давлатни жиноий ҳамда бошқа ҳуқуққа қарши тажовузлардан қўриқловчи, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи давлат ташкилотидир.

Ички ишлар органларининг фаолияти қонун, шахсни ҳурмат қилиш, ижтимоий адолат, демократизм, интернатсионализм, инсонпарварлик, меҳнат шакллари ва аҳоли билан ўзаро ҳамкорлик, жамоат фикрини доим ҳисобга олиб бориши қоидаларига мос тарзда қурилади. Ички ишлар органларининг фаолияти

фуқаролар, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари учун ошкора ва очиқ ҳисобланади.

Ички ишлар органлари давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари, аҳоли ва оммавий ахборот воситаларини хуқуқ-тартибот ва уни мустаҳкамлаш чораларининг аҳволи ҳақида хабардор қиласи.

Бундан ташқари тегишли давлат идораларига, жамоат бирлашмаларига ёки мансабдор шахсларга жиноят ва бошқа хуқуқбузарлик содир бўлишига яратилган сабаб ва шароитларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўриш зарурлиги ҳақида тақдимнома киритади.

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари ички ишлар органларининг ёзма тақдимномасини олгач, унда кўрсатилган жиноят ва хуқуқбузарликнинг рўй беришига имкон туғдирадиган сабаб ва шароитларни бартараф этишлари ва кўрилган чора-тадбирлар ҳақида қонунда белгиланган муддатда ички ишлар органларига хабар беришлари лозим.

Ушбу кодекснинг 313-моддасига биноан ишни кўриб чиқувчи орган (mansabдор шахс) маъмурий хуқуқбузарликлар содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитларни аниқлаганда, тегишли корхона, ташкилот, муассаса раҳбарига бу сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф қилиш юзасидан чоралар кўриш тўғрисидаги тақдимномани тегишли корхона, муассаса, ташкилот раҳбарига киритади. Раҳбар тақдимнома келиб тушган кундан бошлаб бир ой ичида уни киритган органга (mansabдор шахсга) кўрилган чора ҳақида маълум қилиши шарт.

Ушбу кодекснинг 196-моддасида назарда тутилган хуқуқбузарликнинг **объекти** – бу бошқаришнинг белгиланган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Объектив томондан хуқуқбузарликни содир этиш сабабларини ҳамда уни содир этишга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан ички ишлар органларининг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмасликда ифодаланади.

Бу хуқуқбузарликнинг **субъекти** – мансабдор шахс, яъни корхона, ташкилот ва муассаса раҳбари.

Ушбу хуқуқбузарлик **субъектив томондан** қасд ёки совуққонлик шаклидаги эҳтиётсизлик орқали содир этилади.

Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган хуқуқбузарлик тўғрисидаги иш жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

4.31. Махсус хизматларни қасдан алдаб чақирганлик (МЖТК 199-модда)

Ихтисослаштирилган хизматнинг расмий иши ва бошқаришда ўрнатилган тартиби ва бошқарув тартибига доир муносабатлар ушбу ҳуқуқбузарликнинг **объекти** ҳисобланади. Ички ишлар органларини, фавқулодда вазиятлар органларини, тиббий тез ёрдам ва бошқа маъсус хизматларни қасдан алдаб чақирганлик маъмурий ҳуқуқбузарликни келтириб чиқариб, унинг **объектив томонини** ташкил этади.

Субъект 16 ёшга тўлган фуқаролардир.

Субъектив томондан бевосита қасд қилиши билан тавсифланади. Айбор үз қилмиши қонунга қарши эканлигини англаб, салбий оқибатларнинг юзага келишига йўл қўяди-ю, бироқ бу ҳаракатнинг номаълум бўлиб қолишига умид қиласди. Баҳона ва мақсади безорилик ниятида ихтисослашган хизмат чақирсанда яшовчи фуқародан ўч олиш туйғуси ва ҳоказодир.



Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

4.32. Ўзбошимчалик (МЖтК 200-модда)

Ушбу ҳуқуқбузарликнинг **объекти** бошқарув тартибига доир муносабатлардир. Фуқароларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш тартибини қонун белгилаб берган. Қонунга ёки тегишли қоидага зид бўлган ҳуқуқни амалга ошириш ўзбошимчалик ҳисобланади. Шахсга қонун ёки қонун кучидаги ҳужжатлар асосида тегишли бўлган ҳуқуқ ҳақиқий деб тан олинади. Айборнинг ўзига ва у манфаати учун ҳаракат қилаётган бошқа шахсга тегишли бўлган вижданан адашиш ҳуқуқи фараз қилинган. Ҳуқуқбузар ҳаққи йўқ нарсанинг эгаси бўлишга уринаётганини била туриб, атайин қонунга зид ҳаракат қилган тақдирда, у, агар ҳаракатида бошқа маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят таркиби бўлмаса, 200-модда бўйича жавобгарликка тортилиши мумкин.



Ўзбошимчаликнинг **объектив томони** фаол ҳаракат билан тавсифланади. Ҳаракатсизлик билан ўзбошимчалик қилиш мумкин эмас. Ўзбошимчалик, яъни ўзининг ҳақиқий ёки назарда тутилган ҳуқуқини фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манбаатларига, давлат манбаатлари ёки жамоат манбаатларига жиддий зарар ёки зиён келтирмаган ҳолда ўзбошимчалик билан амалга ошириш ҳаракатларида содир этилади.

Суд, давлат ёки жамоат органининг шахсни маълум бир ҳаракат қилишга мажбур этувчи қарорини бажармасликни ўзбошимчалик деб ҳисоблаб бўлмайди.

Агар фуқароларга ёки давлат ва жамоат ташкилотларига жиддий зарар келтириш кўринишидаги оқибатлари бўлмаган тақдирда 200-моддада кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби мавжуд бўлади. Бу ўринда маъмурий жазолаш билан ЖК 229-моддасида назарда тутилган жинояткорона ўзбошимчаликни чегаралаш муҳим ҳисобланади.

Жинояткорона ўзбошимчаликнинг объектив томони учун фуқароларга ёки давлат ва жамоат ташкилотларига етказилган жиддий зарарнинг мавжудлиги зарур. Зиённинг моҳияти унинг ҳажми, хусусияти, шунингдек жабрланувчи учун бузилган эзгуликнинг алоҳида қиймати билан белгиланиши, яъни моддий зиён, маънавий зарар, фуқаро ҳуқуқининг бузилиши (масалан, фуқарони тураг жойдан фойдаланиш имкониятидан маҳрум этиш)да ифодаланиши мумкин. Ўзбошимчаликни квалификатсия қилиш учун келтирилган зарар миқдори эмас, балки уни жабрланувчи сезиб туриши ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Кўп ҳолларда, масалан, тураг жойга эга бўлиш ҳуқуқи ташкилотнинг одатий иши бузилган тақдирда зарар беҳисоб бўлиши мумкин. Заарни баҳолаш пайтида жамиятда мавжуд бўлган шу каби зиёнларни объектив баҳолаш эътиборга олинади.

Ўзбошимчалик қасддан содир этилган ҳуқуқбузарликдир. Айборд ушбу ҳуқуқни амалга ошириш учун ўрнатилган тартибни бузайтганлигини, яъни ўз ҳаракати ноқонуний эканини сезади, бу хатти-ҳаракат заарли оқибатга олиб келиши мумкинлигини олдиндан кўради, бунга афсусланади ёки онгли равишда йўл қўяди.

16 ёшга тўлган фуқаролар ёки ўзининг хизмат мавқейидан фойдаланиб, ўзбошимчалик қилган мансабдор шахслар ушбу ҳуқуқбузарлик **субъекти** бўлиши мумкин.

Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

4.33. Фавқулодда ҳолат тартиби шароитида жамоат тартибига тажовуз қилиш (МЖтК 205-модда)

Фавқулодда ҳолат эълон қилинган жойларда мишишлар тарқатиш ва ҳуқуқ-тартиботни бузишга ундовчи ёки миллий адоваратни авж олдирувчи бошқа ҳаракатлар, фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг ўз қонуний ҳуқуқлари ва бурчларини амалга оширишларига фаол тўсқинлик қилиш, худди шунингдек ички ишлар органлари ходимининг, ҳарбий хизматчи ёки жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажараётган бошқа шахсларнинг қонуний фармойиши ёки талабига қасддан бўйсунмаслик ёхуд жамоат тартибини ва фуқаролар осойишталигини



бузадиган бошқа шунга ўхшаш ҳаракатлар ёки маъмурий назорат қоидаларини бузиш, ушбу модда бўйича жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Мазкур хукуқбузарлик **объекти** жамоат тартиби ҳисобланади. Ҳукуқбузарликнинг **объектив томони** ҳаракатда ҳам, ҳаракатсизликда ҳам ифодаланади.

Фавқулотда ҳолат эълон қилинган жойларда миш-мислар тарқатиш ва хукуқ тартиботни бузишга ундовчи ёки миллий адоватни авж олдирувчи бошқа ҳаракатлар, фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг ўз қонуний ҳукуқлари ва бурчларини амалга оширишларига фаол тўсқинлик қилиш, худди шунингдек ички ишлар органлари ходимининг, ҳарбий хизматчи ёки жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажараётган бошқа шахсларнинг қонуний фармойиши ёки талабига қасдан бўйсунмаслик ёхуд жамоат тартибини ва фуқаролар осойишталигини бузадиган бошқа шунга ўхшаш ҳаракатлар ёки маъмурий назорат қоидаларини бузишда ифодаланади.

Субъекти – 16 ёшга тўлган фуқаролар.

Ҳукуқбузарликнинг **субъектив томони** қасдан ёки эҳтиёtsизлик орқали содир этилади.

Кодекснинг мазкур моддасида назарда тутилган ҳукуқбузарлик тўғрисидаги иш куйидаги органлар томонидан кўриб чиқилади:

- Жиноят ишлари бўйича судлар (245-модда);
- Ички ишлар органлари (248-модда) - туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманлар ички ишлар бўлимларининг (бошқармаларининг) бошликлари ёки бошлиқ ўринбосарлари, шунингдек транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаларининг (бўлимларининг) бошликлари томонидан.

4.34. Маъмурий назорат қоидаларини бузиш (МЖтК 206-модда)

Устидан маъмурий назорат ўрнатилган шахсларнинг бундай назорат қоидаларини бузиши, ушбу модда бўйича жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Қонунда белгиланган бошқариш тартиби кўриб чиқилаётган ҳукуқбузарликнинг **объекти** ҳисобланади.

Ушбу ҳукуқбузарликнинг **объектив томони** назоратдаги шахс ўзи учун белгиланган назорат қоидаларини бузишга қаратилган турли ҳаракатни ташкил этади. Бу ҳаракат фаол ёки сезиларсиз кўринишда бўлиши мумкин. Масалан, туман, шаҳарда унинг учун тақиқланган жойларда бўлиш ёки белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш учун милицияга келмаслик. Фавқулодда ҳолат эълон қилинган жой (205-модда)да амалга оширилган маъмурий назорат



қоидаларини бузиш айбни оғирлаштирадиган белги ҳисобланади. Ҳуқуқбузарлик **субъекти маъмурий** назорат ўрнатилган вояга етган шахсдир.

Субъектив томондан ҳуқуқбузарлик фақат бевосита қасдан амалга оширилиши мумкин. Шахс маъмурий назорат қоидасини бузётганини билади ва шуни истайди. Айборда бу ўринда маҳсус мақсад бўлади. Бу маъмурий назорат қоидасини бажаришдан бўйин товлашдир.

Маъмурий назорат ўрнатиш ва амалга оширишда ички ишлар органларининг тегишли хизматчилари куйидаги асосий вазифаларни бажарадилар:

жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти жазони ўташ даврида маъмурий назорат остига олиниши белгиланган шахсларни жазони ижро этиш муассасасидан бўшатишдан 1 ой олдин уларнинг танлаган тураг жойларидағи ички ишлар органларига бўшатилаётган шахсларнинг етиб бориш вақтини хабар қилган ҳолда, судяning маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги қарорини юборади;

озодликка чиқарилаётган шахснинг баъзи бир сабабларга кўра аник борадиган жойи бўлмаса, ҳокимиятлар қошидаги “маҳсус комиссия”лар ёрдамида уй-жой билан таъминлашга (агар шахс ҳукм қилинмасдан олдин шу туманда яшаганлиги тўғрисида асосли ва далилий хужжатлар бўлса), доимий ёки вақтинчалик рўйхатга қўйишга ҳамда ишга жойлаштиришга ёрдам беришни сўраб, шунингдек ногирон ёки оғир касалликларга (сил, саратон) чалингандарини даволаш масалаларини олдиндан ҳал қилиш тўғрисида ҳокимликларга, ички ишлар ва соглиқни сақлаш идораларига хат юборади.

Назорат учун савол ва топшириқлар

1. *Тұхмат ва ҳақорат маъмурий ҳуқуқбузарликларининг ўзаро фарқи нимада?*
2. *Енгил тан жароҳати етказиши маъмурий ҳуқуқбузарлигини шахс томонидан тақроран содир этилишининг ҳуқуқий оқибатлари?*
3. *Оз миқдорда талон-торож қилиши маъмурий ҳуқуқбузарлигининг ўзига хос ҳусусиятлари?*
4. *Майдада безорилик ҳуқуқбузарлигининг маъмурий ҳуқуқий тавсифи?*
5. *Фуқароларнинг жамоат жойларида ибодат либосларида юриши ҳуқуқбузарлигининг маъмурий ҳуқуқий тавсифи?*
6. *Ички ишлар органлари ходимининг қонуний талабларини бажармаслик ҳуқуқбузарлигининг ўзига хос ҳусусиятлари?*
7. *2023 йил 27 июль куни Тезкор маълумотларга қараганда Яшнабод тумани Кадешва мавзисида 11/52 хонаданда яшовчи фуқаро Эшматовнинг уйида психотрон моддалар тайёрлаши ҳақида маълумот келиб тушади тезкор тадбир натижасида ва ўтказилган тинтүв якуларига кўра, унинг уйидан оз миқдорда*

психотроп модда борлиги анқиқланган. Эшматовнинг ҳаракатлари юзасидан жиноят иши қўзгатиш рад этилган ва икки ой муддат ўтганидан сўнг ваколатли орган маъмурий иши қўзгатган. Унга нисбатан суд тамонидан маъмурий жазо қўлланилган.

Ваколатли органнинг ҳаракатига ҳуқуқий баҳо беринг.

8. 2015 йил 30 сентябрь куни соат 10:30 ларда фуқаро Латипова, Тошкент вилояти, Зангота тумани, Ўримчи Қ.Ф.Й, Дўстлик кўчаси, 10-йда яшовчи, ҳам касби фуқаро Холдоровани иши жойида хар-хил ножуя сўзлар билан ҳақоратлаб, жамиятда юриш-туриши қоидаларини бўзиб, жсанжал туплон қилган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси асосида вазиятга ҳуқуқий баҳо бериб мустақил фикрингизни баён этинг.

Глоссарий

Ақли норасолик - ғайрихуқуқый ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этган вақтида ақли норасолик ҳолатида бўлган шахс, яъни руҳий ҳолатининг сурункали ёки вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёхуд бошқа хил қасаллик оқибатида ўз ҳаракатининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини идрок эта олмаслик ёки бошқара олмаслик тушунилади.

Вояга етмаган — ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс.

Гипотеза - ҳуқуқ нормасининг бир қисми бўлиб, унда диспозицияда кўрсатилган қоиданинг кучга кириши учун зарур бўлган аниқ ҳаётий ҳолат (воқеа, ҳаракат, ҳодисалар) ўз ифодасини топади.

Диспозиция - ҳуқуқ нормасининг бир қисми бўлиб, унда гипотезада кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганида ҳуқуқ субъектлари риоя этишлари лозим бўлган хатти-ҳаракат қоидаси (ҳуқуқ ва мажбуриятлари) ифодаланган бўлади.

Жарима маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор шахсдан давлат ҳисобига пул ундиришидир.

Интизомий ҳуқуқбузарлик – корхона раҳбарияти томонидан ўрнатилган юриш-туриш қоидаларини бузишнинг оқибатида келиб чиқади ва интизомий жавобгарликка сабаб бўлади.

Маъмурий жазо – Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, маъмурий мажбурловнинг бошқа чоралари эса турли меъёрий хужжатлар билан тартибга солинади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик – қонун хужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ҳуқуқقا зид, айбли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик – қонун хужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайрихуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тарқиби – маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликда аниқ бир қилмишни маъмурий ҳуқуқбузарлик деб таърифловчи энг кам ва етарли объектив ва субъектив белгилар йиғиндишидир.

Санкция - диспозицияда кўрсатилган талабларни бажармаганлик учун берилиши мумкин бўлган таъсир чораси ёки тавсия этилган ҳаракатни содир этганлик учун рағбатлантиришнинг тури ва ўлчови ҳисобланади.

Фуқаровий ҳуқуқбузарлик – бунда ҳуқуқбузарлик натижаси шахснинг номулкий манфаатлари, шаъни ва қадр-қимматига заарар етказиш ҳамда моддий жавобгарлик билан белгиланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Янги таҳрирдаги Конституцияси.—Т:Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. 2023.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 2023.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси. 2023.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги ЎРҚ-407-сон Қонуни;
6. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 24 май кунидаги “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилишини ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ти ЎРҚ-844-сонли қонуни;
7. Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ти ЎРҚ-263-сонли қонуни;
8. Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 июлдаги 431-сон қарорига асосан қабул қилинган “Маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисида ягона электрон иш юритув тизими орқали маъмурий хуқуқбузарликка оид ишларни юритиш тартиби хақида”ти Низом;
9. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 июлдаги “Қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 202-сонли қарори;
10. Хидоятов Б., Ниёзова С., Алтиев Р., Хожиев Н. // Маъмурий жавобгарлик: Дарслик. – Т., Тошкент давлат юридик университети, 2019.
11. Юридик тайёргарлик. – Т., ИИВ Академия, 2016.
12. Икрамов Ш.Т., Хамедов И.А. Маъмурий хуқуқ. – Т., 2016.
13. Исмаилов И., Миразов Д., Мухторов Ж.С. ва бошқалар // Хукуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниqlаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш: Ўқув қўлланма.

Электрон таълим ресурслари:

<http://iiv.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ);

<http://ipkmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти);

<http://akadmvd.uz> (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси);

<http://lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси);

<http://www.tsul.uz> (Тошкент давлат юридик университети).

<http://www.lex.uz>

<http://norma.uz>

Мундарижа

Сўзбоши.....	3
I боб. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва унинг тузилиши. Умумий қоидалар	5
II боб. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик.....	10
III боб. Профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишнинг ўзига хос ҳусусиятлари	39
IV боб. Профилактика инспекторлари томонидан кўриб чиқилиб маъмурий жазо қўлланиладиган ҳуқуқбузарликларнинг маъмурий ҳуқуқий тавсифи	72
V боб. Айрим турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг маъмурий ҳуқуқий тавсифи	113
Глоссарий	154
Фойдаланилган адабиётлар:	155

АБДИБОСИТОВ АБДУҚОДИР АБДУРАХМОН ЎҒЛИ

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ МАЪМУРИЙ
ХУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЙОРИТИШ ФАОЛИЯТИ**

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

**Мухаррир Н.З. Тасимов
Техник мухаррир Д. Джалилов**

Босишга руҳсат этилди ____ 2023 йил. Нашриёт ҳисоб табоғи 10
Буюртма № _____. Адади 50 нусха. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти,
100213. Тошкент шаҳар. Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 27а-уй